

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқуқи
УДК**

ГАДОЕВА ЛОБАР ЭРГАШЕВНАНИНГ

**“ЭТНОГРАФИК БИЛИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (IX –XIX аср ўрталари)”**

**Мутахассислик: 5А- 120302 -Тарих (йўналишлар ва
мамлакатлар бўйича)**

Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
тарих фанлари номзоди, доцент
Қурбонова М.Б.**

Бухоро-2015 й.

Р Е Ж А

I –БОБ: ЎРТА АСР ЕВРОПАСИДА ЭТНОГРАФИК БИЛИМЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ҲОЛАТИ

1. 1. Европа маданиятининг ўзига хослиги ва этнографик маълумот
1. 2. Шарқ мамлакатлари ҳақида Юлиан Плато Карпини Рубрук ва Марко Полонинг хотираларида этнографик билимлар ҳақидаги маълумотлар .

II-БОБ: БУЮК ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР ДАВРИДА ЭТНОГРАФИК БИЛИМЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

- 2.1. Европаликлар томонидан Африка Осиё Океания ва Американинг этнографик ўрганилиши.
- 2.2. Европаликлар этнографик дунё қарашининг кенгайиши .

III- БОБ: XVIII ВА XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ЭТНОГРАФИК БИЛИМЛАР ВА ҒОЯЛАР

- 3.1. Маърифат асрида Америка Австралия ва Океания Африка Осиё худудларининг этнографик ўрганилиши.
- 3.2. XVIII аср француз инглиз немис файласуфларининг этнографик ғоялари.
- 3.3. XIX аср биринчи ярмида дунё халқларига қизиқишнинг ортиб бориши.

ХУЛОСА

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

И Л О В А.

М У Н Д А Р И Ж А:

КИРИШ.....3

I –БОБ: Ўрта аср Европасида этнографик билимларнинг тарқалиши ва ҳолати.....

1.1. Европа маданиятининг ўзига хослиги ва этнографик маълумот.....

1. 2. Шарқ мамлакатлари ҳақида Юлиан Плато Карпини Рубрук ва Марко Полонинг хотираларида этнографик билимлар ҳақидаги маълумотлар

II-БОБ: Буюк географик кашфиётлар даврида этнографик билимлар тараққиёти.....

2.1. Европаликлар томонидан Африка Осиё Океания ва Американинг этнографик ўрганилиши.....

2.2. Европаликлар этнографик дунё қарашининг кенгайиши

III- БОБ: XVIII ва XIX аср биринчи ярмида этнографик билимлар ва ғоялар.....

3.1. Маърифат асрида Америка Австралия ва Океания Африка Осиё худудларининг этнографик ўрганилиши.

3.2. XVIII аср француз инглиз немис файласуфларининг этнографик ғоялари.

3.3. XIX аср биринчи ярмида дунё халқларига қизиқишнинг ортиб бориши.

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

И Л О В А.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет	Тарих
Магистрант	Ғайбуллаева Ш.И.
Кафедра	Тарих
Илмий раҳбар	Тарих фанлари номзоди, доцент Қурбонова М.Б.
Ўқув йили	2013-2014
Мутахассислик	Тарих

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Шарқий Россия, Ўрта Осиё, савдо-сотик, дипломатия, Сибирь, Уралолди, Волгабўйи, бухороликлар, туркистонликлар, маданий таъсир, маданий ҳаёт, чорвачилик, деҳқончилик, Сибирь ўзбеклари, Волгабўйи ўзбеклари, хонликлар.

Тадқиқот объектлари: Шарқий Россия билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги савдо-сотик ва дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши, XVI-XVIII асрларда ўзаро муносабатларнинг йўналишлари ва хусусиятлари, Волгабўйи, Уралолди ва Сибирь ҳудудларига ўзбекларнинг кўчиб ўтиши, хўжалиги, маданий ҳаёти, тарихи ва этнографиясида юз берган ўзгаришлар.

Тадқиқотнинг мақсади: Шарқий Россия ва Ўрта Осиё муносабатларининг тарихий илдизлари, ўзаро алоқалардаги муҳим йўналиш ва хусусиятларни очиб бериш. Шунингдек, Ўрта Осиё ва Шарқий Россия муносабатларидаги XVIII аср воқеликларини таҳлил қилиш орқали Россия ўзбеклари ҳаёти, тарихи, этнографияси масалаларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот усули: Тадқиқ қилинаётган муаммога тарихийлик, ўзаро алоқадорлик, изчиллик ва тизимлилик асосида ёндашув. Илмий изланишлар олиб боришнинг алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик принципларидан келиб чиқиб, холисоналик ва объективлик тамойили асосида иш кўриш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертацияда Шарқий Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги кўп томонлама муносабатларнинг XVIII аср ва ундан олдинги даврлардаги тарихи тизимли асосда ўрганилди. Шарқий Россия ўзбекларининг тарихи ва этнографиясига оид маълумотлар ҳам ягона тизимга келтирилиб яхлит ҳолда илмий таҳлил қилинди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқотда тўпланган маълумотлар ва ўрганилаётган масалалар Россия-Ўрта Осиё муносабатлар тарихини ўрганишда, Мустақил Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ҳамкорлик алоқалари тарихий тажрибасини билиб олишда амалий аҳамият касб этади.

Тадбиқ қилиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Магистрлик диссертациясининг материаллари асосида илмий тўпламларда иккита мақола чоп этилди. Шунингдек, илмий-педагогик амалиётлар даврида Бухоро Давлат Университети “Тарих” ихтисослиги талабаларига амалий, семинар машғулотлари ўтиш самарадорлигини оширишда тадқиқот материаллари манбавий ёрдам беради. Ўрта таълим мактабларида “Ўзбекистон-Россия ҳамкорлик чорраҳаларида” мавзусида мулоқот кечалари уюштирилди.

Қўлланилиш (фойдаланиш) соҳаси: Диссертацияда келтирилган маълумотлар ва далиллардан Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон алоқалари тарихига қаратилган фундаментал асарлар яратиш мумкин. Тадқиқотда ягона тизимга солинган материаллар асосида ўқувчи ва талабаларга махсус курс, семинар, кўчма машғулотлар уюштириш мумкин.

Илмий раҳбар

Магистрант

Тарих фанлари номзоди,
доцент Қурбонова М.Б.
Ғайбуллаева Ш.И.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда юз бераётган кенг камровли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар тарихини чуқур ва холисона тарзда ҳамда теран тафаккур асосида илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек; “Ўзбекистон тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”¹.

Ўтмишни ўрганиш орқали келажакнинг мустаҳкам асослари яратилмоқда. “Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”², -деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

Маълумки, фан жамият фаровонлигини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришга фойда келтириш учунгина хизмат қилибгина қолмай, балки инсониятга ўйлашни, мушоҳада юритишни, олдиндан олам ҳодисаларини кўра билишни, ақлни тараққий эттиришни ва ақлий қувватни авайлаб-асрашни ўргатади. Демак, фан-оламни ақлий жиҳатдан билиш услубидир. Фан оламнинг объектив қонуниятларини ўрганади ва кашф этади³.

Тарихимизни холисона тадқиқ этишда этнография - элшунослик (халқшунослик) фани ҳам салмоқли ўринга эгадир. Этнография кўп қиррали хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий тадқиқот объекти ер юзидаги барча этнослар-уруғ-қабилалар, элатлар, халқлар ва миллатлар ҳисобланади.

Этнография жаҳон халқларининг этногенези,ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, антропологик ва лингвистик белгилари, анъанавий хўжалиги, маросимлари ва маиший турмуш тарзларини ўрганиш жараёнида ҳар бир этноснинг жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга эканлиги ҳақида маълумотлар беради. Шу боисдан ҳам этнография бўйича ўқув машғулотлари

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008.-Б.4.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ. 1998.-Б.9.

³ Файзуллаев О. Ўзбекистон: Қадимги фанимиз ва ҳозирги замон.//Мулоқот.-Т.: 2002. май-июнь.-Б.4.

ер юзидаги маълум бир минтақада яшовчи халқларнинг табиий-географик жойлашуви, этногенези ва этник тарихи, антропологик (ирқий) ва этнолингвистик (лисоний) хусусиятлари, моддий маданияти, маиший турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти ва оила-никоҳ муносабатлари, маросимлари ва урф-одатлари, маънавий ҳаёти ва диний эътиқодларини ўзида мужассамлаштирувчи энг устувор масалалар тизимидан таркиб топган.

Этнография фани ёш авлодни Ватанга садоқатли, эътиқодли ва етук даражадаги комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

XXI асрда мамлакатимизда илм-фан тараққиёти янада юксалаётган бир пайтда Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: “Бугун биз мустақил давлат кураямиз. Истиқболимиз, тараққиётимиз кўп жиҳатдан фан даргоҳларида ишлаётган одамларнинг изланишларига, уларнинг жасоратига, фидойи эканлигига, юксак илмий салоҳиятлари ва оқилона тавсияларига боғлиқдир”⁴. Жамият ҳаётида илм билан шуғулланаётганлар ва уларнинг илмий салоҳияти, жамият аъзоларига ўз илмларини етказиш кўламлари албатта таъсир кўрсатади.

“Фан” сўзининг айнан маъноси билим демақдир. Аммо ҳамма билимлар ҳам илмий деб қаралмайди. Кундалик ёки турмуш тажрибаси деб аталган нарса, яъни оддий кузатиш ва амалий фаолият асосида олинган, фактлар ва жараёнларни оддийгина тавсифлашдан, уларнинг соф ташқи томонларини аниқлашдан нарига ўтмайдиган билим фанга тааллуқли эмас. Том маънодаги илмий билим фақат фактларнинг замирида қонуният борлигини – улар ўртасидаги умумий ва зарурий алоқа борлигини аниқлаган пайтдан бошланади. Фан фактлар ва қонунлар ҳақидаги билимларнинг оддий мажмуидан иборатдирки, бу системада мазкур факт ва қонунлар муайян муносабатлар билан ўзаро боғланган бўлади ва бир-бирини тақозо қилиб туради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз ушбу тадқиқотни бугунги

⁴ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: “Ўзбекистон”,1994. –Б.172.

кундаги долзарб ва ўрганилиши аҳамиятли мавзулардан бири деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. IX – XIX аср ўрталарида этнографик билимлар ва уларнинг фан сифатида шаклланишини тадқиқ қилиш магистрлик диссертациямиз учун мақсад қилиб олинди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, диссертант ўз олдида қуйидаги аниқ вазифаларни белгилади:

-Ўрта асрларда Европада этнографик билимларнинг йиғила бориш ҳолатини ўрганиш;

-Европада тўпланган Шарқ мамлакатлари ҳақидаги этнографик билимлар ривожини таҳлил қилиш;

-Буюк географик кашфиётлар даврида этнографик билимлар таракқиётини очиб бериш;

-Европаликлар этнографик дунёқараши ўсиб бориш жараёнини тадқиқ этиш;

-XVIII асрда дунё ҳудудларини этнографик ўрганилишига умумий тавсиф бериш;

- XVIII аср маърифатпарварлари этнографик ғояларини қиёсий таҳлил қилиш;

-XIX биринчи ярмида этнографик билимларнинг фанга айланиш жараёни масалалари хусусида илмий хулосаларга келиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқ қилинаётган мавзуга оид асар ва китобларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. IX – XIX аср I-ярмида яратилган сайёҳ, элчи, миссионерларнинг хотиралари;
2. Совет ҳокимияти йилларида ёзилган асарлар;
3. Мустақил йилларида чоп этилган ишлар;
4. Хорижда эълон қилинган ишлар.

Ўрта асрларда Европада ўзига хос маданиятнинг шаклланиши этнографик билимлар тарқалишига ўз таъсирини кўрсатади. Хусусан,

византиялик олим ва ёзувчилар яратган асарларида этнографик маълумотлар келтирилган эди⁵.

Айниқса, Европада яшаган қадимий қабилаларни германлар, готлар, славянларни ўрганишга ҳаракат қилган элчи, савдогар, саёҳатчиларнинг хотира ва эсдаликлари, ёзма ҳисоботларида қимматли этнографик маълумотлар бор⁶.

Совет ҳокимияти йилларида этнографик билимлар сарчашмаси тўғрисидаги масалаларни С.А.Токарев ўз асарида илмий нуқтаи назардан таҳлил этади⁷.

Собиқ шўролар даврида чоп этилган кўпгина адабиётларни танқидий руҳида кўриб чиқиш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этади. Кучли коммунистик мафкура асосида ёзилган асарлар сирасига Дж.Коккьяра, И.П. Магидович, Ф.В.Семенов⁸ ва бошқаларни киритишни лозим топдик.

Истиқлол йилларида тадқиқотлар доираси кенгайди. Ўзбекистонда этнография фани ва унинг тараққиёти масалаларига бағишланган илмий изланишлар, тадқиқотлар яратилдики, ушбу фан тараққиётида И.Жабборов⁹ фаолияти диққатга сазовордир.

Миллий истиқлол ғояси тамойиллари асосида мустақиллик йилларида яратилган асарлар, илмий-тадқиқот натижалари, эълон қилинган диссертация, мақолаларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бундай ишлар

⁵ Прокопий из Кессарии. Война с готами.-М.: 1950; Агафий. О царствовании Юстиниана.Перевод М.Левченко. - М.Л.: 1953; Словарь античности.-М.: 1989;Новейший справочник необходимых знаний.-2-е изд. перераб.и доп. /Сост.Кондрашов А.П.,Стреналюк Ю.В.-М.: РИПОЛ классик. 2006.

⁶ Карпини Иоанн де Пано. История монгалов. Рубрук Вильгельм де. Путешествие в Восточные страны. Введение, перевод и прим. А.Малеина. СПб; 1911; Карпини Джiovanni дель Пано. История монгалов . Рубрук Гильом де. Путешествие в Восточные страны.ред.статья и прим.Н.П.Шастиной. -М.: 1957.;Аннинский С.А. Известия о татарах XIII-XIV вв. « Исторический архив», III, 1940; Книга Марко Поло. Перевод И.П.Минаева.-Москва. 1955; Книга Марко Поло. Серия: Путешествия. Открытия. Приключения.- Алма - Ата: Наука, 1990.

⁷ Токарев С.А. Истоки этнографической науки (До середины XIX в.) –М.: Наука, 1978; Его же. История зарубежной этнографии.-М.: Наука, 1979.

⁸ Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. –Москва, 1960; Магидович И.П. Очерки по истории географических открытий. – М.: 1957.; Семенов Ф.В. Ўрта асрлар тарихи.-Т.: 1973.

⁹ Жабборов И. Жаҳон этнологияси асослари.-Т.: Ўқитувчи, 2008.; Жабборов И. Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти).-Т.: Шарқ 2008.

сирасига А.Х.Дониёров, А.Аширов, О.Бўриев, Н.Жўраев, М.Қурбонова ва бошқа муаллифларни киритишни лозим деб билдик¹⁰.

Диссертацияни ёзишда имкон қадар хорижда чоп этилган адабиётлар билан ҳам танишиб чиқилди. Мавзуга оид хорижий адабиётлар сирасига кирувчи “Ғарбий Қозоқистон тарихи” китобини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим¹¹.

Диссертациянинг илмий-назарий янгилиги. Мазкур диссертацияда этнографик билимларнинг фанга айланишининг шаклланиш жараёни тарихи мустақил тадқиқот сифатида ўрганилди. Европада ўрта асрларда этнографик билимларнинг тўплана бориш жараёни, шарқ мамлакатлари ҳақида этнографик маълумотларнинг сайёҳлар, черков ёзувчилари солномаларида, тарихчилар рисоаларида ўз аксини топиши ҳақидаги масалалар ҳақида фикр юритилди. Буюк географик кашфиётлар даврида европаликлар томонидан Африка, Осиё, Океания ва Америка ҳудудларининг этнографик жиҳатдан ўрганилиши, умуман бу даврда этнографик дунёқараш горизонтларининг кенгайишига оид масалалар имкон қадар таҳлил қилинди.

XVIII асрда дунё ҳудудларининг нафақат географик кенгайтириш балки, европаликлар учун янги мамлакатларнинг этнографик жиҳатдан очилиши жараёнининг бориш ҳолати, хусусан этнографияда маълумотларни йиғишда қиёсий методнинг шаклланиши билан боғлиқ фикрлар илмий муомалага олиб кирилди. Хусусан, Европа маърифатпарварлари Фергюссон, Вико, Руссо, Дидро, Монтескье, Вольтер, Кондорселарнинг асарларида инсониятнинг табиий тараққиёти, тасвирланган, ибтидоий болалик даври “сахий ваҳшийлар ёки “олтин аср” деб таърифланиб, уни асослашда этнографик маълумотлардан кенг фойдаланилганлиги, XIX аср биринчи ярмида дунё халқларига қизиқишнинг ортиб борганлиги сабаблари турли халқларни,

¹⁰ Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология.(ўқув қўлланма).- Т.: 2007.; Аширов А. Жаҳон этнологияси асослари. Дарслик. -Т.2014; Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи.-Т. “ Янги нашр”, 2011.; Жўраев Н.Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: Маънавият, 2008; Қурбонова М.Б. Баркамол авлод ва этнология фани.// Баркамол авлод – озода ва обод юрт таянчи мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II-китоб. Бухоро-2010.-Б.26-29.

¹¹ История Западного Казахстана («Батыс Қазақстан тарихи») В двух томах. Том 1.-Актобе: «Принт «А».- 2006.

айниқса, Европадан ташқаридаги элатларни ўрганиш амалий эҳтиёжлар учун зарур бўлганлиги, Европанинг энг қудратли давлатлари XIX аср бошларига келиб, ўзларининг катта мустамлакаларини бошқариш учун у ерда яшовчи халқларнинг маиший турмуши ва маданиятини билишга муҳтожлиги оқибатида этнография фанининг ўсишга туртки бергани таҳлил этилди. Дастлаб этнография Европанинг йирик мустамлакачи мамлакатларига хизмат қиладиган восита сифатида қолақ, яъни ҳали ўз давлатига эса бўлмаган халқларни ўрганувчи фан шаклида пайдо бўлгани таҳлили ҳам ишнинг илмий-назарий янгилигига хизмат қилади.

Диссертациянинг назарий-методологик асоси. Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини мустақиллик йилларида Ўзбекистон Президент томонидан чиқарилган фармон ва қарорлар, Олий Мажлис тасдиқлаган қонунлар ва ҳукумат қарорлари ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тарихни ўрганишга қаратилган нутқ ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини белгилаб берган, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнимизни асослашга хизмат қиладиган китоблари, бу борада илгари сурилган ғоялари диссертацияга методологик асос қилиб олинди. Диссертацияда тарихий изланишлар олиб боришнинг ўзаро алоқадорлик, сенегретик, прогматик, тарихийлик, объективлик, тизимлилик методларидан кенг фойдаланилди. Тадқиқотни методологик жиҳатдан мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси етакчи тарихчилари И.Жабборов, Н.Жўраев, А.Аширов, Д.Ж.Абдуллаев, Д.А.Алимова, У.С.Абдуллаев кабилар томонидан илгари сурилган методик концепциялар амалий ёрдам берди.

Диссертациянинг илмий-амалий аҳамияти. Ушбу магистрлик диссертациясида келтирилган далил ва рақамлар ишни ёзиш учун асос бўлган материаллар этнология фанининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга қаратилган ўқув-қўлланма, рисола, ўқув-услубий қўлланмалар ёзишга амалий ёрдам беради. Диссертация матнидан олий ўқув юртлирида, ўрта ва ўрта махсус ўқув муассасаларида махсус курс, семинарлар ўтиш мумкин. Этнография фани тарихига оид мулоқот кечалари, суҳбатлар,

семинар-тренинглар ўтказишда ишдаги рақам ва далиллар илмий-назарий маълумот бера олади.

Диссертация материаллари ёш авлодни маънавий етук, бағрикенг, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқотнинг жорийланиши. Диссертация мавзуси Ижтимоий-иқтисодий факультет Илмий кенгашида ва Тарих кафедраси йиғилишида муҳокама қилиниб тасдиқланган. Иш юзасидан битта илмий тўпламда, битта республика илмий-назарий конференцияси тўпламида, жами 2 та мақола чоп этилган. Бухоро давлат университети илмий-амалий анжуманларида диссертация мавзуси билан боғлиқ илмий ахборот берилган. Тадқиқот юзасидан тўпланган материаллар асосида бир қатор муассасаларда “Этнография-халқшунослик фани”, “Этнология: тикланиш босқичида”, “Этнографияда терминология муаммоси”, “Этнология фанида этнослараро коммуникация муаммоси”, “Этник онг ва ўзликни англаш” мавзуларида давра суҳбати, маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилган. Диссертация университет вебсайтидан ўрин олган.

Диссертациянинг хронологик чегараси. Диссертациянинг хронологик чегараси IX-XIX аср ўрталари деб белгиланиб, бу хронологик чегара куйидаги асосга кўра танланди:

IX-XI асрларда Европада шаҳарлар ролининг ошиб бориши, марказлашган давлатларнинг шакллана бошланиши, шунингдек, миллатларнинг пайдо бўлиш жараёни содир бўла бошлади. Бу эса ўзга халқлар – этносларга қизиқишнинг ортиши этнографик билимлар тараққиётини шарт қилиб қўйди. Шу сабабли мавзу хронологияси IX асрдан бошлашни лозим деб ҳисоблаймиз. IX асрдан бошлаб Европада тўплана бошлаган этнографик билимлар XIX асрнинг биринчи ярмига келиб алоҳида фан сифатида шаклланди. Диссертацияда ушбу жараёнлар тадқиқ этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати каби қисмлардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 110 бетдан иборат.

I –БОБ: ЎРТА АСР ЕВРОПАСИДА ЭТНОГРАФИК БИЛИМЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ҲОЛАТИ

1.1. IX асрга қадар Европадаги этнографик маълумотларнинг умумий ҳолатига тавсиф

Маълумки, V асрда Ғарбий Рим империясининг емирилиши ва унинг ўрнида кўплаб “ёввойи қиролликлар”нинг вужудга келиши бутун иқтисодий ва сиёсий антик тузумнинг ҳалокатли емирилиши ва йирик маданий кризис билан бирга борди¹². Савдо ва пул хўжалигининг инқирози, натурал хўжаликка қайтиш, шаҳарларнинг бўшаб қолиши, сиёсий парчаланиш маданиятнинг даҳшатли ҳалокатига олиб келган эди.

Бу даврда шаҳарларни ёввойи-варварлар эгаллаб олдилар, ички низолар натижасида антик даврда тўпланган маданий бойликлар йўқотилди, илмий кўлёмалар куйдирилди, санъат асарлари яксон этилди. Ғарбий Европанинг халқ оммаси орасида оддий саводхонлик ҳам камёб ҳодисага айланиб қолди.

Христианликнинг ёйилиши “антик дунё тартиблари инқирози”да ўз аксини топади. Унинг роли икки ёқлама эди: бир томондан черков ва аббатлар, баъзи руҳонийлар саводлиликнинг қандайдир қолдиқларига эга бўлсалар, яъни ўқиш, ёзишни билсалар; иккинчи томондан эса христианларнинг барча “худосизлар”га бўлган фанатик душманликлари, антик фанлар, адабиёт ва санъатга қарши йўналтирилган эди.

Содир бўлаётган бундай нохуш ҳодисалар, турган гапки, ҳаёт тарзининг қўполлашувига, ақлий қизиқишлар доирасининг торайишига, одамларнинг маънавий эҳтиёжлари қашшоқлашувига ва албатта, дунё, ер, унинг одамлари тўғрисидаги ҳақиқий билимлар доирасининг қисқариб кетишига олиб келди.

Кенг доирадаги этник ҳаракатлар тўлқини пасайганида ҳаёт майда, ёпик бўлақларга ажралди, деҳқонлар ўзларининг кичик хўжаликларини юритар, ўз хўжайинлари хизматини бажарар ва ўз қишлоқларидан ташқарида бўлаётган

¹² Токарев С.А. Истоки этнографической науки. – Москва: “Наука”, 1978. - С.46.

ишлар билан мутлақо қизикмас эдилар. Бошқа давлат одамлари, у ерда яшовчилар ҳақида сўрамас ҳам эдилар. Уларнинг хўжайинлари (феодаллар) ҳам ақлий ривожланиш даржасида улардан қолишмас эдилар, кўплари эса мутлақо саводсиз эдилар. Умумий географик ва этнографик дунёқараш торая борарди¹³.

Ғарбий Рим империяси герман қабилалари томонидан истило қилингандан кейин ҳам Рим империясининг Шарқий қисми яна узоқ вақт ҳукм сурди. У ҳатто ўзини расмий суратда Рим (Ромея) империяси деб атаётди. Латин тили яна узоқ вақтгача Шарқий империянинг давлат тили бўлиб қолди. Лекин Шарқда халқ юнон тилида сўзлашарди. “Рим империяси” деган ном бора-бора йўқолиб, “Византия империяси” деган ном билан юритила бошланди. Империянинг пойтахти қадимги вақтда Византия деб аталган бўлиб, 330-йилда Константин Буюк унга Константинополь деб ном берган эди. Баъзи олимлар худди шу йилни Византия империясига асос солинган йил деб ҳисоблайдилар¹⁴. Лекин тарихчиларнинг кўпчилиги Византия империяси 395 йилда, яъни Феодосий I ўлгач, империя унинг ўғиллари ўртасида тақсимланиб, шарқий ярим Константинополь шаҳри билан бирга Аркадийга ўтган вақтда тузилган деб ҳисоблайди. Болқон ярим ороли ва Эгей денгизидаги кўпдан-кўп ороллардан ташқари, Византия империясига яна Кичик Осиё, Сурия билан Фаластин, Миср, Месопотамия билан Закавказьенинг бир қисми, Қримнинг жанубий қирғоқлари кирар эди.

Империянинг шарқий қисми ғарбий қисмига қараганда анча мустаҳкам бўлиб чиққан экан, бунинг асосий сабаби шуки, ундаги иқтисодий муносабатлар ғарбий қисмидагига қараганда анча тараққий топган ва анча мустаҳкам эди. Бу ерда Мисрдаги Александрия, Суриядаги Антиохия, Кичик Осиёдаги Смирна ва Эфес, Болқон ярим оролидаги Константинополь ва Фессалоника каби ривож топган савдо-сотик марказлари бор эди. Осиё Шарқи билан олиб борилган қизғин савдо ишлари узилмади, балки ҳатто

¹³ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. – Москва: “Наука”, 1978.- С.47.

¹⁴ Қаранг: Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. -Тошкент: 1973. -Б.101.

кучайди, бу савдо Осиёда III асрда кучли янги форс подшолиги – Сосонийлар подшолиги вужудга келгандан кейин айниқса кучайди. Шарқий Рим империясида кулдорлик тузумининг ўзи ҳам Ғарбий империядагидек кескин тушкунликка учрамади. Бунинг сабаби аввало шуки, империянинг шарқий вилоятларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида кулдорлик Ғарбдагидек катта роль ўйнамади. Шарқ экономикасида куллар билан бир қаторда кул бўлмаган элементлар, яъни шаҳарлардаги эркин ҳунармандлар ва қишлоқлардаги жамоачи деҳқонлар катта ўрин тутар эди. Бу жамоачи деҳқонлар давлат деҳқонлари бўла туриб қарамлик ҳолатига тушиб қолган бўлсаларда, ҳар ҳолда уларнинг ўз ер участкалари, шахсий хўжалиги бор эди. Шундай қилиб, улар куллардан анчагина фарқ қилар эдилар. Ҳийла кўп сонли мустақил деҳқонлар қисман қадимий ибтидоий тузумни сақлаб қолган бўлиб, Кичик Осиё ва Болқон ярим оролида истиқомат қилар эдилар.

Эллинизм маданиятининг ўзи ҳам грек халқининг Яқин Шарқдаги турли халқлар билан кўп асрлар давомида қилган алоқасининг натижаси бўлиб, Византиянинг мустақамлигининг маълум даражада сақланиб туришига имкон берган шароитлардан бири бўлди. Антик грек тилидан фарқ қиладиган грекларнинг эллин тили Шарқдаги бошқа халқлар тилларининг кўпгина элементларини ўз ичига олганлиги шаҳар тузилиши ўша қадимий грек шаҳар-давлат тузилишининг анчагина томонларини ўзида сақлаб қолганлиги, Яқин Шарқдаги турли халқларнинг турлича диний эътиқодлари аралаш-қуралаш бўлиб кетиб, шарқий христиан динига ҳам таъсири ўтганлиги, булар ўртасида қадимдан бери савдо алоқаларининг мавжудлиги-мана шуларнинг ҳаммаси Ўрта ер денгизининг шарқий қисмида яшовчи аҳолини бир-бирига яқинлаштирди, алоҳида бир грек - Византия халқининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Аммо айрим вилоятларнинг этник, маиший, диний тафовутлари тамоман йўқ бўлиб кетмаган эди, Византиянинг бундан кейинги бутун бир тарихида бу нарса кескин сезилиб турди.

Шарқий империянинг юқорида қайд қилиб ўтилган хусусиятлари натижасида унинг варварларга бўлган муносабатлари ҳам бошқача бир характерга эга бўлди. Византия Ғарбий Империяга ўхшаб варварлар томонидан босиб олинмади ҳам, яшашдан тўхтамади ҳам. Жумладан, Византия герман қабилалари-вестготлар, остготларнинг ва бошқа қабилаларнинг ҳужумларига бардош берди, бу қабилалар эса Византиянинг Ғарб томонидан кириб бориб, у ерда ўзларининг варварлик қиролликларини туздилар. Византия империясида ҳали V - VI асрларда ҳам қулдорлик тузumi сақланиб қолган эди. VI асрда Византия қулдорлик тузумини варварлар томонидан босиб олинган ғарбий вилоятларда тиклашга ҳатто ҳаракат қилди. Бироқ, ундан кейинги VII-VIII асрларда Византия қадимги Римга хос бўлган ижтимоий ва сиёсий анъаналарни ўзида сақлаб, илгаригидек “Ромея давлати” лигича қолиб келаётган бўлса-да, унинг ижтимоий тузumi феодализм томон тезлашиб бормоқда эди. Оқибат-натижада Византия ҳам, “варварлаштирилишдан” қочиб қутулмади, бу нарса Болқон ярим оролига жуда кўпдан-кўп славян қабилаларининг кириб келишида намоён бўлди. Славянлар қисман Болқон ярим оролидаги бир қанча ҳудудларни босиб олиб, бу ерда Ғарбда бўлгани сингари Болгария (VII- аср охирларида), Сербия, Харватияни давлатларини барпо қилдилар¹⁵, қисман Византия қўлида сақланиб қолган ҳудудга деҳқон-колониист бўлиб кўчиб келдилар ва шунинг билан бирга бу ерга ибтидоий-жамоа тузumi тартибларини олиб келдилар.

Шундай қилиб, шуни эътироф этиш мумкинки, оқибат натижада германлар Ғарбий Рим империясига нисбатан қандай роль ўйнаган бўлсалар, славянлар ҳам Византияга нисбатан худди шундай роль ўйнадилар. У ерда ҳам, бу ерда ҳам варварларнинг келиши қулдорлик тузумининг кулашига ва анча илғорроқ ижтимоий феодализм муносабатларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишига ёрдам берди.

Шарқий Рим империяси ёввойилар юришларидан холироқ бўлгани туфайли, яъни уларга муваффақиятли қаршилик кўрсата олганлиги сабабли,

¹⁵ Новейший энциклопедический справочник страны мира. - Москва: “Наука”, 2007.-С.69.

ўз суверенитетини сўнгги ўрта асрлар (XV аср) гача сақлаб қола олган, шунинг учун уларда антик маданият ҳам кўпроқ умр кўрди. Черковнинг каттик таъсири остида бўлса ҳам Византия фани йўқолмади, ривожланмасада ҳар ҳолда илгари тўпланган билимларни сақлаб қола олди.

VI-X асрлар Византия ёзувчилари тарихий асарларида кўплаб этнографик маълумотларга дуч келиш мумкин. Бу даврга келиб ушбу маълумотларнинг ҳам географик доираси тораяди. Чунки фақат империя таркибидаги халқлар ва қабилалар турмуши ўрганилган. Сабаби фақат ўзаро савдо, дипломатик алоқалар ва урушлар шу халқлар ўртасида рўй берган. Византияда VI асрда анчагина гуманитар асарлар яратилганлигини бир қанча йирик олим ва ёзувчиларнинг номларидан билиш мумкин, уларнинг асарлари бизнинг замонамизгача етиб келди.

Прокопий Кесарийскийнинг “Юстинианнинг форслар, вандаллар ва готлар билан урушлари тарихи” номли машҳур тарихий асари VI асрга тегишлидир. Саркарда Велизарийнинг яқин маслаҳатчиси Прокопий унинг Олд Осиё, Шимолий Африка, Италияга қилган ҳарбий юришларида қатнашган. Прокопийнинг асарда келтирган ҳарбий воқеалар, музокаралар ва урушларга оид бошқа маълумотлари жуда аниқлиги билан ажралиб туради¹⁶. Прокопий бу воқеаларни баён этиш жараёнида византияликлар билан урушлар олиб борган ва битимлар тузган халқларни кўп марта тилга олади. Маълумки, Юстиниан даврида империянинг энг гуллаб-яшнаган даври бўлган. Унинг асарида ўз даврининг ҳарбий назарияси тараққиётига оид фикрлари ўз аксини топган эди¹⁷. Византияликлар Европа ва Яқин Шарқнинг кўплаб халқлари билан яқин алоқада бўлганлиги сабабли улар ҳақида турли маълумотларни топиш мумкин. Ушбу халқлар ҳаёти, урф-одатлари, дини, келиб чиқиши ҳақида асар муаллифи шундай маълумотларни келтирадики, улар ҳақиқатга мос келади.

¹⁶ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. -Москва: “Наука”, 1978.- С.47.

¹⁷ Словарь античности. - Москва: 1989. -С.464.

Прокопийнинг “Готлар билан урушлар тарихи” асари иккинчи қисмида қимматли этнографик маълумотлар ниҳоятда кўп. Ҳақ замонларда византияликларни жуда безовта қилган славянлар юришлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ниҳоятда кўп келтирилган. Унинг асарида ўрта аср славянлари ва антлари тўғрисидаги маълумотлар ўта аниқлиги билан ажралиб туради: уларнинг нафақат ҳаёти, турмуш тарзи, ҳатто афт-башараси ва дунёқарашлари тасвирлаб берилган. Прокопийнинг маълумотлари бўйича бу халқларнинг этнографик ҳолатлари ҳам батафсил ёритилган. Масалан, асарда “уларнинг тиллари бир хил, кўринишлари ва урф-одатлари бир хил, ҳатто баъзан славянлар ва антларнинг исмлари ҳам бир хил” деган маълумотлар келтирилади. Прокопий “славянлар” деганда ғарбий славян қабилаларини, “антлар” деганда шарқий славян қабилаларини кўзда тутган бўлса керак. Бундан ташқари, Прокопий асарида герман қабилалари-айниқса, франклар, готлар, геруллар уларнинг урф-одатлари, Кавказ халқлари – лазлар, арманлар, месхлар ва бошқалар тўғрисида жуда қизиқарли маълумотларни келтирган¹⁸. Прокопийнинг асари бошқа Византия ёзувчилари асарлари билан таққосланганда этнографик маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Масалан, 630 йилда Феофилакт Симокаттанинг ёзган “Тарих” асарида византияликлар урушган халқлар тўғрисида жуда кам маълумотлар берилган, уларнинг турмуш-тарзи, урф-одатлари тўғрисида шунчаки йўл-йўлакай айтиб ўтилган, холос.

VI асрга тегишли бўлган, илгари император Маврикий асари деб қабул қилинган “Тактика ва стратегия” иншоси ҳам жуда қизиқарли. Ушбу ҳақиқий ҳарбий йўриқномада византияликлар билан тўқнашган халқлар тўғрисида айтиб ўтилган, лекин бу маълумотлар асосий мақсадга мос келади, яъни урушиш техникасига мувофиқлаштирилган.

¹⁸ Прокопий из Кесарии. Война с готами. – Москва: “Наука”, 1950. – С.297.

Греklar бевосита тўқнашмаган узоқроқ давлатлар ва бегона халқлар ҳақида ғарбий давлатларда яшовчилардек жуда маъхум тасаввурга эга бўлишган.

Ўзлаштирилган ерлар ва уларда яшовчи халқлар тўғрисидаги маълумотлар инжилона-христианлик тушунчалари билан йўғрилган эди. Шу маънода византиялик сайёҳ ва савдогар Козьма Египтяниннинг “Христианотопография” асари диққатга сазовордир. Бу асар 540-йилда ёзилган ва унинг асосий маъноси - Инжил билан мутаносиб равишда битилган космографик ва географик билимлар тизимидан иборат. У Птоломейнинг ернинг думалоқ шаклда эканлиги тўғрисидаги назариясини қатъиян рад этиб. Ерни бироз чўзинчоқроқ ва бўрттирилган тўғри бурчак, атрофи океан билан ўралган, осмони айвонида фаришталар ёритгичларни ҳаракатлантиради, деб тасвирлаган. Шунақанги аҳмоқона тасаввурлар билан бирга Козьманинг аниқ фикрлари узоқ мамлакатлар, “Ипак юрти” Хитой тўғрисидаги маълумотлари, Эфиопия, Миср, Олд Осиё каби шарқий мамлакатларни ўзи кўриб, қисқа ва аниқ маълумотлар қолдиргани диққатга сазовордир. Хусусан, савдо алоқаларини, товар алмашувларни - темир, туз, хўкизларни олтинга алмаштирганларини батафсил ёзиб қолдирган.

Ғарбий Рим империясининг инқирозга юз тутиши мамлакат иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётида салбий ҳолатларнинг намоён бўлишига олиб келган эди. Бундай ҳолатлардан бири этнографик маълумотларга бой бўлган адабий ёдгорликларнинг қашшоқлашуви эди. Бироқ, бу даврда готлик тарихчи Иорданнинг “Готларнинг ишлари ва келиб чиқишлари” номли асари ярқ этиб кўзга ташланади¹⁹. Бу асар тахминан 550- йилда ёзилган. Муаллиф Иордан ҳақида етарли маълумот йўқ, тахминларга кўра, у епископ бўлган, лекин унинг иерархияси қаерда бўлганини ҳеч ким билмайди. Ўша даврнинг шубҳасиз саводли одами бўлган Иордан гот қабилалари Иттифоқининг юксалиши, гуллаши, кейин эса паст бўйли, бадбашара махлуқлар, сўзлашуви билангина одамга ўхшаш”, ёки “ улар ғалаба қилса, урушлари билан эмас,

¹⁹ Иордан. О происхождении и деяниях готов. – Москва: “Наука”, 1960. –С.60-61.

кўрқинчли кўриниши билан даҳшатга солиш орқали бунга эришган;ёки “кўринишлари қоп-қоралиги, юзи ўрнида бир бурда, кўзи тешик мисол”,-деб таърифлаган.

Умуман, Иордан асарида этнографик маълумотлар кўп. Унда ҳатто, баъзи бир этнографик умумлаштиришга уринишлар ҳам кузатилади, масалан ҳар хил халқларнинг ён қўшнилари номини ўзлаштириши, яъни қабул қилиб олишига ўхшаш одатлар. “Кўпчилик эътибор берганки, қабилаларда номларни ўзлаштириш одат тусига кирган: римликларда –македон, грекларда-римликлар, сарматларда-германлар номлари бор. Готлар кўпинча гуннлар номларини қабул қилганлар”²⁰ ,- деб хулоса қилади асар муаллифи.

Византияда VII-IX асрлардаги “қоронғу” даврдан сўнг нисбатан осуда ва маданий кўтарилиш даври бошланди. Бу давр янги тарихий – этнографик ёдгорликларни яратди.

Улардан қизиқарлироғи император Константин Багрянород (Порфиrogenет)нинг “Фемлар ҳақида” ва “ Халқлар ҳақида” деб номланган асарлари бўлиб, биринчиси 934-йилда, иккинчиси 949-952 йилларда ёзилган. Унинг ўзи 905-959-йилларда яшаб ўтган. Константин бу асарларида ўзининг юксак билимини намоён этади. Асарларда антик манбалардан олинган цитата ва маълумотлар муаллиф томонидан тўкиб ташланган. Энг муҳими, империя пойтахтига турли вилоятлардан келиб тушадиган хилма-хил материалларни ўз ўрнида ишлата олган ва бундан ташқари муаллиф фақат ўзи тўплаган маълумотлардан фойдаланган, яъни асарларда тўқималар йўқ деган фикр-мулоҳазалар ҳам бор. Ҳар ҳолда, Константиннинг ҳар икки асарида, айниқса, иккинчисида- “Халқлар ҳақида” асарида Византияга бўйсунувчи халқлар ва қўшни мамлакатлар халқлари тўғрисида кўплаб маълумотлар мавжуд.

“Фемлар тўғрисида” китобида (Фема-Византия империясининг маъмурий бирлиги) ҳар бир фем халқлари бирма-бир санаб ўтилади, холос, ўша ҳам тўлиқ эмас, улар ҳақида маълумотлар кам. Асардан парча

²⁰ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. –Москва: “Наука”, 1978. - С. 51-52.

келтирамиз; “Галатлар-франклар еридан келиб чиққанлар, у Аталл Пергамский даврида бу ерларга жойлашиб олишган. Пафлагонлар араблар авлодидан; бу халқ “нафратланишга арзийди, беҳаё ва бузуклиги билан маълум. Стримон фермаси халқи (скифлар) молбоқарлик билан шуғулланади. Сицилиянинг туб халқи-сикеллар, колонист греклар-сикелиотлар, деб аталган”.

“Халқлар тўғрисида”²¹ деб номланган асарида этнографик маълумотлар анчагина кўп. Бу асар ўғли ва вориси Романга насихат тарзида ёзилган, муаллиф ўз баёнининг амалий мақсадини ҳам яширмайди: “ Мана мен сенга насихатларимни, улардаги тажриба ва билимдан фойдаланиб, халқ манфаатига зарар етказмаслик йўлида ишлатишинг учун баён этаяпман. Аввало: қайси халқ қай жиҳати билан Романларга фойда ёки зарар келтириши мумкин ва қайси халқлар ёрдамида уларга уруш эълон қилиш ва бўйсундириш мумкин...” ва ҳоказо.

Шундай қилиб, Порфирагенет биринчи ўринга амалий ва сиёсий мақсадни қўяди, яъни ўз асарларида халқлар ҳақидаги аниқ маълумотларни ҳам шунга бўйсундиради. Бу маълумотлар, бутун китобнинг худи ўзидек бўлиб-бўлиб, тизимсиз баён этилган. Асарда тилга олинган халқлар сони кўп бўлса-да, кўпинча бу маълумотлар уларнинг кимга бўйсунуши, ким билан урушгани ва урушаётгани билан чегараланиб қолган, холос. Халқларнинг урф-одатлари Константинни қизиқтирмайди. Бироқ, шу билан бирга унда халқларнинг келиб чиқишлари ва кўчишлари билан боғлиқ масалалар, масалан, венгерлар (уларни византияликлар турклар деб аташган) тўғрисида қизиқарли маълумотлар бор. Айниқса, бошқа бирор манбада учрамайдиган, VII асрда хорватлар ва серблар авлодларининг шимолдан, “Франкия” дан Дальмация ва Византия империяси ҳудудлари атрофига кўчишлари ҳақидаги маълумот жуда муҳимдир. Шимолда, Константин даврида ҳам “ Оқ Хорватия” ва “Буюк Сербия” сақланиб қолган. Ҳар ҳолда, Константин

²¹ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. –Москва: “ Наука”, 1978.- С.53.

Порфирогенетнинг асарларидаги маълумотлар Жануби-Шарқий ва Шарқий Европа тарихий этнографияси бўйича қимматли манба ҳисобланади.

XII аср ўрталарида Анна Комнина “Алексиада” асарида халқлар ҳақида тўхталиб, кўп сонли, ўта тарқоқ Ғарбий Европаликларни умумлаштириб, гоҳ кельтлар, гоҳ лотинлар, гоҳ франклар, гоҳ норманнлар, Қора денгиз атрофи кўчманчи халқларини “скифлар”, “саврамаглар”²² деб атайди. Асарда “Турклар” ҳақида кўп гапирилган аммо бу салжукий туркларми, венгерларми ноаниқлигича қолган. Бундан ташқари асарда арманлар, аланлар, абхаз-авасглар, болгарлар, серблар, македонияликлар тили, урф-одатлари ёритилмаган бўлса ҳам улар тўғрисидаги маълумотлар аниқроқдир. Демак, Анна Комнинанинг асаридан ўша давр грекларининг этнографик билимлари даражасининг ижодий намунаси гувоҳлик берса ҳам, бу гувоҳлик ўта мавҳумдир.

Анна Комнина фаолияти давомчиси бўлган Никита Хониатнинг “Тарихчилар” асарини ўқиганда ҳам шу хулоса келиб чиқади. Унинг асарида Ғарб ва Шарқ халқлари тилга олинган, бироқ улар ўта мавҳум белгиланган: Ғарбда “лотинлар”, “франклар”, “французлар”, “Шарқда-форслар”, “росслар”, “турклар”, “гуннлар”, “скифлар” ва бошқалар яшайди”, - дейилган. Муаллифнинг ўзи уларни ажрата олмайди, бир халқни гоҳ “турклар”, гоҳ “форслар” деб, гоҳ “гуннлар”, “венгерлар” билан чалкаштириб атайди.

Византия империясининг Комнинлар династияси давридаги мавҳум давр (бу XI – XII асрлар) ва унинг ўзига хос умумий тушқунлиги ташқи олам ва атрофдаги халқларга қизиқишнинг янада сусайишига олиб келди, деб ишонч билан хулоса қилса бўлади.

Европанинг бошқа қисмларида нималар юз бераётган эди? Хусусан, Шимолда IX асрдан аҳамиятга молик этник ҳаракатлар бошланган эди. Катта қон тўкишлар, кенг босқинчиликлар, янги давлатларнинг ташкил топиши билан борган скандинавиялик викингларнинг денгизлар орқали юришлари бунга мисол бўлади. Бундан ташқари, Европанинг ғарбида ташкил топаётган

²² Комнина Анна. «Алексиада». – Москва: “Наука”, 1965. –С.58.

янги давлатлар, кенг ҳудудларни босиб олиш учун қон тўкишлар, савдо алоқаларининг кенгайиши ҳам худди шу даврдан бошланган. Бу ҳаракатлар географик ҳудудларни кенгайтирсада, Европа халқларининг этнографик билимларини ошувига олиб келмади, чунки скандинавларнинг ўзлари маданий ривожланмаган, саводсиз халқ эди.

Ғарбий Европада викингларни, “норманнлар”, Русь ва Византияда “варяглар” деб аташарди²³. Бу халқлар ўз кемаларида нафақат Болтиқ ва Шимолий денгиз, ҳатто Шимолий Двина қирғоғи, Ғарбга-Исландия, Гренландия ва Америка қирғоғигача сузиб юрар эдилар. Уларнинг қўрқмас юришлари ҳақида афсоналар яратилган, ботир саркардалари куйланган. Лекин, улар қўрган халқлари тўғрисида маълумотлар кам. Викинглар Европанинг Шимолий-Шарқида “Биармия” деб аталган бой давлатни кашф этиб, унинг халқи билан савдо-сотик қилишган. Лекин, бу давлат ҳам, унинг ерларини суғорадиган “Вина” дарёси ҳам қаерда жойлашганлиги маълум эмас. Улар Шимолий-ғарбда Исландияни (IX-X асрлар) очиб, у ерларда жойлашиб, Гренландия қирғоқлари томон сузганлар ва эскимосларни учратганлар. Викинглар яратган сагаларда эскимослар ўзига хос монголоид ирқи кўринишида тасвирланган, уларнинг ертўлалар ва ғорларда яшаши, Лейф Эйриксон томонидан “Винланд” (эҳтимол Ньюфаундленд қирғоқлари бўлса керак)нинг очилиши X аср охирига тўғри келади. Норманнлар Лабрадор, Баффин ерлари, Американинг жанубий атлантик қирғоқларида ҳам бўлишган. Лекин бу тўғрида ҳеч қандай маълумотлар йўқ, ҳатто индеецлар билан викинглар учрашувлари ҳам тилга олинмаган. Скандинавларнинг океан ортидаги мустамлакачилиги узоққа чўзилмаган. XIV асрга келиб, улар билан европалик метрополиялар ўртасидаги алоқалар барҳам топади, натижада бу ерлар бўшаб қолади.

Европа дунёси ғарбий йўналишдан то Колумб ва унинг давомчилари саёҳатларига қадар этнографик билимларни ололмади.

²³ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. –Москва: “Наука”, 1978. - С.55.

Маълумки, Ғарбий европалик рицарлар XII - XIII асрларда салб юришларини аҳолининг кўп сонли, турли гуруҳлари иштирокида олиб борадилар. Бу юришлар европаликларни мусулмон Шарқи ва Византиянинг маданий жиҳатдан бой халқлари билан таништириб, ўзларининг дунёқарашларини кенгайтиришга олиб келиши керак эди. Ҳақиқатан ҳам, “муқаддас ер”лардан қайтган салбчилар ўзлари билан Шарқнинг бойликлари, ҳашаматлари тўғрисидаги ҳикояларни олиб келишарди. Салбчи-рицарлар изидан Шимолий италиялик шаҳарлар савдогарлари ҳам Болқон ярим оролига, Эгей ва Қора денгизларга кириб бориб, ўз колонияларини ярата бошладилар, савдо алоқаларини боғладилар. Лекин, буларнинг ҳаммаси этнографик билимлар доирасини кенгайтириш ва аниқлаштиришда суст ифодаланди.

Шарқ давлатлари европаликлар турмуш тарзига қизиқмас эдилар. Шарқда Муҳаммад умматлари (уларни умумлаштириб “сарацинлар” деб атаганлар) яшашлари маълум эди. “Сарацинлар” сўзи биринчи бор Аммиан Марцеллин (IV аср) томонидан тилга олинган бўлиб, эҳтимол “Шарқ” “шарқин”лар сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин ва бу ном мусулмон давлатларининг туркий, эрон, араб халқларига қўлланилган. Бу халқларни “христиан дини душманлари” деб ҳисоблаб, улар ҳеч қандай илмий қизиқиш уйғотмаган эдилар. Этнографик билимлар ривожини учун фақат ҳудудий кенгайтиришгина эмас, балки билимлар ўсиши, ривожига мос ички шарт-шароитлар ҳам зарур эди. Католик черкови ҳимоясида суяги қотган илк ўрта аср феодал Европасида турган гапки, бунақа ички шарт-шароитлар бўлмаган.

Христиан феодал Европаси ўзининг шимолий-шарқий чегараларида душман олам эгалари - “ғайридин” қабилалар, айниқса, славянлар уларга кўшни скандинавларнинг летто - литовлик, фин қисмлари олами билан тўқнашади. Бу тўқнашувлар ўта чекланган бўлса-да, қизиқишлар уйғотмай қўймасди. Ҳақиқатан ҳам, асосан черков ёзувчилари тузадиган хроника-немис манбаларида бу қабилалар тўғрисида “этнографик” маълумотлар

мавжуд. Улардан машхурлари Титмар Мерзебургский, Адам Бременский, Гельмольд йилномаларидир²⁴.

Ўша даврнинг ўқимишли одами Мерзебург епископи-Титмар “Хроника” сида (1013-1014 йилларда ёзилган) Марказий ва Шарқий Европа халқлари кўп тилга олинган, асар IX аср охиридан XI аср бошигача бўлган даврни ўз ичига олади. “Хроника”да йўл-йўлакай герман тилли халқлар-сакслар, амманнлар, данлар, норманнлар ва славянлар-ободритлар, лютичлар, лужичанлар, поляклар ҳам тилга олиб ўтилган.

Титмарда этнографик мазмундаги, адабиётда яхши маълум “Ридегоста”- славян округидаги радарий қабиласининг муқаддас жойининг таърифи эътиборга моликдир. Бу муқаддас жойининг атрофи мустаҳкамланган, ўрмонлар билан ўралган жойда жойлашган бўлиб, унинг учта кириш жойи бўлган. У ерда ёғочдан йўнилган худолар турар, энг асосийси –“Сварожич” деб номланган ва уни жуда қадрлашган. Муқаддас жойга кираверишда махсус соқчилар турарди, бу хизматчилар фол очар, худога қурбонликлар келтиришарди. Бундан ташқари Титмар славянларнинг айнан қабилавий культ ташкилотлари ҳақида айтиб ўтган: “Бу мамлакатнинг ҳар бир округи ўз эҳромига эга ва ўзи сиғинадиган худолари бор, аммо юқоридаги шаҳар биринчи ўринни эгаллайди. Улар худога, айниқса, уруш пайтида сиғинишарди”.

Адам Бременскийнинг географик, этнографик баён этилган материали кенгроқ бўлса-да, уларга ишонч камроқ. Бременлик католик Адам 1072-1076 йилларда “Гамбург черкови епископлари тарихи” асарини ёзади, унинг вафотидан сўнг ушбу асар қўлёзмасига кўплаб ўзгартиришлар киритилган. Муаллиф Гамбургдаги архиепископликни кенг географик фонда тасвирлашга уриниб кўрган. Шунинг учун ўз асарини Саксония ерлари, унга қўшни мамлакатлар ва улар аҳолисини таърифлашдан бошлаган, бироқ, тезда ўз билимлари доираси чекланганлигини сезади ва чалкашликларга йўл қўяди.

²⁴ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. –Москва: “Наука”, 1978.- С.57.

Адам Саксонияда биринчи бўлиб қайси тирик жон яшаганлигини аниқлашга уринади ва антик, ўрта аср муаллифлари, асарларидан ўқиган халқлар номларини санаб ўтади: “Биринчи бўлиб, Эльба, умуман Германияда свевлар яшаган, уларнинг кўшнилари дриадлар, бардлар, сикамбрлар, гуннлар, вандаллар, сармандлар, готлар, норманнлар ва славянлар бўлган”.

Турли манбалардан эътиборсизлик билан фойдаланиш оқибатида келиб чиққан чалкашликлар муаллиф асарида анчагина учрайди. Адам славянларнинг Полаб ва Болтиқбўйида яшаган қабилаларини санаб ўтади: булар: ваигрлар (вагрлар), ободритлар (ҳозир улар ререгалар деб аталади), полалбинглар (полабанлар), лингонлар, варнаблар, хиццинлар, цирципанлар, гевельдлар (гаволянлар), доксанлар, виллинлар ва кўплаб бошқалар”. “Улар орасида, - ёзади Адам - энг кучлилари ретарийлар бўлиб, уларнинг шахри машҳур Ретра, у тошга сиғинувчилар ўчоғидир. У ерда ёвуз руҳлар ва уларнинг энг асосийси Редигост шарафига катта эҳром қурилган. Унинг тасвири олтиндан, тахти кип-қизил ёқутдан, шаҳарнинг тўққиз дарвозаси бор ва ҳар томондан кўллар билан ўралган”.

Тахминларга кўра, Титмар ва Адам бир жойни тасвирлашган ва уларда баъзи бир фарқлар бор. Титмар муқаддас жойни Редигост, бош худони Сварожич; Адам эса худони Редигост, шаҳарни эса Ретра деб атаган. Бу ўринда кимнинг маълумоти тўғрилиги номаълум ва оқибатда кўп мунозараларга сабаб бўлган.

Бундан ташқари, Адам бошқа славян қабилалари: - люттичлар, ругианлар; Русь шаҳарлари - Остроград (Новгород) ва Киев (Chive) тўғрисида ёзади. У Болтиқ денгизи ва Скандинавия мамлакатлари, унинг аҳолиси ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар беради. Тўғри, бу ерда ҳам ноаниқликлар мавжуд. У антик муаллифлар асарларига таяниб, Болтиқ денгизини Қора ва Азов денгизлари билан чалкаштиради, афсонавий амазонкаларни ва улардан туғилажак, “кинокефаллар”ни (кўзи кўкрагида) ўша ерларга жойлаштиради, унинг фикрича, гетлар, даклар, сарматлар, гелонлар, антропофаглар, троглодитлар ўша ерларда яшайдилар. Лекин,

Адам ўзига замондош данлар, шведлар, норвегияликларни тасвирлашда аниқ ва ишонарли далилларга таянади, яъни скандинав халқлари урф-одатларини, христианликни қабул мавжуд бўлган маҳаллий диний эътиқодларини аниқ тасвирлайдики, бу фактларга ишониш мумкин.

Диндор шахс Гельмольднинг 1171 йилгача ёзиб борган “Славян хроникаси” асари Адам Бременский асари давоми сифатида хизмат қилади. Ушбу асар Болтиқбўйи-славян қабилаларининг христиан динини қабул қилишлари ва шу билан боғлиқ қирғинбарот урушларга бағишланган. Гельмольд Адамни такрорлаб, ҳатто тўғридан-тўғри унинг асаридан цитаталар келтириб, славянларнинг муқаддас жойлари, худолари ва эътиқод шаклларини тасвирлаб ёзади. Шу билан бирга алоҳида қабилалар ҳисобланган вагрлар, бодричлар, руянлар, лютичларни уларнинг бўлинмалари билан бирга тилга олади²⁵.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта аср Европаси маданиятининг ўзига хос жиҳатлари унинг аҳолиси ижтимоий турмушида ўз аксини топади. Бу даврда византиялик олим ва ёзувчилар яратган турли хил асарларида этнографик маълумотларнинг келтирилиши шубҳасиз, ушбу соҳа ривожини учун қўйилган илк қадам эди.

²⁵ Гельмольд. Славянская хроника. – Москва: “Наука”, 1963. –С.72.

1.2. Шарқ мамлакатлари ҳақида Юлиан, Плато Карпини, Рубрук ва Марко Полонинг хотираларида этнографик билимлар ҳақидаги маълумотлар

Шарқий Европа мамлакатларини қисман қоплаган зулмат XIII асрдан бошлаб тарқала бошлади. Бунга ундаган асосий кучлардан бири – мўғулларнинг Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларига бостириб кириши ва ўша мамлакатлар аҳолисини даҳшатга солиши бўлди. Бу енгилмас мўғул ўрдаларидан даҳшатга тушиш, баъзи бировларда улардан асосий душманлари бўлмиш –мусулмонларга қарши иттифокчи қидириш ҳисси билан қоришиб кетган эди. Ҳолбуки, Салбчилар фаластинлик христианлардан узоқ Шарқда жойлашган қанақадир христиан подшолиги тўғрисидаги миш-мишларни олиб келган эдилар. Бу миш-мишлар бежиз эмас эди, чунки XII - XIII асрларда Марказий Осиёнинг баъзи халқлари, шу жумладан, мўғул тилида сўзлашувчи-найманлар, керейлар ва бошқалар орасида несториан христиан сектаси кенг тарқалган эди. Бу ярим афсонавий христиан подшолиги бошлиғини европаликлар орқаваротдан “Поп Иван” (“руҳоний Иоанн”) деб аташган²⁶.

Шарқий давлатлар тўғрисидаги илк хабарлар Европага ҳали мўғуллар ҳужумидан етиб келган эди.. Бу хабарни шу мамлакатларда икки марта 1235 ва 1238 йилларда бўлган венгер руҳонийси Юлиан олиб келган.

Доминиканлик руҳоний Юлиан бир неча руҳоний ҳамроҳлари билан Шарққа, Урал олди ерларига хавфли саёҳат уюштирган. Бу бир жиҳатдан миссионерлик саёҳати эди: руҳонийлар Шарқда қолиб кетган қабиладошлари-венгерларни христиан динига киритишга умид боғлаганлар.Юлиан кўпгина қийинчиликлар билан бир қанча ҳамроҳларини йўқотиб, кўзланган манзилга етган, Этель (Волга? Оқ?) дарёси қирғоқида венгер тилида гапирадиган одамларни топган: “уларнинг тили мутлақо венгерча: улар-уни ва у-уларни тушунарди”. Бироқ, ҳозиргина яқсон қилувчи татар-мўғул босқинчилигини бошидан кечирган мамлакатдаги

²⁶ Бартольд В. История изучения Востока в Европе и России. – Ленинград: 1925. – С.67.

сийсий ҳолат христианликни тарғиб қилиш учун қулай фурсат эмас эди. Юлианнинг миссионерлик фаолияти амалга ошмади.

Бироқ, Юлианнинг хатлари ва акаси Рихард ёзишмаларидан иборат кизик ҳужжатлар сақланиб қолган, уларда Юлиан “Буюк Венгрия” (Жанубий Уралолди), “Буюк Булгория (Ўрта Повольже)” ва Русда бўлиб тасвирланган. Иккала ҳужжатда ҳам урушқоқ аланлар (яъни, осетинлар), уларнинг мамлакатада “бирга яшовчи христианлар ва бутпарастлар”, шарқий бутпараст – “венгрлар” (эхтимол, бошқирдлар аждодлари), “мордванлар” ва айниқса, енгилмас харбий кучи ҳаммани кўрқитган “татарлар” тўғрисида ҳикоя қилинган²⁷.

XIII аср ўрталарида минорит ордени икки руҳонийси бир-биридан беҳабар, лекин мўғуллар хони дўстлиги ва ҳимоясига эришишдек ягона мақсад билан мўғул чўлларига амалга оширган саёҳати-катта аҳамиятга эга эди, бу икки руҳоний: бири италиялик Платано (Пьяно) Карпини -1245-1247 йиллар²⁸ ва иккинчиси фламандлик Виллем Рубрук (Рубруквис) 1253-1255 йиллар²⁹. Иккала руҳоний-саёҳатчиларнинг ҳам хабарлари жуда аҳамиятли бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб, ҳатта бугунги кунда ҳам этнографик маълумотларнинг бой манбаси бўлиб хизмат қилади. Ўша давр европаликлари учун номаълум бўлган Шарқий Европанинг XIII аср Олд ва Марказий Осиёнинг турли халқлари ва мамлакатлари тўғрисидаги қимматли маълумотлардан хабардор қилади.

Платано Карпини мўғул хонига папа Иннокентий IV томонидан элчи сифатида юборилган эди. Уни 2 руҳоний кузатиб борган ва бири ярим йўлдан қайтган. Папа элчиси ўзининг хавфли ва узоқ сафарини нисбатан қисқа вақт ичида (1245-1247) – икки йилда амалга оширади. Лиондан жўнаб, Жанубий Германия, Польша, Жанубий Русь ва Шимолий Кавказ орқали мўғул чўлларида ўтиб, буюк хон Гуйюк (Куйюк) қароргоҳи келади. Хонга

²⁷ Аннинский С.А. Известия о татарах XIII –XIV вв.- «Исторический архив», III, 1940.

²⁸ Карпини Иоанн де Платано. История монголов. Рубрук Вильгельм де. Путешествие в восточные страны. Введение, перевод и прим. А.Малеина. -СПб.; 1911.

²⁹ Карпини Джиованни дель Платано. История монгалов. Рубрук Гильом де. Путешествие в Восточные страны. Ред., статья и прим. Н.П.Шастиной. – Москва: 1957.

папанинг христианлик динини қабул қилиш ва ва христиан мамлакатлари билан муросада яшаш йўриқномасини топшириб, Куйюкдан жавоб ёрлиғини (бўйсунуш амри билан) олиб мамлакатига қайтди.

Плано Карпини ўзининг улкан саёҳатида ташриф буюрган ерлар ва уларнинг аҳолиси тўғрисида батафсил, муфасил кенг хабарлар олиб келади. Унда поляклар литваликлар ва руслардан тортиб, найманлар ва “мўғуллар”, “татарлар деб номланганларгача бўлган кўпгина халқлар санаб ўтилган. Плано Карпинининг “Монголлар тарихи” асарида ҳам мўғулларнинг урф-одатлари, ҳарбий одатлари, уруш олиб бориш тактикаси, кундалик одатлари, феъл-атворлари, маданияти ва турмуши батафсил тасвирланган. Ушбу маълумотларнинг катта қисми тўлиқ ишонарли ва реал. Баъзан тўқима афсоналарга ҳам ўтиб кетади, масалан мўғул-татарларнинг махлуқ-аёллар ва уларнинг эркак –итлари тўқнашишларини тасвирлайди. Булар албатта, ҳақиқатдан йироқ.

Плано Карпинининг тоза этнографик тафсилотларидан қуйидаги мисолни келтириш мумкин.Юқори қисми ўртасида деразаси бўлиб, ундан ёруғлик тушиб туради, ҳамда тутун чиқиб туради, чунки қароргоҳ ўртасида олов ёниб турар эди. Деворлари ва томи кигиз билан ўралган ва камбағалликларига қараб уй-жойлари ҳар хил катта-кичик. Баъзилари бўлакларга тез ажратилиб, туяларга ортиб, кўчириб юборилган.келиниб курилади. Улар қароргоҳларини ўзлари билан олиб юрадилар”. Муғулларнинг оловга сиғинишлари ҳақида: “ улар олов ҳамма нарсани поклайди, тозалайди деб ишонадилар³⁰. Шунинг учун улар келадиган элчилар, уларнинг совғалари ва бошқа шахсларни ҳам икки олов ўртасидан ўтказадилар, гўёки, шунда улар покланадилар ва захар келтириш, бирон кишини захарлаш ёки бирор ёмонлик каби ишларни қилолмайдилар...”. Плано Карпинининг асарида таъзия маросими қатнашчиларини олов билан поклаш одати ҳақида баён қилинган. Оловга пичоқ теккизиш, пичоқ билан бирон-нарсани олов олдида кесиш оғир гуноҳ ҳисобланган, гўёки, шунда

³⁰ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. (До середины XIX в.). - Москва: 1978.-С.61.

оловнинг “боши чопилиши” мумкиндеб кўрқишган. Плано Карпинидан 8 йил кейин худди шу йўлни фламандлик рухоний Рубрук босиб ўтган, у мўғулларнинг буюк хони (Мунко-хан)) қароргоҳига қирол Людовик IX томонидан юборилади. Унинг ўз миссияси ҳақидаги “Шарқий мамлакатларга саёҳат” ҳисоботи ҳам ўта қимматли ва янада кенгроқ тарихий-этнографик ҳужжатдир. Китобнинг асосий қисми, албатта, мўғулларга бағишланган, Рубрук уларнинг турмушларини батафсил тасвирланган. Бошқа халқлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам анчагина. Рубрук диний масалалар, урф-одатларга алоҳида аҳамият беради, кўшни халқлар: “саррацин”(мусулмонлар), манихейлар, несторианлар ва бошқа христианларнинг диний мунозара ва тўқнашувларини тасвирлайди.

Рубрукнинг этнографик тафсилотларидаги баъзи бирларидан парча келтирамиз:

“Улар (татарлар) муқим турар жойга эга эмаслар, келгусида ҳам топадиларми, йўқми билмайдилар... Қишда улар жанубга: иссиқ ерларга кўчадилар, ёзда шимолга, совуқроқ ерларга чиқадилар. Подани боқишга яйлов бўлса-ю, суви бўлмаса, улар подани қишда, қор бўлганида боқадилар, қор сув вазифасини ўтайди. Улар тунайдиған уй хивичдан тўқилган бўлиб, ғилдиракларда туради...” ва ҳоказо. Ўтов уйда жойлар тақсимланиши ҳақида : “ Уйнинг дарвозасини жанубга қаратиб қўйишса, хўжайин тўшаги шимол томонда бўлади. Аёлнинг жойи шарқ, яъни хўжайиннинг чап томонида бўлган. Хўжайин бош томонида доимо кўғирчоқ ёки кигиздан ясалган ҳайкалча турган, гўё у хўжайин акаси эмиш...” ва ҳ. Бу тасвирлашлар ҳозир ҳам Осиё кўчманчилирида сақланиб қолган, ўтов уйни чап-эркак ва ўнг-аёл қисмларга бўлишади³¹.

Шомонлик маросими ҳақида: “айрим фолбинлар жинларни чақирадилар ва улардан бирон жавоб олмоқчи бўлсалар, уй ўртасига пиширилган гўшт қўйиб, кечаси уйга жинни чорлайдилар. Улар сеҳрли сўзларни айтиб, барабанни ушлаб, уни куч билан ерга урадилар. Кейин жиннилик қилаверади

³¹ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. –Тошкент: “Фан”, 2007.-Б.80-83.

ва уни боғлашни бошлайдилар. Шунда қоронғуда жин пайдо бўлган, гўшти еб, шомон саволларига жавоб беради”. Бу ҳолат шомонлик сеансининг адабиётларда илк бора ва етарлича аниқ тасвирланиши эди³². Ўз даврида Плано Карпини ва Рубрук асарлари, эҳтимол катта шуҳратга эга бўлган бўлса керак. XIII асрда Плано Карпини асарлари сони кўп бўлса-да, улардан фақат бештаси бизгача сақланиб қолган. Рубрук “Саёҳати” кўлёмалари ҳам кўп бўлган, бироқ уларнинг катта қисми бизгача етиб келмаган. Шарқ халқлари ҳақидаги хабарларнинг бу икки мамлакатшунослар томонидан келтирилиши ўша давр жамияти учун йўқолиб кетмади, бу хабарлар, маълумотлар Европа давлатлари зиёли инсонларининг оз бўлсада мулкига айланган эди.

Осиё давлатлари ва халқлари ҳақидаги маълумотларни бу материкнинг марказий ва шарқий қисмларида отаси ва амакиси билан кўп йилик саёҳатлар қилган, кўп йиллар мўғул-хитой хони Хубилой хизматида бўлган, ва юртига қайтгач, барча кўрган-эшитганларини баён этган венециялик сайёҳ Марко Поло қолдирган.

Марко Полонинг саёҳатлари ва унинг Хитойдаги ҳаёти 25 йил давом этган (1271-1295 йй.). У ўша пайтгача европаликларга мутлақо нотаниш бўлган давлатлар: Хитой, Жанубий-Шарқий Осиё вилоятлари, Ҳиндистон қирғоқларида бўлди. Мамлакатга кириш, улар халқларининг ранго-ранг урф-одатлари, турмуш тарзлари соддадил венецияликнинг қизиқишини уйғотар эди. Шунга қарамай, унинг ҳикоялари турли-туман батафсил бўлса-да, ишонарли эмас эди. Ахир, 25 йил хотирада ўз таассурот ва хулосаларини сақлаш осон эмас, Марко Поло бирор ёзув олиб борганми, йўқми, буни билмаймиз. Чунки сайёҳ ўз ҳикоясини Генуэзнинг қамоқхонасида ҳамхонаси Рустичанога оғзаки гапириб берган. Рустичано эски италян тилининг Тоскан лаҳжасида эшитганларини ёзиб олган, Марко Поло эса Венеция шевасида сўзлар эди. Шунинг учун унинг ҳикоясида кўпгина географик ва этник номлар, шахсий исмлар жуда чалкаштириб юборилган. Ҳозирги кунда бу

³² Карпини Джованни дель Плано. История монголов.- Москва: –С.91. Шарқ халқлари ҳақидаги хабарларнинг бу икки мамлакатшунослар томонидан келтирилиши ўша давр жамияти учун йўқолиб кетмади, бу хабарлар, маълумотлар Европа давлатлари зиёли инсонларининг оз бўлсада мулкига айланган эди.

атамаларни ономастика фанида ҳам солиштириб, киёслаб тузатишлар киритиш амри маҳол. Кейинроқ, Поло ўз ҳикояларини кўп марта қайтарган, ушбу ёзиб олинган тафсилотлари анчагина эди. Улардан фақат 80 таси сақланиб қолган³³, аммо уларнинг ҳаммаси бир-бирдан фарқ қилади.

Венециялик сайёҳнинг хабарлари қай даражада ҳақиқатга мос келиши ҳақида Марко Поло китоблари ноширлари ва шарҳловчилари турли фикрда эдилар. Марко Поло ҳикояларида афсонавий эпизодлар ҳам борки, уларга: художўй христианиннинг Боғдодда кўрсатган мўъжизаси (тоғни силжитган), буюк хон сеҳргарларининг жодулари, Ғарбий Суматрадаги думли одамлар, Андаман оролидаги итбош одамлар шуларга мисол бўла олади. Ҳар қалай, бунақанги оғиздан-оғизга кўчувчи фантастик ҳикоялар Марко Полода унча кўп эмас. Бир оз бўлса-да ишончли маълумотлар кўпроқ, аммо уларни қайси халққа хослиги номаълум.

Шарқий ва Жанубий Осиё халқларининг урф-одатлари, европаликлар учун мутлақо янги хабарлар эди. Масалан: Марко Поло Хитойда қоғоз пул юритилиши, Хитой йилномасининг 12 йиллик цикли тибетликларда меҳмондорчилик одатлари Жанубий –Ғарбий Хитой вилояти ахлолисининг урф-одатлари, шомонлик эътиқодлари, Шимолий Лаосдаги “Конгигу” мамлакатада татуировка одатлари ва ҳоказолар эди. Марко Поло ҳикоялари Европада жуда оммабоп бўлиб кетди, кўп тилларда чоп этилиб, кўпчилик томонидан севиб ўқилди. Марконинг бой ва кўп халқли Осиё мамлакатлари тўғрисидаги маълумотлари европаликлар учун ўзига хос билимлар энциклопедияси бўлиб хизмат қилди. Кейинчилик, Колумб, Магеллан ва бошқа денгиз сайёҳлари мафтункор шарқий давлатларга қисқа йўл қидириб, Марко Поломаълумотларига таянган эдилар.

XIV аср Ғарбий Европада узлуксиз урушлар ва ихтилофлар асри бўлди, чунки усмонийларнинг Болқон ярим оролига бостириб киришлари, Русияда татарлар истилоси юқоридагиларга сабаб бўлди.

³³ Книга Марко Поло. Перевод И.П.Минаева. – Москва., 1955.-С.33.

Бу давр Европа маданий ҳаёти соҳасида санъат ва фан, шаҳар маданияти тараққиёти уйғонишининг бошланиши эди. Лекин, бу ҳодиса асосан, Шимолий Италиянинг, Жанубий-ғарбий Германия, Ганза иттифоқидаги баъзи шаҳарларни қамраб олган эди. Инсонларнинг маънавий қизиқишлари уйғона бошлаган эди, бироқ улар кенгайиб бормади. Бу қизиқишлар антик санъат ёдгорликлари, адабиёт ва фалсафада, янги бадиий бойликлар яратиш соҳасига йўналтирилган эди. Бироқ, географик ва этнографик дунёқарашнинг кенгайиши деярли рўй бермади.

Шарқий Ўрта Ер денгизи орқали Шарққа борадиган савдо йўллари бу дунёқарашнинг кенгайишига асосий тўсиқлардан бири усмонийлар томонидан, Қораденгиз бўйи ҳудудлари эса Олтин Ўрда хонлиги томонидан қаттиқ тўсилган эди. Яқин Шарқда Ислом дини мустаҳкамланиши диний ихтилофларни келтириб чиқариб, Европанинг Шарқ билан маданий муносабатларига тўсқинлик қиларди. Шунинг учун XIV- XV асрнинг биринчи ярмида Осиё мамлакатларига саёҳат қилинмади. Шарқ европаликлар учун ёпиқ китоблигича қолаверди.

XIV- XV асрнинг 1-ярмига тегишли баъзи истисноларни эсга оламиз; уларга миссионер-руҳоний Джованни Монтекорвинонинг узоқ (1289 йилдан) саёҳатини мисол қилиб олиш мумкин³⁴. У Эрон, Жанубий Ҳиндистон ва Хитойда бўлди. Хитойда биринчи католик епископ бўлиб, ўша ерда, тахминан 1328 йилда ўлди. У Жанубий Ҳиндистон аҳолиси турмуш тарзи ҳақида муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган.

Шунингдек, 1318-1330-йиллар давомида саёҳат қилган францисканлик ордени руҳонийси порденонлик Одориконинг асосий мақсади миссионерлик бўлиб, унинг миллати фриул бўлганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд эди.

У Осиёнинг турли вилоятлари: Ҳиндистон, Цейлон, Индонезия ороллари, Вьетнам, Хитой, Тибетда бўлган. Унинг маълумотлари унчалик

³⁴ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. (До середины XIX в.). - Москва: 1978.-С.65.

ишонarli эмас. Яна бир миссионер – Доминикан ордени рухонийси, француз Журден Хиндистон ва Эронда христианликни тарғиб этган (1318-1336 йй.). У тузган “Мўъжизалар таърифи” эсдаликларида кўрган ажойиботларини, жумладан: Хиндистон халқларининг урф-одатларини; бевалар ўзларини куйдиришларини, қурбонлик қилишларини, диний эътиқодларини тасвирлаб берган.

Бавариялик солдат Иоганн Шульцбергернинг 30 йиллик ғайри ихтиёрий саёҳати эътиборга моликдир. У 1396 йилда усмонийларга, кейин эса 1402 йилдан Амир Темур хизматига ўтади. Бу омадсиз солдат Олд Осиё, Кавказ, Сибирь давлатларида бўлиб, ниҳоят юртига қайтади ва эски немис тилида таассуротларини Марко Поло ва бошқа сайёҳларнинг маълумотлари билан тўлдириб тасвирлаб берган.

Маврларга қарши иттифоқчилар излаётган кастилиялик қирол томонидан юборилган элчи Руи Гонсалес де Клавихо XV асрнинг бошида (1403-1406) Темур салтанати пойтахти Самарқандда бўлди. Ўзи кўрган давлатлар аҳолиси турмушлари тўғрисидаги таассуротларини қизиқарли, содда тилда эсдаликларида баён этди. Унинг кундалиги 180 йилдан кейин, яъни 1582 йилда биринчи марта “Темурлангнинг ҳаёти ва фаолияти” номи остида чоп этилиб, кенг оммага тақдим этилди.

Венециялик савдогар Никколо ди Конти 25 йил, яъни 1419 йилдан 1444 йилгача кўп давлатлар: Олд, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё, Сурия (у ерда у ислом динини қабул қилган, араб тилини ўрганган) да Хиндистон, Цейлон, Хиндихитойда бўлиб, Миср ва Триполи орқали ўз юртига қайтди. Унинг қизиқ ҳикоялари туфайли папа Евгений IV ҳатто унинг христиан динини тарк этишдек гуноҳидан ҳам кечиб юборди. Лекин, унинг ҳикоялари XVI асрнинг ўрталаридагина китоб шаклида дунё юзини кўрди.

Венециялик Иосафат Барбаронинг Шарқий Европа ва Эронда 16 йил умргузаронлик қилиши сермахсул бўлди. 1436 йилдан бошлаб Тан шаҳрида савдо ишлари билан шуғулланиб яшаган. Кейинроқ, 1471-1479 йилда Венеция республикасининг Эрон шоҳи саройидаги элчиси бўлиб хизмат

килди. У 1494 йилда вафот этди, китоби 1543 йилда чоп этилган. Барбаронинг маълумотлари жуда батафсил ва у қайсидир жиҳатлари билан Пано Карпини ва Рубрук асарларини эслатади. У Олтин Ўрда ва Қрим татарлари турмушларини, йўл-йўлакай грузинлар ва кавказлик бошқа халқлар, Волга бўйи руслари ва Италияга қайтишда учраган рус халқлари ҳаёти ва турмуш тарзларини тасвирлаб ўтган. Барбаро, ҳатто, қадимги бойликлар билан қизиққан ва ҳазиналар топиш мақсадида эски қўрғонларни казиб қўрган. Венециялик Амброзио Контарини тўплаган Эрон ва унга қўшни мамлакатлар тўғрисидаги маълумотлар Барбаро ҳикояларига қўшимча бўлиб хизмат қилади. Амброзио Контарини ҳам деярли ўша йиллар, яъни 1473-1477 йилларда Шарқ мамлакатларида бўлиб ўша ерларда элчи сифатида фаолият кўрсатган. Контарини Грузия, Кавказ, Астрахань, Русь ерлари орқали ватанига қайтишда Олтин Ўрда хонига қул бўлмасликка ҳаракат қилган эди. Москвалик-руслар турмуш тарзи тўғрисида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

Контарини асари биринчи марта 1483 йилда Венецияда чоп этилган, яъни унинг хотиралари ўзидан олдинги сайёҳлар қўлёзмаларидан бир қадар илгари олам юзини кўрган эди.

Демак, XV аср охиригача Европа аҳолиси орасида этнографик билимлар захираси жуда суст тўпланди. Бошқа юртлар тўғрисидаги этнографик маълумотлар антик даврдагига нисбатан кўп ҳам илгари силжимасди. Афтидан, вақт-вақти билан пайдо бўладиган ўта сийрак саёҳатчиларнинг маълумотлари жуда ҳам қизиқиш уйғотмаган. Ҳар ҳолда, бу маълумотларни қандайдир умумлаштириш ва таҳлил қилишга ҳеч ким уриниб ҳам кўрмаган. Европалик давлатларнинг ўз аҳолиси турмушини “этнографик” кузатиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Шунинг учун ҳам илк ўрта аср адабиётида европалик халқлар ҳаёт тарзи, урф-одатлари, эътиқодлари тўғрисида маълумотлар етарли даражасида сақланиб қолмаган.

Бу тарздаги маълумотларни фақатгина Европа чекка ўлкаларида яшаган халқларга нисбатан топиш мумкин эди. Айниқса, Фарбий Европанинг

чегараларида истиқомат қилган славян қабилалари тўғрисида маълумотлар топиларди, чунки, улардан ҳимояланиш учун (VI - VII асрлар), кейинроқ улар билан урушиш ва уларнинг христиан динини қабул қилишлари учун (X-XII асрлар) истар-истамас уларни ўрганиш зарур.

Европадаги илк капиталистик жамланмалар ва Буюк географик кашфиётлар даври бошланиши олдидан этнографик билимлар манзараси фақатгина шулардан иборат эди.

II. БОБ: БУЮК ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР ДАВРИДА ЭТНОГРАФИК БИЛИМЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

2.1. Европаликлар томонидан Африка, Осиё, Океания ва Американинг этнографик ўрганилиши

Европа тарихида XV аср ўрталари “Буюк географик кашфиётлар” даври номи билан машҳур. Ушбу кашфиётларнинг фан учун, ҳақиқатан ҳам, аҳамияти ниҳоятда катта эди³⁵. Буюк географик кашфиётлар бошланиши фақат амалий мақсадларга йўналтирилган эди. Бу даврнинг илмий аҳамиятини вақтнинг ўзи белгилаб берган эди.

Умумий иқтисодий сабаблар ўша замонларда европаликларни узок Шарқ мамлакатларига денгиз йўлини қидириб топишга ундаган эди, кейинчалик эса савдо алоқаларининг ўсиши олтинга бўлган эҳтиёжни кучайтиради ва янги океан орти мамлакатларини излаб топишга имконият яратади. Усманийлар империясининг ташкил топиши Шарққа борадиган илгариги савдо йўлларини боғлаб қўйиши ҳам европаликларни янги кашфиётлар, янги мустамлака худудларни эгаллашга ундаган эди. Юқоридаги сабаблар португал денгизчиларини Африка, Ҳиндистон (Васко да Гама), Ҳинди Хитой, Индонезия, жанубий Хитой ерларига сузиб боришларини тезлаштирди. Испан денгизчилари ҳам (Христофор Колумб ва бошқалар) Марказий Американи, Мексика, Перу ва Чилини очадилар. Кейинчалик океан орти ерларини босиб олиш испан ва португаллардан голланд, француз ва инглизлар қўлига ўтади³⁶.

Буюк географик кашфиётлар тарихининг умумий ва махсус тадқиқотлардаги тавсифи бир неча маротаба баён этилган³⁷. Фақат муҳим хронологик даврларни эслатиб ўтамиз.

³⁵ Исо Жабборов. Жаҳон этнографияси асослари. -Тошкент: – Б. 18.

³⁶ Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. -Тошкент: 1973. -Б.

³⁷ Бейкер Дж. История географических открытий и исследований.-Москва:, 1950; Магидович И.П. Очерки истории географических открытий. –Москва: 1957.

XV аср биринчи ярмидаёқ португал денгизчилари Ғарбий Африка қирғоқ бўйларига келиб, жануб томонга силжиб кирганлар. Улар 1435 йилда Рио де Оро бухтасига, 1441 йилда эса Бланко бурнигача 1445 йилда эса Яшил бурунгача етиб борганлар ва янги очилган мамлакатларда португаллар кулларни қўлга киритганлар, катта фойда келтирган кул савдоси эса ўз навбатида уларни янги ерларни излаб топишга ундаган эди. 1460-1470 йилларда португал денгизчилари Гвинея қирғоқларида-“Фил суяги қирғоғи”, “Олтин қирғоқ”да пайдо бўладилар. 1480-йилларда эса улар Гвинея қуйи қирғоқларига, Конго кенгликларигача жанубда Анголагача, ундан ўтиб эса Жанубий Африка қирғоқларигача кириб борганлар. Улар қирғоқ бўйларида ўзларининг қалъаларини қуриб, катта бойлик - олтин, фил суяги энг асосийси кулларни қўлга киритганлар, бироқ Африка материги ичкари қисмига кириб бормаганлар.

Африканинг жанубий қирғоқлари бўйлаб машҳур португал денгизчиси Васко да Гама 1497-1498 йилларда Ҳиндистонга денгиз сафарини амалга оширади ва биринчи бўлиб Каликутта таянч пунктини қўлга киритади. 1507 йилда португаллар Цейлон оролига ташриф буюришган, 1510 йилда Гоа эгалланади, 1511 йилда эса улар Малакка ярим ороли ва Явагача, кейин эса Молукко ороллариғача етиб борганлар. 1516 йилда Жанубий Хитойдаги Кантонга, 1518 йилда эса Рюкю ороллариғача, 1520 йилда Макао портини, 1542 йилда Япониянинг Кюсю оролига ташриф буюриб, японлар билан савдо-сотикни бошлаганлар.

Осиё қирғоқларини забт этиш мақсадида ғарбга қараб испанлардан Христофор Колумб ўз саёҳатини бошлайди ва 1492 йили Кариб денгизи оролларини очади. Шундан сўнг Жанубий Америка, Юката ярим ороли, Флорида, Мексика қирғоқларига келади. 1513 йилда испан солдатлари отряди Васко Нуньес Бальбоа буйруғи билан Панама бўғозини кечиб ўтиб, Тинч океани қирғоқларига чиқиб оладилар. Ушбу денгиз ва қуруқликдаги юришларнинг раҳбарлари жасур ва шафқатсиз конкистадорлар - Охеда, Бальбоа, Кордова, Грихальва, кейинчалик Кортес, Писарро, Кесадалар бўлиб

испан ҳукмдорлари учун Ўрта Америка, Мексикадан Перугача ва шимолий Чилигача бўлган кенг ҳудудларни забт этган эдилар. XVI аср 30-йилларида испан қироли қўл остидаги океан ортидаги буюк империяни ташкил қилиш асосий режаси тугалланган эди. Маҳаллий давлатлар тор-мор қилинган, ҳинду қабилалари мағлуб этилган, кўпчилик аҳоли қирилган, катта хазина таланган, санъат ёдгорликлари яқсон қилинган эди.

Мексика шимолини забт этиш мақсадида 1539-1542 йиллар Де-сото ва 1540-1542 йилларда эса Коронадо экспедициялари ташкил этилади, бироқ, уларнинг иши муваффақиятсизлик билан тугайди. Жанубий Америка текисликларидаги ҳудудларни эгаллаш юз йиллаб чўзилади. Унинг шарқий қисми - Бразилия португаллар ўлжасига айланади, улар аввал мамлакат қирғоқларига мустаҳкамланиб, сўнгра аста-секин унинг ички қисмига кириб борадилар.

Тинч океан ҳавзасини европаликлар қарийб бир вақтда икки томондан: португаллар Осиёни ғарбидан, испанлар Американи шарқидан ўрганишни бошладилар. Испанлар бу масалада кўпроқ фаоллик кўрсатганлар. 1519-1521 йилларда португалиялик денгизчи Магеллан бошчилигида дунё бўйлаб тарихий саёҳат амалга оширилган. Филиппин оролларида маҳаллий аҳоли билан рўй берган тўқнашувда Магеллан ҳалок бўлган, унинг флотидан қолган битта кема она юртига қайтган. 1526 йилда Альваро Сааведра, 1567, 1595 йилларда эса Альваро де Менданья, 1516 йилда Кирос ва Торресларнинг Тинч океани бўйлаб сузишлари уларни Полинезия, Микронезия, ва Меланезия оролларига олиб келади. Кўп сонли номсиз испан капитанларининг тарихда изи қолмаган. Улар кўп оролларнинг географик координаталарини аниқлай олмаганлари учун оролларни харитага киритмаганлар. Бундан ташқари, испан ҳукумати бошқа мамлакатлар рақобатидан эҳтиёт бўлиш учун ўз денгизчилари кашфиётларини жуда қаттиқ сир тутганлар. Худди шу сабабдан ҳам XVI асрда испан капитанлари Океания архипелагидаги қайси оролга ташриф буюрганлари ҳозиргача номаълум. Фақат Янги Гвинея, Палау, Соломон оролларида айримлари ва

Янги Гебрид, балким Гавайи ва Маркиз ороллариининг баъзиларигина маълум.

Европалик денгизчиларнинг Океания ороллари аҳолиси билан илк алоқалари ҳақида тўғридан-тўғри гувоҳлик берадиган маълумотлар бизгача етиб келмаган бўлсада, ороллар маҳаллий аҳолиси учун бу алоқалар изсиз қолмаган. Испан капитанлари туб ерли халққа оқлаб бўлмайдиган зулмлар ўтказганлар, натижада уларнинг ишончидан чиқадилар, бу ҳол эса европаликларнинг бу ҳудудларга кейинги ташрифларида намоён бўлади. Бундан ташқари, биринчи испан-денгизчилари туб аҳолини баъзи бир уй ҳайвонлари (чўчка) ва маданий ўсимликлар (банан) билан таништирганлар, деган тахминлар бор. Бу масалага Океания халқлари маданияти тарихи билан шуғулланаётган ҳозирги замон олимлари ойдинлик киритишларилозим. Чунки, европаликлар XVI асрда туб аҳолига қандай янгилик олиб келганларини аниқлашлари зарур эди³⁸.

XVII аср бошларига келиб португал ва испан мустамлакачиларининг жанговар юришлари тўхтатилган ва мулар ўз ўринларини тез ривожланаётган Шотландия, Франция, Англияга ўринларини бўшатиб берганлар. Иқтисодий жиҳатдан кучсиз бўлган Испания ва Португалия босиб олган ерларини сақлай олмадилар. Фақат Жанубий Америкада испан ва португал мустамлакаларининг секин-аста кенгайиши давом этади.

Ўша даврда Нидерландия иқтисодий жиҳатдан бўлиб, илғор биринчи капиталистик мамлакатга айланиб, бу мамлакатда денгиз савдоси тараққий этади, бу ҳол мустамлака ерларни босиб олишга олиб келади. 1595 йилда голланд савдогарлари Явада пайдо бўлиб, 1602 йилда Ост-Инд компаниясига асос солинган ва тезда Индонезия ороллариининг катта қисмини ўз қўлига олади. Бу ҳудудларда қаттиқ мустамлака режими ўрнатилган. Индонезия бундан ташқари, кейинги денгиз разведкалари учун база вазифасини ўтаган. Бу юришлар 1616 йилда Схоутен ва Ле-Мернинг Тинч океан орқали Оловли ердан то Янги Гвинеягача сузишлари, 1642-1644- йилларда Абель

³⁸ Қаранг: Токарев С.А. Истоки этнографической науки.- Москва: 1978. -С.70-72

Тасманнинг машҳур сузиши натижасида Тасман, Янги Зеландия, Австралия шимолий қирғоқлари (Янги Голландия), Янги Гвинеянинг жанубий қирғоқлари кашф этилади. Бироқ, бу кашфиётлар Нидерландия мустамлака ерларини кенгайтирмаган эди. XVII аср бошларида Нидерландлар Кариб денгизидаги баъзи пунктларни қўлга киритадилар. 1621 йилда Вест-Индия компаниясига асос солинган³⁹. Голландлар Шимолий Америка қирғоқ бўйларида ўрнашиб олишга уринадилар, 1622 йили Янги Амстердам манзилгоҳини бунёд этадилар, бироқ, бу ҳудуд (Ҳозирги Нью Йорк)тезда инглизлар қўлига ўтади . XVII аср ўрталаридан голландлар жанубий Африкада ўрнашиб: 1652 йилда маркази Капштадт (Кейптаун) манзилгоҳига асос соладилар, ушбу Кап мустамлакаси кейинчалик бу жойда кўпгина голланд деҳқон-кўчманчилар (бурлар) келиб ўрнашадилар.

Нидерландлар билан бир вақтда Франция ҳам мустамлакалар босиб олиш йўлига киради. 1534-1542 йилларда француз қароқчиси Жак Картье Шимолий Америка қирғоқлари бўйлаб сузиб, Ньюфаунленд оролини очади ва Канадада француз мустамлакачилигини бошлаб беради. Бундан ташқари ҳиндулар орасида тери савдосини йўлга қўяди.

Бироқ, французларнинг Канадага мунтазам кириб бориши ва уни мустамлакага айлантириши XVII асрнинг биринчи ўн йилликларидан бошланган эди.

Қайси халқлар маълум бўлди?,- деган савол туғилади.

XVI аср охирига келиб европаликлар озми-кўпми анча халқлар билан яқиндан танишдилар ва муломалада бўлдилар. Булар Африка материгининг қирғоқ бўйи халқлари эди. Европалик савдогарлар, денгизчилар кул савдоси билан шуғулланганлар. Хусусан, Гвинея соҳилларидаги Фил суяги қирғоғи, Ашанти, Дагомея, Бенин давлатлари, Конгонинг қуйи оқими, Ангола, Кап мустамлакаси, Мозамбик, Мадагаскар ва Занзибар ороллари халқлари билан савдо соҳасида алоқада бўлдилар. Ўша замонда Усманийлар империяси таркибига бўлган Шимолий Африкадаги Аббисинияни ҳам европаликлар

³⁹ Исо Жабборов. Жаҳон этнологияси асослари. -Тошкент: 2008.-Б.253.

билар эдилар. Бу мамлакатлар халқлари ҳақидаги маълумотлар ўша давр географик ва тарихий асарлари саҳифасига тушиб қолган эди. Европаликлар Африка континенти ичкарасига кириб бормаганлар. Африка ҳақида илк катта умумлаштирилган жуда қизиқарли асар голландиялик врач Оливье (Олферт) Даппер томонидан яратилган эди. Бу асарда Африка материги ҳақида ўша даврда маълум бўлган барча ахборотлар йиғилган. Муаллиф Жанубий Африкада олиб борган кузатишлари асосида бошқа манбалардаги маълумотларга таяниб асарини тўлдиради. Даппернинг Африкага ташрифи ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишда баъзи тадқиқотчилар иккиланадилар, яъни унга шубҳали қарайдилар.

Асар 1670 йилда Амстердамда нашрдан чиққан эди.

XV-XVII асрлардаги португал ва бошқа европалик сайёҳларнинг маълумотига таяниб, Тропик Африка чангалзорларида фақат ёввойи қабилалар яшаб қолмай, балки, бу ҳудудда ривожланган деҳқончилик хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг темирчилик тури билан машҳур бўлган халқлар истиқомат қилаётганлиги маълум бўлган эди. Бундан ташқари, бу даврда уруғ-қабилачилик тартиблари кенг ёйилганлигига қарамай, ўзига хос шаҳар ва давлатлар мавжудлиги ҳам аниқланган эди.

Испанлар Кариб денгизи архипелаги билан бирга Американинг ўрта қисми - Мексикадан Перугача, ҳудудларни эгаллаган эдилар. Бу ерларда қадимги юксак маданиятга эга халқлар яшаганлар, конкистадорлар туб аҳолини шафқатсизларча талаганлар. Миссонерлар ҳиндуларни мажбурий христианликка қабул қилганлар, маҳаллий халқнинг маданий ёдгорликлари йўқ қилинган, масалан епископ Ланда томонидан майяликлар ёзувлари қасддан йўқ қилинган⁴⁰.

Бироқ, испан олимлари ва бир қисм руҳоний шахслари кўз ўнгида қирилиб бораётган ҳиндулар ва улар яратган маданий хазина билан баъзан қизиққанлар. Шунинг учун ҳам географик шарҳлар ва тарихий йилномалар

⁴⁰ Ланда Диего. Сообщения о делах в Юкатане 1566г. Перевод; статья и прим. Ю.В.Кнозарева. – М.-Л.: 1955.

саҳифаларида “Ғарбий ҳиндлар” тўғрисида хусусан, маҳаллий қабилалар, уларнинг турмуши, урф-одатлари, эътиқодлари, ҳатто тарихий ўтмиши, қабилла бошлиқлари илгариги худолари, подшолари, урушлари ҳақидаги оз бўлсада батафсил маълумотлар ёритилган⁴¹. Ушбу маълумотларнинг, ўша давр йилномалари ва олимлар асарларидан ўрин олиши ҳамда, баъзан урушлар бевосита иштирокчилари томонидан ёзиб қолдирилган материаллар фан учун катта қизиқиш уйғотади. Чунки маҳаллий туб аҳоли турмуши ва маданиятини илк кузатганлар кўрган-эшитганларини асли ҳолича, яъни қандай бўлса шундайлигича, бузмасдан ёзиб қолдирганлар. Кейинчалик эса кўпгина мамлакатларда олиб борилган шафқатсиз мустамлака сиёсати, мажбурий христианликка киритиш, туб халқнинг ўзига хос турмушини батамом бузиб қўйган ва оқибатда табиийлик йўқолиб борган баъзи худудларда эса, масалан, Антиль оролларида туб аҳоли батамом қириб юборилган ёки чидаб бўлмайдиган жабр-зулмдан кун кўролмай ўлиб кетган.

Албатта, XVI-XVII аср испан йилномачилари хабар ва ахборотларда келтирилган маълумотларга танқидий ёндашиш лозим. Чунки бу муаллифлар ўзлари учун одат бўлмаган турмуш тарзи шаклини камдан-кам тўғри тушуниб, шарҳлаб ёзганлар ва кўпол хатоларга йўл қўйиб, европача тушунчага мослаштиришга шошилганлар. Бу ҳол эса нотўғри талқин этишларга олиб келган эди. Кейинчалик, Марказий Америка халқлари ҳақидаги кўпгина маълумотларга танқидий ишлов бергандан сўнг улар фан учун бебаҳо манбага айланади.

XVII асрдаёқ Шимолий Америкада француз ва инглиз мустамлакачилари Атлантика океани қирғоқлари, Буюк кўллар бўйларида ва Миссиссипи ҳавзасида қисмларида истиқомат қилган барча ҳинду қабилалари билан алоқаларни ўрнатган эдилар. Уларга шарқий алгонкин қабилалари (билосқлар, могоканлар ва бошқалар, ўша даврдан бошлаб бу қабилалар ер юзидан батамом йўқолган эди), ирокезлар ва уларга қариндош гуронлар, мускоги қабиласи гуруҳлар, начи (начезилар) ва бошқалар маълум эди. Бу

⁴¹ Токарев С.А. Истоки этнографической науки.- Москва: 1978. -С.73-74.

кабилалар ҳақидаги маълумотлар миссионерларнинг асарлари, саёҳатлари ва географик обзорлари тавсифи саҳифаларидан ўрин олган эди. Хусусан, Франциядаги миссионер-иезуитлар ордени бошлиғига мунтазам етказилиб турилган миссионер-иезуитларнинг хабарлари ҳақидаги маълумотлар катта қизиқиш уйғотар эди. Бу хабарлар ўша замонлардаёқ (1632-1673) йилларда қисман нашр этилган эди, натижада булар йиғилиб, тизимлаштирилиб, Висконсин штати тарихий комиссияси секретари Рубен Тветс томонидан инглиз тилида 73 том қилиб чоп этилади.

Океания ва Австралия бу замонларда батамом номаълумлигича қолаверди. Гарчанд, Австралиянинг шимолий қирғоғига голландиялик ва бошқа денгизчилар бир неча марта (1606 йилда Виллем Янц, 1699 йилда Дэмпер) ташриф буюришган бўлсалар, бироқ бу қашшоқ ва ёввойи ҳудудлар ҳеч кимни ўзига жалб этмаган ва материкнинг очилиши бирон бир ижобий натижаси ҳам йўқ эди. Бирин-кетин европаликлар Тинч океанининг алоҳида оролларига сузиб борадилар, бироқ ороллиқлар билан алоқалар этнография тарихи тараққиётида ўзининг кам изини қолдирган эди.

Осиёда Европа денгизчилари, савдоргарлар миссионерлар Ҳиндистон мамлакати қирғоқларини, Ҳиндихитой, Япониянинг баъзи портларига кириб борганлар. Хитойда католик миссионерлар маҳкам ўрнашиб олган эди. Индонезияга голланд мустамлакачилари хўжайинлик қилишар эди. Бу мамлакатлар халқлари ҳақидаги маълумотлар Европа адабиётига аста-секинлик билан кириб борар эди.

Хулоса қилиб айтганда, буюк географик кашфиётлар этнологик ахборотларнинг кенг микёсда ва тез суръатлар билан тўпланишига сабаб бўлди. Жасур денгизчилар, савдогарлар, қароқчи, миссионер ва конкистадорларнинг океанларда сузишлари натижасида Америка қитъаси, Африка континенти соҳиллари, Жануби-Шарқий Осиё ўлкалари, Океания архипелаги ороллари кашф этилишига, илгари номаълум ирқ ва тилдаги халқларнинг аниқланишига олиб келди. Кашф этилган мамлакатлар ва уларнинг халқи тўғрисидаги илк маълумотлар кема кундаликларида ва

саёхатлар ҳақидаги ҳисоботларда, кейинчалик эса батафсил тузилган баённома ва саёхатномаларда келтирилган эди. Ушбу маълумотлар муаллифлари этнографик билимлар ривожда ўз хиссасини қўшган инсонлар эдилар. Бугунги кунда уларнинг асарларидан этнография фанини бойитишда унумли фойдаланиш лозим.

2.2. Европаликлар этнографик дунёқарашининг кенгайиши

XVI асрдан бошлаб ғарбий европаликларнинг шимоли-шарқий Европа-Москва давлатига сафарлари аста-секин жадаллашди. Бу ерларга у ёки бу давлатларнинг элчилари ёки савдогарлари, ҳарбийлари боришар эди. Уларнинг ҳикоялари ва тафсилотлари европаликларнинг “москваликлар” (руслар), “татарлар” ва Шарқий Европанинг бошқа халқлари, кейинроқ Урал ортидаги шимол халқлари ҳақидаги билимларини бойитар эди. Ушбу маълумотларнинг нашр этилиши Москва давлати ва унга қўшни ерлардаги мамлакатлар халқлари, уларнинг урф-одатлари, хўжалиги, дини, сиёсий тузуми билан европалик китобхонни оздан бўлсада таништирган эди. Бироқ, бу маълумотларда кўпинча ҳақиқат уйдирма билан аниқлиги кам бўлган маълумотлар билан фақат ёлғон-яшиқ гап сўзлар билан қоришиб кетган эди. Бу ҳолат ғарбий ва шарқий Европанинг чуқур маданий тарқоқлиги оқибатида рўй берган эди⁴².

Ушбу нашрлардан энг мазмунлиси поляк олими, Краков университети профессори Матвей Меховскийнинг 1517 йилда Москвага ташрифи даврида ёзган “Икки Сармат ҳақида трактат” асари эди. Бу асарида “Осиё Сармати” (яъни, татар ерлари) ва “Европа Сармати” (Рус,Литва ерлари) халқлари ҳақида,уларнинг ўзаро алоқалари, келиб чиқиши тўғрисида ёзади, бироқ, бу маълумотларда ноаниқликлар кўп эди⁴³.

Ўша 1517 йилда ва иккинчи марта 1526 йилда Москвага Германия императорининг элчиси Сигизмунд Герберштейн ташриф буюрган. Унинг дипломатик миссияси муваффақиятсиз тугайди, бироқ у “Москваликлар ишлари ҳақида хотиралар”ида рус урф-одатлари ҳақида жуда кўп маълумотларни ёзиб, нашр қилади. Бу маълумотлар кейинчалик бир неча марта бошқа саёҳатчилар томонидан кўчириб олинган. Герберштейн,

⁴² Токарев С.А. Истоки этнографической науки . (До середины XIX в.). -М.: 1978. –С.77

⁴³ Меховский Матвей. Трактат о двух сарматиях. Введение, перевод и комм. С.А.Аннинского.- М.-Л.: 1936

диққатини хусусан, диний турмуш, урф-одатлар, грек-православ диний таълимотига қаратган; оила-никоҳ масалалари, хотин-қизларнинг таркидунёчилиги, ҳарбий турмуш, савдо ҳақида ёзади. Ҳатто, Москва давлати шимолий-шарқий чеккаларида яшаган халқлар, литваликлар, татарлар ҳақида баъзи фантастик маълумотлардан ҳам хабар беради. 1908 йилда А.И. Малеин Герберштейн Сигизмунднинг тафсилотларини, ҳамда Новокомский Павел Иовийнинг “Москва элчилиги ҳақида китоби асарларига сўзбоши ёзиб, таржима қилади ва Санкт-Петербургда чоп этади⁴⁴.

1565 йилда рус ерларига италиялик савдогар Рафаэль Барберини савдо ишлари билан келади, кейинчалик ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беради. Бу таассуротлар ҳам етарлича уйдирма, ёлғон гаплар бўлган.

1588-1589 йилларда Москвага келган инглиз элчиси Джильс Флетчернинг “Рус давлати ҳақида” деб аталган асари машҳурдир. Бунда ушбу асарда ҳам яна Рус мамлакати аҳолиси урф-одатлари анча қисқарок ҳолда очиб берилади. Элчининг асари 1906 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган.

XVII аср бошларида Рус давлатига голланд савдогари Исаак Масса келади ва бу ерда 8 йил (1601-1609 йй.) яшайди ва кейинчалик яна бир неча марта келади. Унинг “Москвадаги ҳозирги ғалаён, фитна, жанжал-суронлар бошланиши ва келиб чиқиши ҳақида қисқача хабарлар” асари XVII аср давомида бир неча марта турли тилларда нашр этилади. И.Масса асарида нафақат “Фитналар даври” воқеалари ҳақида сўзлайди, балки аҳолининг турмуш тарзи ҳақидаги кўп маълумотлардан ҳам хабардор қилади.

1634-1636 йилларда Москвага ташриф буюрган Гольштейн элчилиги котиби Адам Олеариянинг асари ҳам жуда машҳур ва маълум эди. У асарида аҳолининг турмуши ва урф-одатларининг турли томонларини

⁴⁴ Токарев С.А. Истоки этнографической науки (До середины XIX в.).- Москва: “Наука”, 1978. –С.77.

жуда батафсил ва қисқартирилмаган ҳолда баён этган эди. Унинг асари 1906 йилда Санкт-Петербургда А.М.Ловягин томонидан таржима қилиниб, чоп этилган эди.

1653 йилда француз врачлари Пьер де Ламартиньер Евроосиё шимолий чеккалари бўйича Дания кemasида саёҳатга чиқади. У кемада Лапландия қирғоқлиғига Янги ерга Печора дарёси этапларига боради. У сузиш тафсилотларида норвегияликлар, лопарлар, самоедалар ва бошқа шимол халқлари ҳақида эслатади, бироқ унинг маълумотлари ҳаммаси ҳам аниқ ва ишончли бўлмаган. Ҳатто, баъзи муаллифлар унинг ҳикояларини умуман бошдан-оёқ тўкиб чиқарилган деб ҳисоблайдилар. Шимолий мамлакатларга саёҳат деб номланган ушбу асар В.Н.Семенович томонидан таржима қилиниб, 1911 йилда Москвада чоп этилади⁴⁵.

1661-1663 йилларда Герман императори элчихонаси аъзоси Августин Мейербергнинг хабарлари анча қимматли эди. Бунда Рус давлати ҳақида жуда батафсил географик ва тарихий маълумотлар келтирилган. Муаллиф рус халқи турмуш тарзи ҳақида кўп тафсилотлар келтиради, хусусан, уларнинг салбий жиҳатларини очиб беради. Асарда илова қилинган расмлар жуда муҳим бўлиб, чунки уларнинг асосий қисми этнографик мазмунда эди⁴⁶.

XVII аср Москва давлати ҳақидаги энг тўлиқ, тафсилотлар голландиялик олим Амстердам бургомистри⁴⁷, Николай Витсенга тегишлидир. У 1664 йилда Нидерландия элчихонаси аъзоси сифатида Москвага ташриф буюрган эди. Ушбу сафарида турли манбалардан, кўпгина одамлар билан ўтказилган сўровномалар натижасида нафақат Шарқий Европа, балки Сибир ҳақида ҳам кенг материаллар йиғиб олишга эришади.

⁴⁵ Токарев С.А. Истоки этнографической науки (До середины XIX в.).- Москва: "Наука", 1978. –С.78.

⁴⁶ Громов Г. Альбом Мейерберга как источник по истории русского крестьянского жилища.// Советская этнография. – Москва: 1955. №1.

⁴⁷ Бургомистр-немисча сўз олиб, айрим мамлакатлар (Германия, Бельгия, Нидерландия, Австрия) маҳаллий бошқарув органларида олий мансабдор шахс. Исмоилов Маъсудхон, Шаропов Абдулла. Тарих атамалари луғати.-Тошкент:Академнашр., 2013. –Б.84.

1692 йилда унинг жуда катта асари “Шимолий ва Шарқий Татария” дунё юзини кўради. Татария номи остида юқорида қайд этилган ҳудудлар киритилган эди. Витсеннинг маълумотлари нафақат ўша замонида, балки бугунги кунда ҳам гарчанд у жиддий танқидни талаб қилса ҳам қимматли тарихий ва этнографик манба сифатида тадқиқ этилмоқда.

Келиб чиқиши даниялик бўлган, машҳур саёҳатчи Эверт Исбранд-Идес Москвада яшаб, 1692 йилда Хитойга элчи қилиб юборилган эди. У Сибир орқали қилган саёҳати ҳақида кундаликларида ёзиб қолдиради. Унинг бу кундалиги инглиз, немис, француз, чех тилларига ўгирилиб, бир неча марта нашр этилган.

Европаликлар этнографик ғояларининг тараққиётида барча юқорида санаб ўтилган сузишлар, юришлар, экспедициялар, забт этишлар катта аҳамиятга эга эди. Қисқа вақт ичида-бир неча ўн йилликларда одамларнинг этнографик дунёқараши (худди географик сингари) анча салмоқли кенгайди. Кейинги ўн йилликларда ҳам этнографик дунёқараш кенгайиши давом этаверади. Ўлчови катта бўлмаган, умуман табиий шароитлари ва аҳолиси турмуши бир-бирига ўхшаш бўлган Ғарбий Европа мамлакатлари тор дунёсининг ўрнига денгизчилар ва конкистадорларнинг кўз олдида турли иқлимдаги ўрмонлар, текисликлар, чўллар, экватордан субарктикагача кенгликлар, сувсиз саҳролардан тропик чангалзорларгача, майда оролчалардан кенг континентларгача н е о б о р и м и е – шарҳлаб бўлмайдиган кенгликлар очилган эди. Европаликлар ернинг шарсимон шаклини билиб Европа қирғоқларидан ғарбга томон неча кун сузишни, Хитой ёки Ҳиндистондек бой мамлакатлар қирғоқларига қандай етиб боришни ўйлар эдилар. Ғарбда, Атлантика океани ортида йирик материк ястаниб ётганини, ундан яна ғарбда эса ниҳоятда кенг буюк океан материк қирғоқларини ювиб туришини ва шулардан ўтибгина Осиё қирғоқларига бориб етиш мумкинлигини билар эдилар. Жанубга сузиб бориб, чидаб бўлмайдиган иссиқ мамлакатлар, яъни экваторга яқинлашишни, унинг остида ва

жанубида ҳам ҳаёт мавжудлиги ҳақида ўйлар эдилар. Денгизчилар ва уларнинг ҳикояларини тинглаганлар, ҳамда ахборотларини ўқиганларнинг бу кенгликлар ҳақидаги тасаввурлари ўзгара бошлаган эди.

Бироқ, энг муҳими шу эдики, денгиз ортида кашф этилган барча янги мамлакатлар одамлар билан тўла эди. У ерда халқлар яшаганлар, европаликлар уларнинг мавжудлигидан илгаригидек хайрон бўлмас эдилар. Бу халқлар бир-биридан жуда фарқ қилган ва Европада яшовчилардан эса– жисмоний тузилиши, кийим-кечаги, турмуш тарзи, тили, дини ва урф-одатлари билан янада кўпроқ фарқ қилганлар. Янги ерларни илк кашф этганлар, маҳаллий халқ билан учрашганларида бу фарқларнинг гувоҳи бўлишган эдилар. Европаликлар ўз ҳисоботларида, кундаликларида, хат ва мемуарларида уларни хайратда қолдирган бу халқларнинг башараси ва турмуш тарзидаги анча одат бўлмаган жиҳатларини ёзиб қолдирган эдилар.

Энг аввало денгиз орти халқларининг кийим-кечагидаги ўзига хослик европаликларнинг тез кўзига ташланган. Чунки бу кийим-бош тропик мамлакатлардаги халқнинг ниҳоятда с к у н д н ы й – мавҳум ва баъзи жойларда умуман йўқ, яъни қип-яланғоч ҳолатда эди.

Колумбнинг илк хабарларига мурожаат этганда, денгиз орти халқларининг кийим-кечасиз турмуш тарзи кечирганлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига дуч келинади⁴⁸. Пигафетта ҳам Магелланнинг дунё бўйлаб саёҳати ҳақида ёзган “Магеллан саёҳати” асарида ҳиндуларнинг тупи қабилаларининг уятли қисмлари ҳеч нима билан яширинган эмаслиги хусусида баён этади. “Туам ороллари аҳолиси ҳам яланғоч юришлари, баъзилари то белига қадар соқоли ва қора сочлари ташланган ҳолатда юрадилар”, сингари ахборотларни ҳам Пигафетта ёзиб қолдирган⁴⁹.

⁴⁸ Путешествия Христофора Колумба. Дневники, письма, документы. – Москва: 1950.- С.66.

⁴⁹ Пигафетта А. Путешествия Магеллана. –М.: 1950. (4-е изд.-М.: 1961) . –С.50.

Берноль Диас де Кастильонинг ёзишича, Юкатан қирғоқлари аҳолиси ўзларининг уятли жойларини Куба ҳиндуларидай очик қолдирмай, “мальтате” деб номланган ингичка иплар билан ёпганлар, шунинг учун уларни анча цивилизациялашган деб ҳисоблаганлар⁵⁰.

Европаликлар кўзига яна бир жиҳат тез ташланган, бу ҳам бўлса, ҳинду аҳолиси орасида барча хилдаги диннинг мавжуд эмаслиги, бу эса ўз навбатида денгиз орти халқларини христианликка тортишнинг зарурлиги ва енгил имкониятини яратиб берган эди. Колумб бу ҳақда шундай ёзади: “...булар осонликча христиан бўладилар, сабаби уларда бирор хил эътиқод йўқ”.

Европаликлар янги кашф этилган халқлар хусусиятларидаги фарқларнигина сезмасдан, бир мамлакат ёки орол одамлари бошқасидан фарқ қилинишини ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Колумб Куба (Хуана) оролидаги тинчликсевар аҳоли - сибонейлар билан қўшни Гаити (Эспаньоле) оролидаги жанговар кариб халқлари орасидаги аниқ фарқни англаб, ўша жангариларни у “каннибаллар”, яъни “ буюк хоннинг фуқаролари” деб атаган эди⁵¹. Берноль Диас Юкатаннинг аҳолиси билан илк учрашувида улар Куба оролидагилардан анча цивилизациялашган” деб деб ҳисоблаган эди. Эндиликда европалик кўзига аста-секинлик билан халқларни “этник хусусиятлари” билан аташ ташланаверади.

XVI асрдан бошлаб янги очилган ерлар аҳолиси ҳақидаги илк сочиб юборилган таассуротлар тизимли тафсилотлар яратишга бўлган биринчи уринишларга имконият яратади. Бу тафсилотлар муаллифи кўқисдан келган кузатувчилар эмас, балким олимлар бўлганлар.

Худди шундай тизимли тафсилотларнинг биринчиси Америка ҳиндулари турмушига бағишланган Петъро (Педро) Мартирнинг йирик тарихий асари эди. У испан қироли хизматида бўлган итальян гуманист-ёзувчиси эди. Мартир ўзи Америкада бўлмаган, бироқ, “Ҳиндистон

⁵⁰ Токарев С.А. Истоки этнографической науки (До середины XIX в.).- М.: 1978. –С.80.

⁵¹ Путешествие Христофора Колумба. Дневники, письма, документы. – М.: 1950.- С.69.

кенгаши бўйича қирол котиби” сифатида маслаҳатчи бўлган. У қўмондонлар, денгизчилар ва солдатларнинг хабарлари, хатлари, оғзаки ҳикояларидан фойдаланиб “Янги дунё ҳақида” деб номланган асарни ёзади. Асар 1511 йилдан қисмларга бўлиниб чиққан, жами 10 бобдар иборат, тўлиғича 1530 йилда нашрдан чиқади. Асарда Вест-Индиянинг кашф қилиши ва забт этилиши ҳақидаги баёнлар билан бир қаторда ҳиндулар турмуш-тарзи тафсилотлари ҳам берилган.

Ҳиндулар ҳақидаги анча муфассал маълумотлар “Янги дунёнинг илк йилномачиси” капитан Гонсало Фернандес Овиедо-и Вальдеснинг “Ҳиндистоннинг умумий ва табиий тарихи” деб номланган, 1535-1537 йилларда биринчи нашрдан чиққан асаридир. Ушбу асарнинг 4тўрт йирик томида ҳинду аҳолиси алоҳида гуруҳларининг жуда кўп тоза этнографик тафсилотлари йиғилган. Ҳақиқат ушбу тизим асосида баён этилган, бугунги кунда тасодиф ва асоссиз бўлиб кўзга ташланади.

Анча кейинроқ муаллиф, яширин тарзда нашр этилган “Ҳозиргача кашф қилинган янги ерлар ва Фарбий Ҳиндистон умумий тарихи” деб номланган асар чоп этилади. Муаллифи Франсиско Лопес де Гомар жуда муфассал тарзда воқеалар кетма-кетлиги тизимида Вест-Индия ороллари ва Жанубий Америка қирғоқ қисмлари ҳинду аҳолиси турмушига тегишли ҳар хил оилавий ва бошқа хил маросимлар, эътиқодлар, моддий-маданиятини ёзиб қолдирган эди.

Ҳиндуларни конкистадорлар зулмидан жон жаҳди билан ҳимоя қилган машҳур руҳоний Бартоломе де Лас Касаснинг йирик асарида ҳиндулар ҳақида анчагина этнографик маълумотлар учрайди. “Ҳиндистон тарихи” деб номланган асарида (1527-1561 йилларда ёзилган, бироқ жуда кеч нашрдан чиққан) испанларнинг Америкада босқинчилик юришларини баён этади ва йўл-йўлакай ўз замондошлари Овиедо ва Гомарлар билан ҳиндулар ҳақидаги уларнинг текширилиб аниқланмаган ва нотўғри маълумотлари хусусида баҳс-мунозара қилади, талашади.

Рухоний Диего де Ланданинг 1566 йилда “Сообщение о делах в Юкатане (“Юкатандаги ишлар ҳақида хабарлар”) асарини ёзади. Ланда шафқатсиз, аёвсиз қатл этишлар ёрдамида католик динини ёяди, Ҳиндулар маданий бойлигига муносабатида ўзининг саводсизлиги ва шафқатсиз ёвузлигини намоён қилади, яъни уларнинг Майя халқининг ёзуви ва тарихининг қимматбаҳо ёдгорликларини йўқ қилади: Бироқ, у ўзининг ғалати, ажабланарли қарама-қаршилиги билан, машҳур асарида (уч асрдан сўнг 1864 йилда бу асари нашр қилинган эди) Майя хиндулари турмушининг турли қирраларини ажойиб шарҳлаб, жуда ишончли баён этган эди. Асар майяларнинг хўжалиги, моддий маданияти турар жойлари, таомлари, кийим-кечаги, ҳунармандчилиги оилавий турмуши ва турли урф-одатлари, диний эътиқод ва маросимларини, хусусан фан учун жуда муҳим бўлган майяликларнинг ёзувини (қайсиёки, Ланда бу ёзув ёдгорликларини раҳмсизларча ёқиб юборган эди) баённи келтиради. Майя “алифбоси”ни ўқиш қалити худди шу ёзиб қолдирган тафсилотларидан топилган эди. Ланданинг асари, хусусан, ёзув ҳақидаги маълумотлари, майяликларда вақт ҳисоблаш тизими, диний эътиқодлари ҳақидаги масалалар рус олими Ю.В.Кнорозов томонидан жуда яхши тадқиқ этилган⁵².

Ўша даврнинг эътиборга лойиқ асарларининг яна бири ўқимишли монах Бернардино де Саагуннинг “Янги Испаниядаги ишлар умумий тарихи”дир. Бу асар 1570-йилларда ёзилган, бироқ 1830-йилда қўлёзмалари топиб олингандан сўнггина чоп этилади. Саагун Мексика босиб олингандан сўнг бу ерда узоқ яшаб қолади, маҳаллий тилни ўрганади ва маҳаллий қариялардан батафсил ахборотлар йиғиб фойдаланган ҳолда ушбу асарини яратади. Монографиясида ацтекларнинг диний эътиқод ва маросимлари, мураккаб диний-мифологик тизимлари,

⁵² Ланда Диэго де. Сообщения о делах в Юкатане. 1566 г. перевод, статья и прим. Ю.В.Кнорозова.- М.-Л.: 1955; См. также; Кнорозов Ю.В. Письменность индейцев майя. –М.-Л.: 1963; Он же. Иероглифические рукописи майя. – Ленинград: 1975.

хамда улар турмуши ва маданияти ҳақидаги кўп маълумотларнинг тўла баёнини ёритади.

Бошқа регион, яъни ҳудудларнинг географик-этнографик тавсифи ҳам пайдо бўла бошлайди. Шулардан бири 1555 йилда Римда латин тилида чоп этилган “Шимолий халқлар тарихи” асари эди. Бу асар муаллифи Упсаль архиепископи Олай “Буюк” эди. Бу китобда Норвегия, Финнмарки, Скрифинния, Лаппи, Биарми, Ботни аҳолисига тегишли ҳаёт манзаралари баён этилган. Бироқ, аралаш-қуралаш қилиб ҳар хил мўъжизалар ва уйдирмалардан ҳам холи эмас эди.

Орадан 100 йил ўтиб, худди шу шимол чеккасида яшаган аҳоли ҳақида Упсаль Университети профессори Иоганн Шеффернинг реалистик асари ҳам дунё юзини кўради. Китоб Швеция давлати канцлери илтимоси ва кўмагида тайёрланган бўлиб, у Лапландия ва унинг аҳолиси лопарларга бағишланган эди. Бу асар лопарларнинг ёзма манбалари ва оғзаки ахборотлари асосида ёзилган эди. Китоб 35 бобдан иборат, унда лопарлар моддий турмуши, оиласи ва оилавий урф-одатлари, эътиқодларининг турли томонлари ёритилади. Бундан ташқари жуда кўп сонли гравюралари ҳам бор эди. Муаллиф асарда лопарларнинг келиб чиқиши, уларнинг тили ва бошқа масалаларни ҳам кўндаланг қилиб кўйган эди. 1673 йилда латин тилида чоп этилган ушбу асар, тез орада инглиз, немис, француз тилларига ўгирилиб, кенг кўламда маълум бўлади.

Этнографик билимлар тараққиётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни тушуниб етишда илк уринишлар яққол кўзга ташлана бошлаган эди. Турли мамлакатлар халқлари ҳақидаги ўша вақтгача тушуниб бўлмайдиган, сирли, янги маълумотлар қандай қабул қилинган ва қандай тушунилган?-, деган савол туғилади. Илгариги ва янги ғояларнинг қайси бири европаликлар онгида ўша даврда улар дунёқарашининг мислсиз кенгайиши билан боғлиқ эди?

Европа аҳолиси учун одат тусига кирмаган ҳолат, бу Америка туб аҳолисининг ташқи кўриниши эди, европаликларни бу ҳол хайратга солган эди. Ҳатто, баъзи бирлари ўзларига савол берар эдилар: булар одамларми ёки бирор тирик жонзотми? Бу савол шунчалик жиддий қўйилган эдики, хусусан, черков доираларида, яъни Америка аҳолиси Одам Атодан тарқалган ҳақиқий одамларми?,- сингари тушунчалар безовта қилар эди. Юқоридаги тушунчалар тасдиғини Рим Папаси фатвосини тасдиқловчи махсус Ёрлиғини ҳатто кутган эдилар.

Демак, XVIII бошларида европаликларнинг дунё халқлари ҳақидаги билимлари манзараси ҳолати умумий хусусиятларини юқоридаги фикр-мулоҳазаларимиз очиб беради.

III-БОБ. XVIII-XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ЭТНОГРАФИК БИЛИМЛАР ВА ҒОЯЛАР

3.1. XVIII аср маърифатпарварларининг этнографик ғоялари доирасида Америка, Австралия ва Океания, Африка ва Осиёнинг этнографик ўрганилиши

XVIII асрни Европа тарихида “маърифат асри” деб атар эдилар. Албатта, ушбу таърифни жуда тўлиқ, яъни барча Европа давлатларига тегишли деб бшлмас эди. Чунки ўша даврдаги Европанинг илғор давлатларида ҳам кўпгина варварлик ва ваҳшийликлар сақланиб қолган эди. Бироқ, XVII-аср охири, хусусан, XVIII асрда биринчи навбатда Европанинг Франция, Англия, Нидерландия давлатларида илғор илмий, фалсафий ва ижтимоий қарашлар катта куч - қудрат билан аҳолининг ўқимишли қатламлари орасида ёйилган. Ушбу ғояларнинг ёйилиши, илмий фалсафий концепцияларнинг пайдо бўлиши, “маърифатчилар” нинг ўрта аср илоҳий дунёқарашига қарши кураши буларнинг барчаси буюк революцион курашлар ғоявий тайёргарлиги, яъни Франция ва бошқа мамлакатларда феодализмнинг тартибларини бузиб ташлашга ва янги буржуа демократик тартибларга янги йўлни очиб беришга олиб келган эди .

Эски феодализмнинг клерикал дунёқарашини бузиб ташлаш жараёнида этнографик билимлар ва ғояларнинг ҳам муҳим аҳамият касб этишни тақдир тоқозо этган эди .

XVIII асрда нафақат географик жиҳатдан дунё худудларини кенгайтириш балки европаларнинг янги мамлакатларни этнографик жиҳатдан очишлари ҳам узилишлар билан давом этаверди⁵³.

Шимолий Америкада Мексикани испанлар, Атлантика соҳилларини инглизлар, Лаврентия дарёси ҳавзаси, Буюк кўллар ва Миссисипининг французлар томонидан эгаллаб олинишидан сўнг ғарб ва шимолга юриш тўхтатилган эди. Босиб олинган ерларда мустамлакачилар ҳинду қабилалари билан маҳкам яқинлашиб, улар билан курашганлар, уларни ўз ерларидан сиқиб чиқарганлар, жой- жойи билан савдолашганлар, француз миссионер-

⁵³ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. – Москва: 1978. - С.93.

иезуитлар ҳиндуларни католиклар сафига тортганлар. Англия ва Франция давлатлари ҳиндуларни ўз томонларига ағдариб олиш мақсадида алгонкин, ирокез ва бошқа қабилаларни алдаганлар. XVIII аср адабиёти ҳам ҳиндулар ҳақидаги этнографик маълумотларга бой эди. Хусусан, миссионерларнинг маълумотлари кенг ва мазмунли эди. Иезуитларнинг хабарлари асосида улар ўз асарларини яратганлар.

Айниқса, 1705- 1709 йиллар ва 1720- 1722 йилларда Канадага саёҳатга борган ва шу ерда яшаган иезуит Пьерда Шарльвуанинг кузатишлари жуда қизиқарли эди. Унинг китобининг 1744 йилда француз, 1761 йилда эса инглиз тилларидаги таржимаси чиқади. Муаллиф хатлар асосида ўзининг кузатишлари ва таассуротларини баён этади. У ирокезлар, баъзи алгонкинлар ва бошқа қабилалар билан яқин мулоқотда бўлади. Шарльвуа ҳиндуларнинг шафқатсиз ҳарбий урф- одатларини шарҳлаш билан бирга уларнинг турмуши ва маданиятининг ижобий томонларини диққат билан ёрита олган. Ўзининг 18- хатида қуйидагиларни ёзади: "Биз ҳиндулар билан қанча яқинлашсак, улардаги ижобий хислатларни очаверамиз, улар интизомидаги умумий қоидаларда ҳеч қанақа варварлик қўзга ташланмайди"⁵⁴.

Худди шу хатида Шарльвуа ҳиндулардаги тотемизм ҳақидаги қизиқарли маълумотларни келтиради. Ҳар бир қабила бирон бир ҳайвон номини олгани, ҳар бир миллатнинг ўз тотеми булган ва бу тотем унинг гербида .ўз тасвирини топгани, ҳамда бирор шартнома тузмоқчи булсалар худди шу ҳайвон тасвири туширилган муҳрдан фойдаланганларини ёзади. Шарльвуа алгонкин ва ирокез қабилалари матриархат урф- одатлари хусусида қимматли кузатишлар олиб борган. Аёлларнинг ҳукмрон мавқеи, қабила кенгашларида жамоа вазифаларининг муҳокамаси тартиби ҳақида батафсил маълумотлар келтиради.

Иезуит –миссионер Жозеф – Француа Лафитонинг беш йил давомида ўз шахсий кузатишлари асосида қизиқарли ахборотлари асосан ирокезлар орасида йиғилган. Бундан ташқари ўз ўртоғи Жюлен Гарьенинг 60 йил

⁵⁴ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. – Москва: 1978. - С.94.

хиндулар орасида умргузаронлик қилиб, ирокез, гурон ва алгонкин тилларини яхши ўрганганлиги ҳам Лафитога 1724 йилда ўз китобини ёзишга имкон яратган эди. Лафито ирокез ва гуронлар тотемистик уруғлари, уруғларнинг ўзига хос терминологияси, аёллар таъсирининг кучлилиги ҳақида ёзиб қолдирган. Лафитонинг фикрича, аёллар ҳинду қабилаларида фақат хўжалик ва оила вазифаларигина эмас, ҳатто қабиланинг ижтимоий ҳаётига ўз таъсирини ўтказганлар. Улар хусусий ва умумий ишларни биринчи бўлиб муҳокама қилганлар. Аёллар ҳатто ўз кенгашларида қабил бошлиқларига ушбу масалани муҳокама қилиш учун буйруқ берадилар. Лафито Америка ҳиндуларининг келиб чиқиши ҳақидаги масалани ҳам ўртага ташлайди. Бирок, бу масалани фантастик тарзда ҳал қилади, яъни ирокез ва гуронлар қадимги дунё мамлакатларидан тарқалган, дейди.

Жанубий Америкада бу даврда этнографик маълумотлар ривожига жуда секин борган: испан ва португал мустамлакаларида маданиятнинг умумий даражаси паст ва маълумотли одамлар кам эди. Бу ҳудудлар ҳақида яққажрим этнографик тафсилотлар кўзга ташланар эди. Испан монахи Грегорио Гарсианинг “Янги дунё ва ғарбий Ҳиндистон ҳиндуларининг келиб чиқиши” китобини айтиш мумкин. Француз врач Пьер Барернинг “Шарль дея Кондамин саёҳати шаҳри” “Гвиана ва унинг аҳолиси тафсилоти” “Епископ дея Пень Монтенегро сафари шарҳи” деб аталган компилятив (бошқаларнинг асарларидан улаб-қураб ёзилган) асарларини, Антонио Ульоанинг “Америка хабарлари” китобини айтиш жоиз.

Иезуит Мартин Добрицгофернинг 1784 йилда ёзган “Абинонлар тарихи” китоби анча машҳур этнографик асарлардан бири эди. Бу одам Ғарбий Прагвайдаги жанговар абинонлар қабиласига иезуитлар ҳукмронлиги даврида 7 йил миссионерлик фаолиятини юритган. Ушбу китобида у абинонларнинг испанларга қарши урушлари, иезуитлар манзилгоҳларининг бу ерда ташкил қилиниши ҳақида сўзлайди. Асардаги асосий бўлим абинонлар ахлоқи ва урф одатларига бағишланган. Добрицгофер китобидаги

цитаталар ва фактлардан XIX аср ўрталаригача ва ҳатто ундан кейинги замонларда ҳам этнографик асарларда фойдаланилган.

XVIII аср географик ва этнографик тадқиқотлар тарихида Океания ва Австралия ўзига хос ўрин эгаллаган. XVIII асрнинг биринчи ярмида бу ҳудуд умуман денгизчилар ва саёҳатчилар қизиқишларидан четга қолган эди. XVII аср бошларида испанларнинг Океания оролларига сузиши тугалланган эди. Голландлар ҳам Тинч океан сувларида бир оз айланиб юрадилар ва фақат 1722 йилда адмирал Роггевен томонидан Пасха ороли очилганидан сўнг бу ҳудудларга бормай қуйганлар. 1760 йилларгача Океания ороллари ва Австралия қирғоқлари европаликлар диққатини ўзига тортман эди. Бирок, кейинги ўн йилликда бу ҳолат тубдан ўзгаради.

Маълумки, 1763 йилдаги (Париж сулҳи) Англия ва Франция ўртасидаги узоқ давом этган мустамлакачилик уруши Франциянинг мағлубияти билан тугайди, у денгиз ортидаги барча мустамлакаларини йўқотган эди. Франция давлати бу ҳолатдан норози бўлиб, қўлдан кетган мустамлакалари ўрнини янги ҳудудларни босиб олиш билан қоплашга ҳаракат қилади. Англия ва Франция ўртасида Тинч океан ҳавзасидаги ҳеч ким эгалламаган архепелагларни эгаллаш учун бирданига янги қарама қаршилик алангаланиб кетади. Бирок, бу рақобат тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашув шаклида эмас, эндиликда илмий экспедицияларда мусобакаланиш шаклида намоён бўлади. 1760 йилларда Тинч океанига бир қатор европалик денгизчилар ўз кемалари билан чиқадилар. Булар инглиз капитанларидан Байрон (1764), Уоллис (1766), Картерет (1766), Кук (1769-1779), французлардан Пажес (1766), Бугенвиль (1766-1769), Марион (1771), Лаперуз (1786-1788), Д. Антрекаст Лабиллярдьер (1792-1793)лар эди. Ушбу сузишлар Океания оролларида кўпчилигини, хусусан, Полинезия архипелагини тўлалигича очиб ўрганилишига кенг имкониятлар яратган эди. Икки ўн йиллик давомида Европа фани учун дунёнинг илгари маълум бўлмаган катта қисми кашф қилинган эди.

Австралия материги қайтадан кашф этилган эди. Маълумки, 1605 йилда Виллемянц, 1688, 1699 йилларда Демпирлар Австралиянинг шимоли-ғарбий қирғокларига ташриф буюрган эдилар. Бирок, бу ердаги қирғок бўш табиати, қашшоқ аҳоли мустамлакачилар диққатини ўзига тортмаган эди. Фақат 1770 йилда капитан Кукнинг Австралия шарқий соҳилларининг кашф этиши мустамлакачиларни ҳайратда қолдириб, яъни Европа учун материк ҳақида жозибадор маълумотлар маълум эди. Бирок, бу маълумотлар етарли эмас эди. Яна сиёсий туртки керак эди. Мана шунда Англия ҳам Франция кетидан янги ерларни мустамлакага айлантиришни мақсад қилади. Улар Австралияни сургун қилинганлар мустамлакасига айлантirmoқчи бўлдилар. Шунинг учун 1788 йилда Порт-Жексонда сургун қилинганларнинг биринчи партияси колонияси, 1793 йилда эса бу ерда эркин аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлади.

XVIII аср охиригача Европа Австралия туб аҳолиси ҳақида этнографик маълумотларга эга эмас эди. Бу континентни этнографик ўрганиш XIX аср зиммасига тушган эди. Бирок, Океания оролларидаги аҳоли ҳақидаги маълумотлар аста-секин тўпланар эди. 1700-1701 йилларда Парижда Ле-Гобиеннинг икки томлик “Мариан ороллари тарихи” асари нашрдан чиқади. Унда орол туб аҳолиси чаморроларнинг турмуш тарзи батафсил ёритилган эди. Бу асарлар муҳимлиги шундаки, унда мустамлакачилар томонидан ер юзидан аёвсиз қириб юборилган чаморроларнинг ҳаёти тафсилоти бутунлигича ёзиб қолдирилган эди. Испанлар томонидан бу ороллар кашф қилингунга қадар бу ернинг туб аҳолиси эркин ва мустақил, ҳеч қанақа қонунларга бўйсунмай, ҳар бир одам ўзи истаган ҳолда яшаганлигини муаллиф ёзади. Хусусан, Мариан оролларидаги матриархат кўринишларини очик-ойдин таҳлил қилади. Бу ерда аёлларнинг бошқа жойлардаги эркаклар эга бўлган имкониятлардан фойдаланиши, яъни хотин оиланинг тўла хўжайини эканлиги, унинг рухсатисиз эркак бирор бир буюмга эгалик қилиш ман этилгани, борди ю эркак хотинга бўйсунмаса никоҳни бузиб, болалар ва ўзини мулкини хотин бемалол олиб кета олганлигини алоҳида тадқиқ этади.

Пасха ороллариининг Якоб Роггевен томонидан очилиши ва унинг ҳамроҳи Беренснинг ушбу тафсилотларни ёзиб қолдириши катта қизиқишни уйғотган эди. Бу асар 1737 йилда Лейпцигда чиқади. Шу даврдан бошлаб “Пасха ороллари муаммолари” тарихи бошланганки, бу ўз навбатида йирик адабиётларни яратади ва ушбу муаммо ҳалигача ўз ечимини кутмоқда.

Узоқ танаффуслардан кейин 1760 -80 йилларда Океания ороллариини этнографик кашф этиш ва ерли аҳолини ўрганиш худди халтадан маълумотлар сочиб юборилгандек авж олди. Французлардан Бугенвил ва Лаперузлар, инглизлардан Кук, немислардан Фостернинг ахборотлари анча мазмунли эди .

1766-1769- йилларда Луи- Антуан Бугенвиль дунё бўйлаб саёҳат қилади ва 1771 йилда бу сузишлари ҳақидаги тафсилотлари нашрдан чиқади⁵⁵. У ўз даврининг кўзга кўринган олими, машҳур файласуф-энциклопедист, математик, астрономия ва хариташуносликдан хабардор, филолог, қадимги тиллар билимдони Даламбернинг шогирди эди. Худди мана шу устозининг тарбияси уни жиддий муҳим ва уйловли кузатишлар олиб боришга эриштирган эди. Бугенвиль сузишлари тафсилотларида тирик, жонли этнографик таассуротлар жуда кўп эди. Хусусан, таитиликлар, самоаликлар, Янги Гебрид, Янги Британия, альфурлар аҳолиси билан учрашувларида уларнинг турмуши ва характери масалалари очиқ- ойдин ва мазмунли тарзда ёритилган эди. Француз денгизчилари таити оролларидаги туб аҳоли яшайдиган соҳил бўйларида ўн кунлаб қолиб кетган эдилар. Бугенвильни Таити ороли табиати ҳайратга қолдирган, бу жойларни жаннатга ўхшатади, аҳолисининг эса соғлигини, тоза, озодалигини, иноқлигини роса мақтаб ёзган. Мамлакат бир неча мустақил ҳукмдорлар томонидан бўлиб бошқарилса ҳам одамлар ўртасида бирон хил келишмовчилик ўзаро қарама қаршилиқ ва низолар кўринишларига дуч келмаганликларини таъкидлашади. Тўғри таитиликлар бошқа ороллар аҳолиси билан тез- тез жанглар қилганлар. Бугенвиль таитиликлар никоҳ муносабатларининг

⁵⁵ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. – Москва: 1978. - С.94.

оддийлигини ҳам айтади. Саёҳатчи бу ерли аҳоли характеридаги салбий хусусиятларини ҳам тадқиқ этган эди. Улар баданлари каби мияларини ҳам чарчатмас эдилар, яъни дангасалик, оғир ишдан қочиш, доимий лаззатланиш сингари хислатлар уларга хос эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, у зодагонларнинг зўравонлигини, энг асосийси ижтимоий тенгсизлик ҳақида, умуман деспотик ҳокимият, оддий халқнинг ҳуқуқсизлигини ҳам англай олган эди ва бу ҳолатларни қайд этади .

Таитиликлар хулқ –атворидаги умумий идеал кўринишлар тафсилотлари жуда кўзга ташланадиган даражада ёзиб қолдирилган эди. XVIII асрдаги европалик одамлар учун бу ҳол қолган халқлар ва қадим даврлар ҳақидаги тасаввурларни келтириб чиқарган эди .

Француз ҳарбий денгизчиси Жан Франсуа Лаперузнинг этнографик тадқиқотлари жуда қизик. Лаперуз ўзининг иккита кемасида қисман Жеймс Кукнинг маршрути билан тўғри келадиган дунё бўйлаб саёҳатини амалга оширади. Америка қитъасидан жанубга сузиб, Пасха ва Гавайя ороллари кўрди, Шимолий Американинг шимоли-ғарбий соҳилларига сузиб, ўзи “Французлар Бухтаси” деб номлаган қўлтиқни тадқиқ этади. У ерда тлинкитлар билан учрашади. У ердан жанубга қараб Шимолий Калифорниядаги Монтерей бухтасига томон сузади, кейин океанни кесиб ўтиб, жанубий Хитойдаги Макао портига бориб этади ва у ердан шимолга Сахалин ва Куриль ороллари бўйлаб Камчатка соҳилларига етиб боради. Авачинск бухтасида уч ҳафта дам олгандан сўнг, яна жанубга, Кук томонидан кашф қилинган Самоа, Тонга, Австралиядаги Ботаническ бухтасига кўрадилар. Айни ўша пайтда қитъада инглизларнинг биринчи колонияларига асос солинаётган эди. У ердан 1788йилнинг бошида Лаперуз Меланезия ороллари гача сузиб, бахтсиз ходиса туфайли иккала кемаси изсиз йўқолади, балким улар Ваникаро ороли яқинида ҳалок бўлишгандир⁵⁶. Гарчи Лаперуз кемалари борган мамлакатларда қисқа муддатда бўлса ҳам у жуда кўплаб этнографик кузатишлар олиб борган ,улар тадқиқотлари

⁵⁶ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. – Москва: 1978. - С.104.

жиддийлигини ва холислиги билан Кукнинг тадқиқотларида қолишмайди. Ҳақиқий этнографга ўхшаб у тўғри саволлар қўйиб уларга аниқ жавоблар топиб, уларни бир-бири билан солиштириб хулосалай билган. Лаперузнинг саёҳати тўғрисидаги маълумотлар аввал Камчаткадан кейин эса Австралиядан юборилган ёзувлари асосида чоп этилган. Лаперуз, айниқса, ўзи кўрган халқларнинг этник муносабатларини кунт билан ўрганишга ҳаракат қилиши ибратдир. Масалан, Лаперуз биринчилардан бўлиб хиндулар ва эскимосларнинг келиб чиқиши ва маданияти орасидаги фарқларни аниқлаб бера олган эди. Калифорния халқининг турли-туман тилли эканлигини, Жанубий Сахалин аҳолиси ва уларни ўраб турган халқлар орасидаги турли фарқларга диққатини ажрата олган. Лаперуз биринчи бўлиб полинезияликлар ва Индонезия халқлари (малайяликлар) тиллари келиб чиқишидаги ўхшашликни аниқлай олган ва айтган. Бу фикр малайя-полинезия тиллари оиласини аниқлаган тилшунос Шамиссодан анча олдин айтилган хулоса эди. Лаперузнинг илмий ва сиёсий эркин фикрлай олиш анъати Калифорния ва Люсен оролларида католик миссионерлар томонидан ўрнатилган деспотик тартибларни қаттиқ танқид қилишда намоён бўлган эди. У кўрқмай Испан ҳукумати ва католик черковининг олиб борган сиёсатини қоралаб “улар фақат аҳолини христианликка қабул қилишларини уйлайдилар бироқ, ҳеч қачон фуқаро бўлишлари учун қайғурмаганлар” деб баралла айта олган эди.

XVIII аср давомида Африкада амалга оширилган тадқиқотлар кўлами олдинги асрларга нисбатан катта ютуқларни келтирмаган эди. Қитъанинг ички кенгликлари ҳали ҳам Европаликлар учун ўрганилмаган эди. Лекин голландлар Кап колониясидан Жанубий Африка ичкарасига кириб боришар, французлар Сенегал дарёси юқори оқимига, инглизлар эса Гамбия дарёси юқори оқимига чиқиб борар эдилар. Бироқ, бу ҳаракатлар Африка ҳақидаги билимлар ривожига тўртки бўлмаган эди. 1788 йилда Англияда Африканинг ички вилоятларини очиш учун ҳаракат Ассоциациясига асос солинди. Мақсад Шимолий Америкада йуқотилган мустамлакалар ўрнини бу ҳудуддан

коплаш эди. Бироқ, бу ассоциация фаолиятдан бирон бир натижага эришилмади.

Фақатгина ўша даврнинг икки асари Африка этнографияси ҳақида маълум тушунча бера олар эди. Булар Виллем Босманнинг Гвинеяга саёҳат (1705) ва Петер Кольбенинг “Яхши Умид Бурнининг тавсифи” асарлари эди. Уларнинг биринчиси- “Гвинеяга саёҳат” асари бир европалик номига қарата ёзилган 22 хатдан иборат эди. Асарнинг 9-13 хатлари Гвинея соҳил бўйи аҳолисининг турмуши, анъаналари, удумлари тавсифига бағишланган, 18- 22 хатлара эса Бенин, Фид ва бошқа қатор вилоятлар тўғрисида ёзилган этнографик шарҳлар жуда юзаки, содда ва жой-жойи билан негрларга нисбатан беписандлик руҳида суғорилган.

Босманнинг фикрича ретрлар айёр, ёлғончи, дангаса, ишёқмас, уларга ишониб бўлмайди. Босманга ёққан ягона жиҳати шуки, Гвинея аҳолиси орасида умуман қашшоқлар кишилар йўқлигидир. Босман европаликлар орасида биринчи бўлиб, Гвинея аҳолиси эътиқодини тавсифлашда “фетиш” сўзини ишлатган эди. “Фетиш” сўзи, негрлар тилида “боссум” деганидир, Негрларнинг аждоди номи ҳам боссум эди. Агар негрлар курбонлик қилмоқчи бўлишса, “фетиш қиламиз” ёки қасам ичмоқчи бўлишса ҳам “фетиш ичамиз” дейишади. Бу фикрлар Ғарбий Африка донғи кетган фетишизмнинг адабиётлардаги илк эслатилиши эди. Петер Кольбенинг “Яхши Умид Бурни тавсифи” асари эса тўлалигича готтентотларнинг этнографик тавсифига бағишланган бўлиб, XVIII аср бошида ёзилган бу асар жаҳон фанида этнографик адабиётлар энг янги оламида халқ ҳақида жуда тўлиқ, ҳар томонлама, турмушнинг ҳар бир қирраси тафсилотлари ёритилган манбадир. Кольбе бир неча йил готтентотлар билан яшаб, барча қабилалари ўрасида, диққат билан улар турмушини кузатган. У Босмандан фарқли ўлароқ, ўз асарида готтентотларнинг феъл-атворидаги хусусиятларни ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини очиб берган: улар тўғригўй, сўзининг устидан чиқадиган камтарин, меҳмондўст, зийрак, бағрикенг, лекин улар ароқхўрликка ружу қўйганлар, дангаса, тоза-озода юришмайди

(банданларига кўйнинг ёғи ва тезагини суртишган). Кольбе асарида готтентотларнинг жисмоний типи, уларнинг кийим-кечаклари, қабилалари (миллатлари), уларнинг жойлашуви, ҳокимиятни бошқарув шакллари, урушлар ва уларнинг сабаблари, дини, мусиқаси, никоҳи, уй- рўзғор хўжалиги ва меҳнат тақсимоли, таомлари, болалар туғилиши ва тарбияси, қишлоқлари ва қурилишлари, ҳайвонларни сақлаш жойи савдоси, ҳунармандчилиги, ови, балиқчилиги халқ таъбаоти, дафн маросимлари ҳақида сўз боради. Демак, Кольбе ҳозирги этнографларга ўхшаб халқни ўрганишга оид барча жиҳатларни тадқиқ қилган эди⁵⁷.

XVIII аср давомида Осиёни этнографик ўрганиш борасида кўзга кўринарли ишлар олиб борилди. Хитой билан танишиш анча илгарилаб кетди, бу мамлакатни ўрганишда католик миссионерлар кўп ишлар олиб бордилар. 1736 йилда иезуит Жан-Батист Дюгальднинг Хитой ва унга чегарадош мамлакатлар ҳақидаги йирик компендиуми - асарлар тўплами, дунё юзини кўрди. Ушбу тўрт жилдлик капитал асар Хитой аҳолиси ва унинг маданияти тўғрисидаги ҳақиқий билимлар энциклопедиясидан иборат эди. Бу асар Хитойда яшаган иезуит-миссионерларнинг ёзишмалари, ҳисоботлари ва хотиралари асосида ёзилган. Иезуитларнинг Хитойга сафарлари асосан XVII аср охири ва XVIII аср бошларига тааллуқли эди. Асарга хитойликларнинг маданияти ва турмуши, алоҳида вилоятлар ҳақидаги маълумотлари, Хитойга ёндош режалар - Тибет, Монголия, Сибирь, Корея ҳақида қисқа маълумотлар миссионерлар Жербильон, Вербье ва бошқаларнинг сафар кундаликлари ҳақидаги масалалар киритилган эди. Иловасида эса кўп сонли гравюралар, шаҳарлар планлари берилган эди.

Жанубий Осиё, айниқса, Ҳиндистон ўзининг катта бойликлари ва эртақларидаги мўъжизалари билан европаликлар диққат эътиборини жалб қилган эди. XVIII асрда Ҳиндистонни босиб олиш учун французлар, португаллар, голландлар ва инглизлар ўртасида кураш борган. Инглизлар бу

⁵⁷ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. – Москва: 1978. - С.106.

жангда ғолиб чиқишди. Рақибларни бўлиб ташлаш сиёсатини қўллаб, Ҳиндистоннинг катта қисмини қўлга киритишди. Ҳиндистонда Англия давлати номидан 1603 йилда асос солинган Ост-Индия Компанияси ва доимий қўшинлари фаолият юритган. Давлат ва компания топшириғига биноан ҳарбийлар ва оддий фуқаролар мамлакатнинг катта қисмини ўрганиб чиқиб, мукамал хариталартузиб ва тафсилотлар ёзиб қолдиришди. Йўл-йўлакай ушбу тафсилотларда этнографик маълумотлар учрайди. Бир-бири билан алоқада бўлмаган Ост-Индия компанияси ва Британия ҳукуматига Ҳиндистонни ўрганишда асосий муаллифлар ўрнини эгаллашди. Улардан бири миссионер-иезуит Йозеф Тиффенталер бўлиб, у Австриянинг Тирол шаҳрида туғилган, 1743 йилдан Ҳиндистонда яшайди. У 30 йилдан кўпроқ давр давомида Ҳиндистоннинг турли худудларини кезиб чиқиб, маҳаллий Ҳинд тилини ўрганган ва ўзининг Ҳиндистон ҳақидаги бир неча кўлёмаларини латин тилида Европага жўнатган. Улардан энг йириги “Ҳиндистон тавсифи” бўлиб, француз тилига академик Жан Бернулли (машҳур астроном олим) томонидан чоп этилган. Асарда ҳиндистонликлар дини, урф-одатлари ва бошқалар тўғрисидаги этнографик маълумотлар маҳаллий хушманзара жойлари тавсифи билан қўшиб берилган эди. Ҳиндистон тўғрисида қизиқарли маълумотлар таниқли саёҳатчи ориенталист Абраам Анкетиль – Дюперроннинг “Ҳиндистон тўғрисида тарихий ва географик тадқиқотлар” номли асарида келтирилган. Бу француз ҳаётининг бош мақсади қилиб Эроннинг муқаддас диний китоби “Авесто”ни топиб нашр эттириш эди. Шунинг учун Ҳиндистонга бориб, у ерда бир неча йил яшаб (1755–1761) ва ҳақиқатан ҳам оташпараст форсларда сақланган муқаддас Авестонинг матнларини топиб олади. Уларни Европага олиб бориб, 1771 йилда таржима қилиб, нашр эттиради. Шу билан бирга Анкетиль - Дюперрон Бернулли билан бирга Ҳиндистон ҳақида янада кўпроқ ва янги маълумотларни ўз ичига олган асарни ҳам нашр эттиради. Анкетиль “Ҳиндистоннинг Европа билан муносабати” номли асарида Анкетиль

Ҳиндистоннинг иқтисодий ресурслари ва Европа мамлакатлари билан савдо таракқиёти имкониятларини кўриб чиқади.

Олд Осиё бўйича саёҳатчилар орасидан энг кўзга кўрингани Карстен Нибур (1783-1815 йй.) эди. XVIII аср давомида бўйлаб амалга оширилган саёҳатчилар ичида немис, бошқаларнинг таъбири бўйича эса даниялик ҳисобланган Карстен Нибур эди. У 1761-1767 йилларда Дания қироли Фредерик V нинг топшириғи асосида Арабистон, Месопотамия, Миср ва Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқлари (Бомбей, Сурат) бўйлаб катта илмий саёҳатлар уюштирган. Бу саёҳат жуда қийин кечган, яъни Нибурнинг барча ҳамроҳлари йўлда ҳалок бўлишган. Бироқ, бу саёҳат фавқулодда сермахсул бўлади. У “Арабистон тавсифи” ва батафсилроқ “Арабистон ва бошқа мамлакатлар бўйлаб саёҳат” номли асарларини яратган эди. Буларнинг биринчисида Нибур мамлакат билан яқиндан танишиб, араб тилини ўрганиб, нафақат Арабистон табиати ҳақида, балки унинг аҳолиси, урф-одатлари, миллий руҳияти, дини, хўжалиги, моддий маданияти, адабиёти, астраномия ва медицинага оид арабларнинг билимлари тўғрисида ҳам маълумотлар беради. Мамлакатнинг умумий тавсифидан ташқари муаллиф унинг алоҳида вилоятларини ҳам таърифлаб беради. Кириш қисмида Нибур Арабистонни тадқиқ қилмоқчи бўлган бўлғуси сайёҳларга ва тадқиқотчиларга қуйидаги маслаҳатларини беради: тез орада маҳаллий тилни ўрганиш, арабларга хушмуомалалик ва сиполик билан муносабатда бўлиш, чунки араблар жуда меҳмондўст, лекин европаликларнинг ҳазиллари ва кек сақлашларини тез ҳис қиладиган, яъни тез хафа бўлувчи халқ, Нибур саёҳатлари тафсилотларида Шарқнинг бошқа мамлакатлари ҳақида кўплаб қимматли этнографик маълумотлар мавжуд.

Дунёнинг барча бурчакларидан тўпланаётган этнографик маълумотлар, албатта, қанақадир кераксиз ажабтовур фактлар ёки экзотик ҳикоялар эмас эди. Булар у ёки бу умумлашмалар учун фикрлайдиган кишиларга, ҳатто кенг тарихий тузилмалар учун хизмат қилар эди. Бундай тузилмаларни олдинги асрларда ҳам алоҳида муаллифлар мисолида XVI асрда “уйғониш даврида”

ҳам кўриш мумкин, бу ҳолат “маърифат асри”да ҳам пайдо бўлмай қолиши мумкин эмас эди. Ушбу тузилмалар ўрта аср феодализмига қарши вужудга келаётган буржуазиянинг ғоявий курашида алоҳида ўрин тутди.

XVIII асрда этнографик билимлар билан боғлиқ бўлган илмий, фалсафий ва публицистик адабиётни яхшилаб кузатсак, уларни уч асосий йўналишдаги гуруҳга ажратса бўлади:

1. Ижтимоий ва маданий ҳаёт кўринишларини қиёсий-этнографик жиҳатдан кўриб чиқиш;
2. Инсоният бутун жуда тарихий тараққиётининг ва “ёввойи халқлар”ни ушбу тараққиётнинг илк босқичи вакиллари сифатидаги умумий манзарасини;
3. Европалик бўлмаган қолоқ халқлар ҳақидаги тасаввурларни Европа тарихига ўтмишига ўтказиш, Европа деҳқонлари ва уларнинг маданиятига қизиқишнинг пайдо бўлиши.

Халқларнинг турмуши ва маданият кўринишларига қиёсий - этнографик ёндашиш дейилганда, денгиз ортидаги мамлакатларда кузатувчилар кўзига ташланган халқлар ўртасидаги этник фарқларгина эмас, балки ундан ҳам мураккаброқ, яъни халқлар турмуши ва маданиятида ўхшашликлар, параллеллар, аналогияларни ҳисобга олиш, географик ва хронологик жиҳатдан бир-биридан жуда узоқда бўлган халқларнинг маданияти ва хўжалик юритишидаги ўхшашликлар, аналогиялар, параллелларни англашга уриниш ва тушуниш демакдир.

Маданият ҳодисаларидаги ўхшашликлар аналогияларни биринчилардан бўлиб илғай олган муаллиф инглиз файласуф- материалисти ва хурфиқрли публицист, келиб чиқиши асли Ирландиядан бўлган Жон Толанд (1670 – 1722) эди. Толанд ўзининг “Серенага мактублар” номли Пруссия қироличаси София Шарлотта “Серена”га номалар шаклида ёзилган фалсафий асарида диний эътиқодларнинг келиб чиқишига ўз қарашларини, хусусан, ўлимдан кейинги ҳаётни баён этади. Хусусан, ўлимдан кейинги

хаётга ишончини ҳам билдиради. Бу масалага доир христиан таълимотини четлаб ўтади – черков цензурасидан кўрққанлиги сабабли бўлса керак, лекин, ўлимдан кейинги хаёт ҳақидаги фикрлар илк бор қайси даҳрий халқларда пайдо бўлганлиги билан қизиқади. У шундай хулосага келади: Рухнинг ўлмаслиги ҳақидаги фикрлар биринчи бўлиб мисрликларда пайдо бўлган, бу ўз навбатида ўликларни мўмиёлаш санъати билан боғлиқ бўлган. Параллел эътиқодларни Толанд бошқа қадимий даҳрий халқлардан топади ва уларни қиёслаб, илк диний қарашлар келиб чиқиши ҳақида умумий хулосалар чиқаради. Лекин, биз учун энг қизиқарлиси шуки, Толанд ўз қарашларини асослаб бериш учун тоза этнографик аналогияларга мурожаат қилади. Африканинг катта қисми, Осиёнинг кенг текисликлари ва бутун Америка ҳамда Европанинг бир неча бурчакларида яшовчи ҳозирги замон даҳрийлари – деб ёзади у, - ўзларининг қарашлари билан қадимийларга жуда яқин.

Этнографик тарихшуносликда Толанддан ҳам кўпроқ машҳурликка эришган киши – француз иезуит миссионер, бир неча йил ирокез ва гуронлар ўртасида яшаган Жозеф Франсуа Лафито (1670-1740) эди. Уни ҳатто этнографияда қиёсий методнинг “отаси” деб ҳам аташади. Ҳақиқатан ҳам, унинг “Америкалик ёввойи одамлар ахлоқларининг қадимги даврлардаги ахлоқлар билан қиёслаш” асарида кўплаб этнографик – қиёсий таққослашларни келтиради ва бу тенденция ҳатто асарнинг бошида ҳам кузатилади. Асарнинг асосий мазмуни эса қадимий халқлар ва Америка ҳиндулари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Лафитонинг ўзи кириш қисмида шундай ёзади: “Мен фақатгина ёввойиларнинг одатлари ва хусусиятларини ўрганиш билан чекланмадим. Мен уларнинг урф-одатлари ва ахлоқларида узоқ қадимдаги изларни қидирдим. Мен бу удумларнинг холис қиёсини кўрдим, қадимги муаллифларнинг ҳам улар ҳақидаги фикрларини ўқидим ва натижада мен уларнинг урф – одат ва ахлоқларини янада яхшироқ тушуна билдим”.

Бундай қиёслашларда Лафито эҳтиёткорлик билан йўл тутишга ҳаракат қилган. Айрим удумлар – дейди у – ҳар доимги ҳаётда барча халқлар учун

бир хил бўлиб, уларнинг ўхшашлигидан ҳеч қандай хулосага келиб бўлмайди. Лекин “ўзига хос ва характерли” удумлар борки, уларнинг қиёсидан маълум бир тахминлар қилса бўлади: буларга “кувада удумлар” (бирок, Лафито ҳозирда ҳаммага маълум бу терминни ишлатмайди), амазонкаликларнинг ахлоқи, травестизм одати (аёллар кийимини кийган эркаклар) ва ҳоказолар.

Лекин қанчалик эҳтиёткорлик бўлмасин, Лафито барибир айрим жойларда хатоликларга йўл қўяди. Масалан, у ҳиндуларнинг диний эътиқодлари ва маросимларида “иудаизм ва христианлик”нинг излари, мифиологияларида эса антик мифларнинг кирралари бор деб ўйлайди. Юқоридаги барча қиёслашлардан Лафито ягона хулосага келади: америкаликлар (индейцлар)нинг хулқларини солиштиригшандан кўплаб ўхшашликларнинг мавжудлиги, бу эса халқларнинг бир ўзакдан келиб чиққанлиги маълум бўлди. Бундай хулосалар ҳозирги илмий жараёнда ҳам агар халқларнинг хронологик ва географик келиб чиқиши, уларнинг тарихий умумийликларига қарши бўлмаган ҳолда юзага келиши мумкин. Лекин, америкалик индейцларнинг қадимги греклардан келиб чиқиши тўғрисидаги гипотеза ҳатто муҳокама қилиниши ақлга сиғмайдиган ҳол ҳисобланади.

Лафито хулосаларининг асосизлиги нафақат ҳозир, балки ўша даврда ҳам айрим замондошлари танқидига учраган. Маслан, Вольтер Лафитонинг муҳокамалари устидан кулиб қуйидагиларни айтади:... “Лафито америкаликлар қадимги греклардан келиб чиққан, дейди ва буни қуйидагича асослайди:

Грекларда масаллар (gables) бўлган, айрим америкаликларда ҳам булар бор. Қадимги греклар овга боришган – америкаликлар ҳам боришади. Қадимги грекларда оракуллар (фолбинлар) бўлган, америкаликларда эса жодугарлар бор. Грецияда ўрмонларда рақсга тушишган, Америкада ҳам шундай. Тан олиш керак, ушбу асослар жуда ишончли.

Лафитонинг қиёслаш усули ҳали унча тараққий этмаган шаклда кўринсада, айрим ўша XVIII асрнинг бошқа баъзи муаллифларида бу усул

анча ишланган ва чуқур ўйланган кўринишда бўлган. Бу усулни онгли равишда саёҳатчи натуралист Георг Форстер қўллади. Капитан Кук билан бўлган саёҳатлари тафсилотларида бу усулни кўп қўллаган.

Масалан: Гомер Грецияси қаҳрамонлари ва Таити ороли йўлбошчилари ўртасидаги ўхшашлик қуйидагича ифодаланган: “Баён қилинган тафсилотларда етарли далиллар мавжуд, яъни, дунёнинг узок икки қарама-қарши четида яшаган одамлар бир хил, ўхшаш маданий босқични бошдан кечирсалар, бир-бирларига ўхшаб кетадилар”.

Бу борада у “халқлар шажарасини тузиш ахмоқлик” деган фикрга қарши чиқади, бошқача қилиб айтганда, Форстер Лафитонинг халқлар маданиятидаги ўхшашлик бу халқларнинг келиб чиқишидаги умумийлик тўғрисидаги фикрини хато деб ҳисоблаган.

Ўша даврнинг машҳур ёзувчиси, адабиётшунос, тарихчи Шарль де Бросс (1709 – 1777) анча онгли ва бирин-кетинлик билан қиёсий методни қўллади, Уни фақат этнографик масалаларнинг биргина - диний эътиқодлар доираси кизиқтирган. Ўзининг “Фетиш – худолар култи” ҳақидаги китобида Де Бросс турли халқларда дин тараққиёти умумий қонуниятлари ҳақидаги масалани очиқ ўртага ташлайди, ушбу қонуниятни дунёнинг турли бурчакларидаги турли халқлардаги эътиқодларни таққослаш йўли орқали билиш мумкинлигини ёзади. Умумий қонуниятлар ғоясини Де Бросс библия-черков таълимотининг илк одамларнинг жаннатдаги ғоялар билан ҳаётини мослаштиришга ҳаракат қилган, лекин бунинг иложи йўқ эди, албатта.

Де Бросс бунини шундай тушунтиради: одамлар гуноҳ қилиб жаннатдан қувилганларидан сўнг ерда жойлашадилар ва умуман худо томонидан улар учун яратилган динни унутиб юборадилар, улар ўзларининг шахсий эътиқодлари ва урф одатларини асосан ўхшаш шаклларда ярата бошлайдилар. Шу йўсинда Ғарбий Африка халқлари ўртасида кўпроқ кўзга ташланадиган фетишистик сиғинишлар ва қарашлар вужудга келган, лекин Де Бросснинг айтишича, бу дунёнинг бошқа кўплаб нуқталарида ҳам кўзга ташланади. “Шу аниқландики,- дейди у,- дунёдаги энг қадимги халқлардан

қўпол ва маданиятсиз бир халқ иримларининг кўплигидан, шунга ўхшаш ерлик худоларни яратишган, айна пайтда эса бошқа бир маданиятли халқ кўёш ва ёруғликка сиғинган”.

Де Броссининг айтишича, фетишистик динларнинг келиб чиқишини аниқлаш учун ҳозирги Африкадаги халқларни кузатиш зарур. Ва шу методологик ва жуда тўғри йўл орқали фетишларга тегишли бўлган Африка халқларининг диний қарашлари ва удумларини ёритишга ҳаракат қилади. Де Бросс ўзининг ушбу китобида “ фетиш” деган сўзни кенг илмий фойдаланиш учун биринчи марта киритади, маълумки фетишизм ибтидоий диннинг илк шаклларида бири. Бундан ташқари Шарль де Бросс фанга “Австралия” ва “Полинезия” нинг географик белгилашни олиб кирган эди.

Турли халқлар маданияти ва турмушини солиштириб,улар орасида умумийликни қидириш – албатта,бу жуда муҳим. “Қиёсий метод”нинг вужудга келиши натижасида этнография фани ривожидида катта аҳамият касб этади. Ушбу услуб ёрдамида Европанинг маърифатли жамияти доирасида турли халқларнинг урф-одатларини бир-бирига қиёслаш эмас, балки уларнинг қай даражада ўзга халқлар билан ўзаро мунгсабатда тенг ҳуқуқли эканлигини тан олиш ғояси туғилади. Европаликларнинг бегона халқлар билан ўзаро муносабат жараёнида уларнинг хулқи ва урф-одатларига тоқат қилиш, яъни ўзаро ҳурмат қилиш учун психологик заминнинг яратилиши Европа зиёлиларини байналмилал руҳда тарбиялашда қўйилган илк қадами эди. Бироқ бундай “интернационал тарбия” ўша давр учун узоқ келажак иши эди. Ўша даврда илғор жамоатчиликнинг ўрта аср сарқитларига қарши ғоявий курашидан кўра муҳимроқ бошқа вазифалар бор эди. Булардан бири табиат қонунлари бўйича инсониятнинг умумжаҳон тарихий тараққиёти умумий схемасини тузиш ва уни “Библия”-черков анъаналарига қарама-қарши қўйиш, тарихий жараёни илмий тушунишни илоҳий тушунишга қарши қўйиш сингари вазифалар ҳал қилинаётган эди. XVIII аср илғор фикрловчи зиёлилари елкасига мана шундай оғир вазифа турар эди. Улар бу вазифани ўша давр шароитидан келиб чиқиб уддаладилар. Уларга бу

масалани ечишда тўпланган бой этнографик материаллар бекиёс ёрдам берган эди.

Инсониятнинг табиий ривожланиши манзарасини яратишда “маърифат асри”нинг буюк эгалари инглиз Фергюссон, италиялик Вико, французлардан Руссо, Дидро, Монтескье, Вольтер, Кондорселлар ҳар бири ўз хиссаларини қўшадилар. Албатта, бу манзаранинг фаолиятларида уларда турли шаклда вужудга келган эди. Масалан; Руссо ва Дидро инсоният бошланғич даври тарихини беғубор, беғам, бахтли болаликка ўхшатишади, яъни одамлар бу даврда табиат қонунлари бўйича беташвиш яшашган. Улар цивилизация тараққиётини бу қонунларнинг бузилиши деб билганлар⁵⁸. Вольтер, Фергюссон, Кондорселлар эса тарихни ақлнинг узлуксиз тараққиёти, инсониятнинг ёввойилилик ва варварликдан порлоқ келажак сари йўл тутиши деб билганлар.

XVIII аср маърифатпарварларнинг тарихий концепцияларида, қарашларида ўзига хос умумийлик мавжуд эди. Яъни, улар инсоният тарихини худо томонидан олдиндан белгилаб қўйилган воқеалар мажмуи эмас, балки қонуниятли, табиат қонунларига бўйсунган жараён деб талқин этдилар. Энг қизиғи шундаки, тарихий тараққиёт қонунияти манзарасида этнографик маълумотлар муҳим ўрин эгаллаган ва барча ёзувчилар ўз асарларида инсоният илк даври тарихини ёритишда худди шу маълумотларга таянган эдилар.

Ибтидоий даврнинг идеаллаштирилиши, инсониятнинг “олтин асри” тўғрисидаги ғоялар машҳур француз файласуфи, ёзувчи-маърифатпарвар Жан Жак Руссо (1712-1778йй.) номи билан боғлиқ. Фанда унинг фикрлари “руссоизм” термини билан аталган. У инсониятга фақат зарар келтирган замонавий Европа цивилизациясини танқид қилган эди.

Бошқа томондан эса инсониятнинг “олтин болалиги” тўғрисидаги Руссонинг қарашлари жуда абстракт ва фактик асосланмаган кўринишга эга эди. Этнографик материаллар бу даврда “ҳимматли ёввойи” назариясини

⁵⁸ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. –Москва: 1978.-С.113.

яратишда асосий ўрин тутиши аниқ бўлсада, бироқ бу ғоялар Руссода учинчи ўринда турар эди. Руссо қарашларининг тўла ифодаси, яъни инсоният илк ҳолати ҳақидаги маълумот 1754 йилда яратилган унинг машҳур асари “Одамларнинг келиб чиқиши ва тенгсизлик асосларини муҳокама қилиш” да ёритилган. Руссо асарида “ижтимоий тенгсизлик” пайдо бўлгунга қадар одамлар “табiiй ҳолатининг” фантастик ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган тасвирини келтиради. Асарни яратилиш манбаи қайсидир даражада этнографик материалларга бориб тақалсада, бироқ, муаллиф асар бошида аслида ҳеч қачон “табiiй ҳолат” бўлмаган, чунки “муқаддас китобларда” илк инсон худо томонидан билимларни ва уларни кейинги авлодга қолдиришни ўргатган, деб китобхонни огоҳлантиради. Руссо деист⁵⁹ бўлган. Дин Руссога худонинг ўзи кишиларни табiiй ҳолатдан чиқарганлиги ҳақида таълимот беради. Шунинг учун ҳам Руссо фактларни четга қўяди ва хаёлан инсоният туғилишини ўз тарихи давомида тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Бу тасаввур ҳамма хилдаги тўғри ҳақиқитлардан йироқ эди, муаллиф баъзи кўринишларни ёритишда ўз этнографик захирасидан фойдаланган, яъни готтентотлар, караиблар ва бошқа америкалик ҳиндулар ҳаётини мисол қилиб олган эди. Руссо шундай ёзади: ўрмонларда адашиб, тилсиз, жамоавий алоқаларсиз ва урушларсиз, ҳеч кимса зарар етказмасдан яшайдиган ибтидоий одамлар табiiй эҳтиёжлардан бошқа ҳеч қандай хи туйғу ёки билимларга эга бўлишмаган. Агар ибтидоий одам бирор кашфиёт қилса, у ўз кашфиётини бировга айта олмас эди, охир у ҳатто ўз боласини танимас эди ва шу тариқа кашфиёт кашфиётчининг ўзи билан бирга ўлиб кетар эди. Ҳеч қандай тарбия ва прогресс йўқ эди. Авлодлар алмашинар ва ҳар бир янги авлод олдингисининг ҳаётини такрорлар эди. Юз йилликлар ўтар “аммо ибтидоий тузум” ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш юз бермас эди...

Бироқ, хусусий мулкка асосланган “Фуқаролик жамияти” пайдо бўлиши билан минг йилликлар давомида сақланаётган қоқликка барҳам

⁵⁹ Деизм- худони тан олувчи, лекин унинг табиат тараққиётига дахли йўқ деб билувчи диний-фалсафий таълимот (русча-ўзбекча луғат. I том, -Тошкент:1983.-Б.239.

берилди”. Унинг туғилишини эса Руссо қуйидаги фантастик қирралар орқали таснифлайди: “одамлардан бири миясига бир фикр келади, ернинг маълум қисмини чегара қилиб олиб- “бу меники” деб айтади ва бунга етарлича ишонувчан очик кўнгил кишиларни топади”. Бироқ, ушбу “фуқаролик жамият”ини Руссо, чексиз камбағалликлар, даҳшатли жиноятларнинг бошланиши деб ҳисоблайди. Кейинчалик муаллиф маданиятнинг аста-секин юксалиши, ижтимоий алоқаларнинг мураккаблашиши, инсон тафаккур ва ақлининг ўсиши билан бирга кишилар ўртасида ўзаро душманлик, урушлар, адоват, қуллик, камбағаллик ва қашшоқликни келтириб чиқаришни тасаввур қилишга ҳаракат қилган эди. “Табиий ҳолат”нинг идеализацияси ўша даврнинг бошқа ёзувчилари томонидан ҳам этнографик фактлар ёрдамида асослаб берилган. Масалан, француз утопист –мутафаккири Мореллининг “Табиат кодекси”асарида (1775 йилда нашр этилган) этнографик тадқиқотлар ёрдамида асослаб берилган эди. Морелли асарида қуйидаги фикрларни келтиради: “Агар сиз кишиларни табиий ҳолатда кўрмоқчи бўлсангиз, Америкага боринг: у ерда табиат қонунлари асосида яшовчи қабилаларни учратасиз”... “Бу оилалар ўзаро алоқа асосида ов ва балиқчилик қилиб ўз эҳтиёжларини қондиришган”⁶⁰.

Француз файласуф маърифатпарвари Дени Дидро (1713-1784) асарларида ибтидоий одамларнинг бахтли ҳолатини “оқ кўнгил ёввойи” гоёси орқали аниқ тасвирлаган. Издошларидан фарқли ўлароқ Дидро материалист ва атеист бўлган. Дидронинг фантазия ва ўй-фикрлари фактик асослардан устун бўлса-да, унинг концепциялари асосини конкрет далил факт ва кузатишлар аниқроғи, этнографик маълумотлар ташкил қилади.

Дидро XVIII аср француз файласуф, маърифатпарварлари орасида энг кўзга кўринган, қамровдор олим ва жамоат арбоби эди. XVIII асрнинг ўрталарига келиб, Франциянинг феодал монархия тузумига, черков ва диннинг халқ бошига келтираётган азоб-уқубатларига қарши норозилик кучайиб кетди. Бу даврнинг илғор зиёлилари бўлган маърифатпарвар ана шу

⁶⁰ Морелли. Кодекс природы. –М.-Л.: 1947.-С.83-84.

ғоявий курашнинг ҳақиқий раҳбарлари сифатида майдонга чиқдилар. Дидро шу курашнинг энг жанговар иштирокчилардан, раҳбарларидан бири эди.

Дидро 1751-1780 йиллар мобайнида нашр қилинган, фан, хунар-техника, санъат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг кенг соҳасини камраб олган энциклопедиясининг асосчилардан, бош редакторлардан бири эди. Энциклопедияни нашр қилишда деярли барча маърифатпарварлар иштирок этдилар. Уларнинг назарида қомус моҳият эътибори билан черков таълимотига қажатқич зарба бериши керак эди.

Энциклопедия қирол саройи, реакционерлар ва руҳонийлар томонидан бир неча бор таъқиқ остига олинди. Аммо ўз ишининг ҳақлигига ишонган Дидро бошлиқ қомусчилар масъулиятли вазифасини охирига етказдилар. Энциклопедиянинг ҳар бир мақоласи эски тузумга феодал тартибларига зарба берар, адолатсизлик асосига қурилган истибдод дунёсини ғоявий жиҳатдан ларзага келтирар эди. Мазкур номернинг муаллифлари бўлган маърифатпарварлар табиий фанларнинг ютуқларини кўрсатиб, табиатга материалистик нуқтаи-назардан ёндашишга ундар эдилар. Аммо, буюк файласуфнинг фаолияти фақат энциклопедия билан чекланиб қолмаган.

У жуда бой фалсафий мерос қолдирди. “Табиатни тушунтириш ҳақида фикрлар”(1754), “Д” Аламбер билан Дидро суҳбати” (1769), “Д” Аламбернинг туши”(1769), “Материя ва ҳаракатнинг фалсафий принциплари”(1770) ва бошқа асарлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, у бир қанча бадиий асарлар яратган. Булар “Ўғай ўғил” (1757), “Оила бошлиғи” (1758) драмалари, “Монахия” (1760) романи, “Гамонинг жияни” (1762), “Жак Фаталист”(1773) қиссаларидир. Санъат соҳасида янгилик бўлган эстетикага оид рисоалар яратади. “Никоҳсиз ўғил ҳақида тажрибалар” (1757), “Драматик адабиёт тўғрисида” (1758), “Тасвирий санъат ҳақида тажрибалар” (1765), Париж кўргазмалари ҳақида ёзган “Салонлар”(1761-1781) каби асарлари шулар жумласидандир.

Дидро ўзининг қарашларини унча катта бўлмаган памфлет асари, “Бугенвиль саёҳатиға қўшимчалар”да ифодаланган. Капитан А.А.Бугенвиль

Ўзининг бутун дунё бўйлаб саёҳатидан қайтганидан сўнг Таити архипелагида яшовчи одамлар ҳаёти ҳақида сўзловчи ҳисоботини 1772 йилда ёзади. Бироқ, бу тадқиқот анча вақтдан сўнг яъни унинг ўлимидан кейин 1796 йилда нашрдан чиққан. Дидро Бегенвильнинг айрим тавсифлари такрорлаб, французларнинг Таитига қилган ташрифи давомидаги эпизодларини келтириб, фантастик маълумотларида Таитида ҳукмрон бўлган бахтли ижтимоий тузумни, яхши урф-одатларни, “табiiй қонунни” тасвирлаб беради ва буни ўзининг фалсафий таҳлиллари билан бойитади. Панфлетнинг бир қисми А ва Б диалоглар ўртасида олиб борилган ўзаро суҳбат тарзида ёзилган.

Бирон бир муаллиф Дидродек “инсониятнинг бахтли болалиги”, “табiiй ҳолат”, “раҳмдил ёввойи” сингари ғояларни ёрқин ва бир томонлама ифода этолмаган. Ҳеч ким ўз ғояларини кўрқмай ифода этишга этнографик маълумотларга бу даражада таянмагандир .

Инсониятнинг бахтли тарихи қонунияти , “ороллик ёввойилар” турмуш тарзи, урф-одатларини адолатсизларга танқидини ҳақиқатдан йироқда бўлган тасвирлашларини фош этишда этнографик маълумотлар фойдали мақсадда Европа мамлакатларидаги ноадолатли феодал-абсолют ижтимоий тузумни танқид қилишда хизмат қилган эди. Вазифа шундан иборат эдики, тузумнинг мажбурий эмаслигини очиқ бериш ва унинг тартибларига ушбу “табиат қонунларини” анча яқин бўлган тартибларни қарама-қарши қўйишдан иборат эди.

“Ёввойилар” турмушини бир томонлама идеаллаштириш ўша даврда анча ҳушёр муаллифлар орасида иккиланиш ва норозиликни келтириб чиқарган эди. Масалан, машҳур денгизда сузувчи, жуда кузатувчан ва инсонпарварона кайфиятда бўлган Лаперуз “ўз асарларини уйда печ олдида ўтириб ёзадилар”,- деб файласуфлар устидан кулган эди. Чунки, у 30 йил денгизларда сузиб, европалик бўлмаган халқлар аслини олганда раҳм-шафқатсизлигини, инсофли эмасликларини, айёрликларини, бир-бирлари

билан жанжалларини ўз аёлларига зулм ўтказишларини ўз кўзи билан кўрган эди.

Табиий қонунлар ва инсониятнинг бахтли ўтмиши ҳақидаги ғоялари тараққиёт қонунияти назарияси бўлиб, нисбатан муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу назария турли мутафаккирларда турлича ифодаланган эди. Бировлар (худди Монтескьедек) бу қонуниятларни турли мамлакатлар халқлари ҳаётидаги ўхшашликлар ва фарқлардаги фактлардан қидиришса, бошқалар (Фергюсон, Кондерсе каби) лар эса илгарилаб бораётган умумий йўли тараққиёт деб қайд этишади.

Энг мўътадил ва оппортунистик концепция тарақийпарвар файласуф, маърифатпарвар ва сиёсий ёзувчи Шарль Луи Монтескьенинг “Қонунлар руҳи тўғрисида” (1748) деб номланган асарига баён этилган эди. Бу асарда этнографик маълумотларга анча кам жой ажратилган эди. Конституцион монархия тарафдори, революция душмани бўлган Монтескье тарихий тараққиёт бориши ҳақида умуман сўзламай, халқлар ва давлатлар одатлари ва қонунларидаги ўхшашликлар ва фарқларга статистик режа асосида қизиққан. Уни ҳам, буни ҳам Монтескье “табиат қонунларидан” ажратиб олади, у табиатнинг асосий қонунларидан “ёввойилар” ҳақида маълумотларга таяниб фақатгина тўрттасини топади. Булар қуйидагилар эди.

1. Бошқалар билан тинч-тотув яшашга интилиш;
2. Овқат топишга интилиш;
3. Ўзаро яқинлашувга хошиш-истак;
4. Жамиятда яшашга интилиш.

Муаллиф томонидан илгари сурилган биринчи, учинчи ва тўртинчи “қонунлар” маъно жиҳатидан бир хил. “Табиат қонунларига” “ижобий” яъни тарихий пайдо бўлувчи қонунлар, улар бир-биридан фарқланади ва шундай бўлиши керак. “Бу қонунлар, қайси халқ томонидан ўрнатилган бўлса, ўша халқ хусусиятлари билан маҳкам боғланган бўлиши керак, фақат баъзи

фавқулудда ҳолатда бир халқ учун яратилган қонунлар бошқа бир халққа тўғри келади”⁶¹. Халқлар ўртасидаги “ўзига хослик”даги фарқ нималар билан боғлиқ? Монтескьенинг фикрича, энг асосийси иқлим шароитлари билан боғлиқ. Иссиқ юртлардаги одамлар совуқ мамлакатларидагидек эмас, иссиқ иқлимда хирслар тез уйғониб, тезда сўнади, ақлий қобилият етукликка тез эришади, ёшлар ўзаро кам мулоқотда бўлиб фақат ўз уйларидагидек чиқишмайди. Жуда барвақт уйланишади, шунинг учун Европа мамлакатларига нисбатан балоғат ёши ҳуқуқига тез эришишади. Туркияда балоғат ёши 15 ёш. Яна мисол: шимолий ўлкаларда аёллар табиатан гўзал, шунинг учун ҳам у ерда Шарқ мамлакатларидагидек аёллар урф-одатларида макр-ҳийла тарқалмаган. “Оролликлар эркинликни жуда севишади, - деб ёзади Монтескье, - қитъа аҳолисидан фарқли ўлароқ. Ороллар худуди одатда унча катта эмас, у ердаги аҳолининг бир қисмини иккинчи қисмига қарши қайраб бўлмайди. Катта империялардан улар денгизлар билан чегараланган, босқинчиларнинг босиб олишини денгиз тўсади ва оролликлар маълум бўлиб қолиш хавфидан чўчимайдилар, уларга ўз қонунларини сақлаб қолиш осон.

Бундан ташқари, Монтескье бошқаришнинг уч шакли (республика, монархия, деспотик тузум) ва уларга мувофиқ келадиган уч тамойил (қадр-қиммат, ор-номус, кўрқинч)ни таснифловчи баёнини келтиради. Аристотелни эсга оладиган бундай учламчи бўлиниш, эҳтимол, Монтескьенинг ўзининг сиёсий идеаллари туфайли дунёга келган. Республика Қадимги Римнинг идеаллаштирилган тасвири тарзида пайдо бўлган, деспотик тузум, эҳтимол, Франция учун идеал сифатида тушуниладиган инглизча бошқарув шаклига муносабатига қараб баҳоланади. Бироқ, агар Монтескье илмий тадқиқотга нисбатан унинг ўзи илгари сурган талабларни тўлалигича амалга оширишга улгурмаган бўлсада, лекин, барибир, у эркинлик, сиёсий реализм ва илмий ёндашувнинг кўзга кўринган тарафдори бўлган. У инглизча муассасалар ва тартиботни, улар орқали

⁶¹ Монтескье Ш. Избранные произведения. М., 1955.-С.166.

эркинликни ҳимоя қилган. Монтескье Англияда суд, ижро ва қонун чиқарувчи муассасалар ўртасидаги ҳокимият ажратиб қўйилган, деб фараз қилади. Кейинчалик ажратиб қўйиш тамойили сиёсий ғоялар тарихида фавқулодда роль ўйнаган ва XVIIIаср охирида АҚШ мустақиллиги Декларациясида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги Франция Декларациясида мужассам бўлган.

Ҳокимиятларнинг ажратиб қўйилиши тамойили антик ғоядир. Биз уни Платоннинг қонунларида ва Аристотельнинг “Сиёсат” асарида учратамиз. У муайян маънода ўрта асрлардаги империяларда амалга оширилган. Бундай тамойил Локк таълимотида ҳам мавжуд. Бироқ, айти шу Монтескье юрист сифатида ҳокимиятларнинг уч тармоққа бўлиниши ҳақидаги тезисни ишлаб чиққан ва асосий диққат –эътиборни ҳуқуқий назорат тизими ва ҳокимият турли тармоқларининг оқилона баланси зарурлигига қаратган. Ҳокимиятнинг ажратиб қўйилиши тамойили суд, ижро ва қонун чиқарувчилик ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим .

Мари Вольтер (1694-1778) XVIII аср маърифатчилик ҳаракатининг барча кўринишларини ўз ижодида жамлай олди. Бу ҳаракат адабий-сиёсий, фалсафий-тарихий, ижтимоий-маданий ғоялар курашидан иборат эди. Вольтер шоир ва драматург, файласуф ва тарихчи, публицист ва курашчидир. Француз маърифатпарварларининг синалган доҳийси Вольтер қарийб 60 йил давомида Европа устида гулдираб жар солди. Унинг зиёбахш қалами, яшиндай ўткир фикри замондошларини ҳайратга солар, ҳукмрон синф вакиллари юрагига ғулғула ташларди. Вольтер феодализм зулми, дини ва черковининг мурасасиз душмани эди. “Лаънати янчиб ташланг!” деган шиор ёзувчининг диний хурофотларига нисбатан нафрати ифодаси бўлиб қолди. Вольтер Парижда амалдор оиласида дунёга келади. Ёшлигиданок адабий қобилияти, ўткир зеҳни билан кўпчиликнинг диққатини ўзига тортади. Табақавий тенгсизлик ҳукм сураётган шароитда кишининг ақл-идроки, таланти эмас, балки унинг насл-насаби қадрланади. Вольтер ана шу

тоифадаги амалдорлардан бири де Рогатга ёкмагани учун калтакланади ва Бастилия қамоқхонасига ташланади. Бастилия тутқунлигидан сўнг, Англияда 3 йил яшайди. У ердан олган таассуротларини “Англия ҳақидаги хатлар”да баён қилади. Ҳукмрон доиралар назаридан узокроқ туриш мақсадида, шоир ўзининг таниш аёли дю Шатле хоним қароргоҳида яшаб, адабий фаолиятини давом эттиради.

1750 йили Вольтер Пруссия қироли Фридрих II нинг таклифи билан Германияга келади. У қирол саройидан маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилиш мақсадида фойдаланмоқчи эди. Лекин тезда Вольтер Фридрих II у ўйлаган одам эмас, балки ўта золим эканлигини кўради. Шу сабабли Швейцария билан Франция чегарасидаги Феркейга жўнайди ва умрининг охирига қадар шу ерда яшаб ижод этади. Феркей Вольтер номи билан бутун Европага машхур эди. “Ферке патриархи”ни зиёрат қилиш учун бу ерга шоирлар, ёзувчилар, файласуфлар, жамоат арбоблари, Вольтер ижодининг кўплаб ихлосмандлари келиб турадилар. Вольтер 1778 йили 84 ёшида яна юрти Парижда вафот этади.

Таниқли француз файласуфи Вольтер қарашлари анча тарихийлик билан суғорилган эди. Унинг қарашлари, айниқса, “Миллат руҳи ва ҳулқи ҳақида тажрибалар” номли асариде кенг ёритилган. Бу асарни у 30 йил (1747-1778йй.) давомида ёзган. Асарнинг мазмуни қадим замонлардан инсоният тараққиёти тарихига бағишланган. Вольтер нафақат бошқалар қилганидек, Шарқ ва Европа халқлари қадимги баёнини қолдириш билан чекланмай, балки, ибтидоий одамлар ҳаётининг бошланғич кўриниши, маданиятнинг биринчи қадамлари ва турли хил қоқоқ халқларнинг удум ва эътиқодида ўхшашлик борлиги ҳақида айтиб ўтган. У асарнинг асосий бобини “ёввойиларга” бағишлаган. Француз деҳқонларини ҳақиқий “ёввойилар” деб ҳисоблаган. Қайсики бу ёввойилар феодал зулмига чидаган, даромаднинг ярмини нима сабабдан феодалга беришаётганини билишмаган, ҳаттоки, Булар қарама-қарши, ўлароқ Канада, Африка ва Европадан ташқаридаги мамлакатлар халқлари анча юқори туришади: улар

озод, кеккайган, ўз ор-номусини ҳимоя қилади. Вольтер Руссонинг ибтидоий одамларни ҳеч қандай жамоавий алоқаларни билмайдиган, ёлғиз ўрмон ўғрилари деб, берган баҳосига қўшилмайди. Вольтер одам жамият “ҳайвон” ва у жамиятда ҳамма вақт яшаган. Кейинчалик Вольтер ўз асарининг алоҳида бобларини Америка ҳиндуларига, Шарқ “теократиясига “кейинчалик эса халдейларга, бобилликларга, сурияликларга бағишланган эди. Вольтер учун инсоният тарихи бу –маданият ва онгнинг ўсиши тарихидир. Бу тарихнинг бошланғич босқичларини у этнографик маълумотлар асосида тиклаган. Бироқ, тараққиётнинг илк босқичи вакилларини камситмасдан балки, уларни Дидро каби бўлмасада идеаллаштириш эди.

Иқтисодчи-физиократ, давлат арбоби сифатида танилган Вольтернинг замондоши – Анн Робер Тюрго (1727-1781) ҳам инсониятнинг юксалиши ҳақидаги қарашлари Вольтерга анча ўхшаган эди. Тюрго ўзининг тугалланмаган “Умумбашар тарихи таҳлили ҳақида”ги қўлёзмасида моддий, ижтимоий ва ақлий ривожланиш манзарасини этнографик материаллардан олинган суратлар асосида чиза олган эди. Бунда Америка ҳиндулари ҳақида, Осиё давлатлари ҳақида Европанинг қадимги халқлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, ёввойи овчилар, қуролланган ва чорваси кўп бой халқлар ҳақида, тинч яшовчи ер эгалари, шаҳар ва давлатлар ҳақида, уларнинг урф-одатлари ва оилавий турмуш тарзи, яъни моногамия ва полигамия, аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳақида, урушлар ва деспотизм ҳақида, бойлар ва камбағаллар ҳақида, билим ва санъатнинг ривожланиши ҳақида ёзган эди. Шуниси қизиқки, Тюрго ушбу тарихий очеркида тарихий жараённинг этник жиҳатларини белгилаб берган: “халқларнинг қўшилиши” ҳақида, тилларнинг миграция ва босиб олиниш натижасида, ёйилиши ҳақида, “миллатлар” орасидаги мулоқотларнинг шакллари кўринишлари ва урф-одатларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги масалалар эди.

Француз маърифатпарварларидан Жан Антуан Кондерсе (1743-1794) ҳам бутун дунё тарихий ривожининг концепциясини илгари суриб, юксалтиради. Унинг “Инсоният руҳияти ривожининг тарихий манзараси” ҳақидаги

очеркида (1794) у инсоният ақлий ўсиш сураатлари ҳақида умумий таҳлиллар олиб бориб, бу ривожланиш босқичларини 10 та даврга бўлади: Муаллиф бу даврларнинг бир нечасини қиёсий - этнографик услуб ёрдамида ва саёҳатчиларнинг қолоқ халқлар ҳақидаги хабарлари асосида тиклайди.

Ўша даврнинг инглиз материалисти Адам Фергюссоннинг (1723-1816) тарихий оқибатлар ҳақидаги қарашлари бошқалардан фарқ қилган. Унга маълум бўлган этнографик маълумотлар асосида у бутун дунё тарихий ривожланишнинг жадвалини тузади. Ҳозирги даврда бу жадвал ўзининг оммавийлиги ва аниқлиги билан ҳаммани лол қолдириб келяпти. Фергюссоннинг қарашлари “Фуқаролик жамияти тарихи тажрибалари (1768 й.) асарида ёритилган. Бу асарнинг энг қизиқ иккинчи боби “Маълумотсиз миллатларнинг тарихи ҳақида” деб номланганидир. Замонавий миллатлар ачинарли ҳолатдан тараққий этиб ўзларида унинг изларини сақлаб қолганлар “деб,- ёзади Фергюссон.

Қадимги греклар, римликлар, галлар, германлар қачонлардир кўчманчи бўлишган, деҳқончиликни билишмаган, ҳайвон териларидан кийимлар кийишган, худди ҳозирги Шимолий Америка қабилаларига ўхшаб. Бутун инсоният ва элатлар тарихи бошланиши мана шундай кўринишга эга бўлган. Шунинг учун ҳозирги Америка қабилаларининг, араблар ва бошқаларнинг бизга маълум бўлган саёҳатчилар тавсифига кўра, “биз ўз аждодларимизнинг кўринишларини ойнада кўргандек бўламиз ва шунга асосан уларнинг яшаш шароити” ҳақида муҳокама қила оламиз. Бу фикрлар XVIII аср учун тўғри ва шаклланган фикрлар эди. Кейинчалик бу фикрларни XIX асрда Россияда Чернишевский, Германияда Маркс ва Энгельс Америкада эса Морганлар тараққий эттирадилар.

Фергюссон Америкада, Шимолий Осиёда, Африкада ва бошқа мамлакатлардаги миллатларни “қайсиқим биз варвар ёки ёввойилар” деб атаймиз. Лекин улар орасида маълум фарқлар бор, бирлари- овчи, балиқчи хусусий мулкни билмаганлар, деярли ҳокимиятга эга бўлмаганлар,

бошқалари эса чорвадор, улар орасида бой ва камбағаллар, хизматкор ва хўжайинлар бўлган.

“Ёввойилик” ва “варварлик” ҳақидаги икки босқич тараққиёти ҳақидаги ғоялар ўта муҳимдир. Фергюссон биринчи бўлиб бу икки босқични фарқлашни таклиф этган. Кейинчалик Морганнинг шарофати билан бу атамалар фанга киритилди. Унча яхши танланмаган бўлса ҳам, ҳозирга қадар қўлланилмоқда. Бу бўлинишни қандай белгиларга қараб амалга оширгани муҳим. Бу белгиларни у иккига ажратади: Хўжалик типи (“ёввойилар”да овчилик, “варварлар”да чорвачилик) ва хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши. Бу иккала белгилар ҳам фавқулодда муҳим эди. Айниқса, иккинчиси: этнография фани ҳозир ҳам ҳаракат қилмоқда. Бироқ ишлаб чиқариш кучлари ва хусусий мулкчилик шакллари тараққиёти бўйича инсоният жамияти тарихини объектив даврлаштирилишига ҳали тўлиқ эришилмаган. Шу бобнинг ўзида Фергюссон ёввойилар ҳолатини етарлича тўлиқ таърифлашга ҳаракат қилади. Хусусан, бу даврнинг ҳар бирига тааллуқли бўлган “Ёввойиликдан” “варварликка” ўтиш жараёнини урф-одатлари, ахлоқий тушунчаларини изоҳлаб беради. Ёввойилик ҳолатининг намунаси учун ирокезларни, варварларни учун эса отгентотларни танлаб олган эди. Фергюссон хизматларидан яна бири хўжалик тараққиёти жараёни ҳамма жойда бир хил кечмаганлигини аниқлаши эди: Европада, Америкада деҳқончилик хўжалигига Шимолий ва Марказий Осиёнинг қурғоқ чўлларида эса чорвачиликка ўтиш рўй берган эди. Бу бобнинг ниҳоясида Фергюссон варварликдан цивилизацияга ўтиш ҳолатларини кўрсатиб ўтган: хусусий мулкчиликнинг ўрнатилиши ва қонуний мустаҳкамланиши тартибига тавсиф берган эди.

Шундай қилиб, биринчидан Адам Фергюссо тўла ёрқин қарашларини, инсоният тараққиёти илк босқичи мисолида кўриниши замонавий қолоқ халқларнинг намунасини узоқ ўтмишда аجدодларимиз босиб ўтган босқичларини, иккинчидан унинг инсоният тараққиёти тарихи бирлигини ёрқин тушунганлигини ҳам кўрамиз, учинчидан Фергюссон ҳозиргача

қўлланилиб келинаётган бутун дунё тарихий тараққиётнинг босқичларини учга бўлиб, уларни қуйидагича номлади: ёввойилик, варварлик ва цивилизация. Тўртинчидан, ниҳоят шуниси муҳимки, тарихни даврлаштиришнинг умумий асосида икки материаллик кўринишини: хўжалик фаолияти шакли ва мулкчиликнинг тараққиёти шакли эди. Қонуний мустақамланиши ва унинг қўлланиши режими охирида таърифлаб ўтилган.

Шундай қилиб биринчидан инсоният тараққиётининг бошланғич босқичларида замонавий қоқоқ халқларнинг намунасини узоқ ўтмишда аждодларимиз босиб ўтган босқичларини Адам Фергюссоннинг қарашларида аниқ кўрамиз, иккинчидан инсоният тараққиёти тарихи бирлигини аниқ тушунганлаиғини ҳам кўрамиз, учинчидан Фергюссон ҳозиргача қўлланиб келинаётган бутун дунё тарихий тараққиётнинг босқичларини учга бўлиб уларга ном берди. Яъни булар: ёввойилик, варварлик ва цивилизация.

Тўртинчидан, ниҳоят шуниси муҳимки, тарихнинг умимий олдинга боришининг асоси қилиб Фергюссон иккита материалистик белгиларни асос қилиб олди. Булар: хўжалик ишлари формалари, ёввойилик – овчилик хўжалиги шахсий мулкчиликнинг бўлмаганлиги, варварлик эса – чорвачилик хўжалиги ва қонун билан мустақамланмаган шахсий мулкчиликнинг пайдо бўлиши. Цивилизация – ер эгалиги хўжалиги, шахсий мулк ҳукмронлиги.

Этнографик маълумотлар асосида қурилган ушбу бутун жаҳон тарихий схема тарих фани муҳим хазинаси эди. Бугунги кунда ҳам ўзининг асосий аҳамиятини сақлаб қола олди. Этнографик материаллар билими буржуазия сиёсий экономикаси классиги Адам Смитнинг меҳнатларида намоён бўлган. Унинг “Табиат ва халқ бойликлари сабаблари ҳақидаги кузатувлари” (1776) китобида инсониятнинг хўжалик тараққиётининг уч босқичи ҳақида қисқа эслатиб ўтилган, булар замонавий халқлар томонидан тақдим этилган. Булар овчи халқлар, улар “жамият тараққиётининг энг пастки поғонасида жойлашган” (масалан, Шимолий Америка индейцлари, бир оз юқори поғонада)... халқлар (татарлар, араблар) ва ниҳоят ерга эгалик қилувчи халқлар булар жамият тараққиётининг янада юқори поғонасида турган.

Немис файласуфи,ёзувчи,тарихчи ва публицисти Христофор Мейнерс 1747-1810 йилларда яшаб ўтган. Унинг “Инсоният тарихи умумий очерклари” асари этнографик материаллар билан тўлиб тошган эди. Роберт Лоуи ўзининг “Этнология назарияси тарихи” асарида Мейнерсни этнография фани асосчиси деб аташга ҳаракат қилган эди. Бироқ, Мейнерс асарида фойдаланган этнографик маълумотларни сира тушунмаган эди. Унинг инсоният тарихий тараққиёти умумий манзарасини очиб беришда канақадир тизим яратиш йўлидаги уринишлари чалқаш-чулқаш, яъни чигил муваффақиятсиз бўлган.

Мейнерс одамзоднинг барчасини ягона “уруғ” ёки “тур” деб ҳисоблайди, бироқ уларни “хар хиллигига қараб” икки ирққа ажратади: “кавказ” ва “мўғул” ирқларига ирқларни чегаралашнинг бош белгиси - тананинг бўйи, иккинчи белгиси –тана кучи, тананинг чиройлилиги ёки бадбашаралиги ҳам муҳим, терининг рангини эса асосий бўлмаган белги деб айтади. Бу икки асосий ирқдан - Кавказ ирқини у анча чиройли (гўзаллик-яхши об-ҳаводан) ва бундан ташқари ақлий етукликда деб ҳисоблайди. Муғул “қабила”лари унча чиройли эмас ва маънавий кучсиз, бироқ улар орасида фарқ мавжуд, деб муаллиф таъкидлайди. Энг ахмоғи деб америкалик ҳиндуларни ҳисоблайди. Кавказ халқлари ҳам зоти айниб туғилишлари мумкин, бироқ ўзларининг аслзодалиқ хусусиятларини асраб қолганлар. Барча бемаъни гаплар халқларнинг этник ўзаро муносабатлари ҳақидаги тугуриқсиз тушунчалари билан тўлдирилган эди. Масалан, мўғуллардан халха-мўғуллар (манчжурлар билан бирга) ва қалмиқлар бўлиниб чиққан. Мейнерс японлар, хитойлар, корейслар, тибетликлар Ҳиндистоннинг қуйи касталарини келтириб чиқаради; Тунгуслардан коряклар, чукчалар, камчадаллар, алеутлар, эскимосларни келтириб чиқарган. У инсоният тарихини ёввойилиқ, варварлик ва цивилизация босқичларига бўлишни қабул қилади, бироқ шу билан бирга бу бўлишни нотўғри ёки ноаниқ деб тан олган эди. Фактик материалларга ниҳоятда бой бўлган асарида этнографик маълумотлар қуйидаги тартибда баён қилинган эди: таомлар,

ичимликлар, турар жой, кийим-кечак ва тақинчоқлар, аёллар аҳволи, тарбия, ўйинлар, “қадимий урф-одатлар”, бошқариш шакллари, “қонунлар ҳақида”, ҳарбий ҳуқуқ тўғрисида ва ҳоказолар.

Европа мамлакатларида халқ оммаси бадиий ижодиётига бўлган қизиқиш кўпгина сабаблар билан боғлиқ эди. Умумий сабаб Европада антифеодал революцион ҳаракатларни тайёрлаган ва олиб борган ақлий тўнтариш эди. Ўрта аср феодал аристократияси мутлақо деҳқонлар ва шаҳар қўйи табақаларининг на турмуши, на маънавий ҳаёти билан қизиқмас эди. Аристократия оддий одамларга онда-сондагина одам сифати фақат “юқоридан” туриб назар ташлар эди. Деҳқонларнинг антифеодал кўзғолонлари ҳарбий куч ишлатиб бостирилди ва улар юқори табақа нафрат-ғазабига дучор бўлар эдилар. Бироқ, “учинчи табақа”нинг ғоявий раҳбарлари шаҳар буржуазияси аристократияга қарши курашда ўзларининг вақтинчалик иттифоқчиларига совуққонлик, эътиборсизлик билан қарай олмас эдилар. Худди шу ерда халқ турмуши, маданиятига қизиқиш пайдо бўлиши учун замин яратилган эди.

Денгиз ортида “сахий ёввойи”лар ерларининг кашф этилиши, “табиат болалари”-тайтиликлар ва ирокезлар турмуш шароитларининг идеаллаштирилиши, қўл урилмаган ва бузилмаган цивилизацияларни европалик қўйи синфлар аҳолиси турмушига ўхшатишга етаклар эди. Ҳеч ким Гердерга ўхшаб тўғридан-тўғри денгиз орти мустамлакаларидаги халқларнинг ўзига хос маданиятини ва Европа давлатлари аҳолиси “халқ руҳи”нинг ўзига хослигини солиштириб, бир жойга қўймаган эди. Европалик бўлмаган “ёввойиларга” қизиқишнинг туғилиши европалик деҳқонларга ҳам юқади. Франция, Англия, Италиялик “оддий одамлар” қанақадир маънавий бойликлар яратувчилари эканлиги маълум бўлиб қолади.

Ҳаммадан илгари бу қизиқиш халқ поэзияси ёдгорликларини нашр қилишда намоён бўлади. Аввал бошда буларнинг ҳақиқий халқ ижоди эканлигини тушунмас эдилар.

1697 йилда Францияда сеҳрли эртақлар тўплами нашрдан чиқади. Бу “Эски замоннинг тарихи ва эртақлари” деб номланган эди. Асарнинг тузувчи ва нашрга тайёрловчиси Француз академиясининг аъзоси, ёзувчи ва адабиёт тарихчиси Шарль Перро эди. У ўзининг икки укаси Пьер ва Клодлар билан бирга аристократлар классисизмига қарши, антик даврга сажда қилишга қарши кураш олиб борган. Перро оддий халқ эртақлари йиғишда донг таратган шахс эди. У бу эртақларни ўзининг 10 яшар ўғли номидан баён этган эди. Шунинг учун ҳам Перро тўпламидаги “Қизил қалпоқча”, “Этик кийган мушук”, “Золушка” ва бошқалар фақат халқ тилидан ҳикоя қилибгина қолмасдан, балки маълум даражада қайта ишланган ва аристократларга хос руҳда ишлов берилган эди. “Перро эртақлари” Европа фольклори тарихида ҳалигача маълум ўрин эгаллайди ва улар худди шундай асарлар яратилишига кенг йўл очиб берган эди. Ҳақиқатан ҳам, жуда тез фурсатда, 1704-1717 йилларда Парижда араб халқ эртақлари - “Минг бир кеча” дунё юзини кўради. Ушбу эртақларни шарқшунос олим ва саёҳатчи Антуан Галлан араб тилидан таржима қилади. Натижада Европа китобхони биринчи марта Шарқ халқларининг бой эртақлар ижодиёти билан яқиндан танишади. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, бутун XVIII аср Европа ва бошқа халқлар фольклорига онда-сондагина, яъни юзаки, фақат ҳаваскорларга хос қизиқиш намоён бўлган ва бирон бир илмий йўналишига эга бўлмаган эди.

Бу иш келажакдагина қилинадиган фаолият бўлиб қолаверади. Фақат XIX асрдагина, яъни Европада миллий ҳаракатларнинг кенг ёйилиши асрида халқ қадимий эртақларини ўрганиш европаликлар ақлий фаолиятида ўзининг фахрий ўрнини эгаллайди.

Француз революциясидан олдинги йилларда бу соҳада содир бўлган йирик воқеалардан бири Англияда яратилган “Оссиан поэмалари” асарини айтиш жоиз. Бу асар жуда кўп маърифатли, илмли кишилар қарашларига ўз таъсирини кўрсатган эди. Поэманинг муаллифи шоир Жеймс Макферсон эди. 1760 йилда бу поэмаларнинг биринчи нашри босилиб чиққан. У “Шотландия тоғларида тўпланган ва гэль тилидан таржима қилинган қадимги поэзиядан

парчалар” деб номланади. 1765 йилда эса Жеймс Макферсон поэмаларнинг анча тўлиқ матнини нашр қилган эди. Поэмалар бошқа тилларда таржима қилиниб, анча кенг ёйилади. Гарчи “Оссиан” тўқима фигура сифатида Макферсоннинг ижодидан асосий ўрин олган бўлсада, бу ҳол катта ижобий аҳамият касб этган. Бу асар халқ осори-атиқаларига ва халқ ижодиётига қизиқишни кучайтирган эди, турли мамлакатларда қадимий балладалар, қўшиқлар, афсоналар тўпламлари вужудга келади. Бироқ, бу ишлар кейинги даврларда содир бўлган эди.

3.2. XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ДУНЁ ХАЛҚЛАРИГА ҚИЗИҚИШНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

Буюк француз инқилобининг гулдурос воқеалари ва унинг давомидан Наполеон томонидан олиб борилган истилочилик жанглари бутун Европа худудида жамиятда янги йўналишдаги ижтимоий фикрларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Бу фикрлар этнографик билимлар ва ғояларда ҳам акс эта бошлади. Бу воқеаларнинг оқибати жуда ҳам мураккаб эди. Монархиянинг қайта тикланиши ҳамда Францияда ва баъзи бошқа мамлакатларда ҳокимият тепасига вақтинчалик аристократиянинг келиши жамиятда диний ва реакцион аристократик ғояларнинг олдингидан ҳам баландроқ овозда тарқалишига сабаб бўлди. Марказий Европанинг герман тилли мамлакатларида 1805-1813-йилларда Наполеонга қарши ҳаракатлари жуда кенг ёйилди. Бунинг оқибатида эса миллий ва миллатчилик ғоялари шаклланиши ва кескинлашуви содир бўлди. Славян ўлкаларида эса “миллатчилик” шаклини олмаган миллий ҳис –туйғулар юксалди⁶².

Марказий Европадаги Герман давлатлари маънавий ҳаётида янги оқимлар кўзга ташланди. Булар этнографик ғоялар тараққиётида жуда аниқ намоён бўлди. Бунинг натижаси сифатида немис халқининг қадимий удумлари, урф –одатлари, эртаклари, лапар ва кўшиқларига қизиқиш кучайди. Бу қизиқиш ёрқин романтик рангларда товланди ва беҳудасига XIX асрнинг биринчи 30 йиллиги “романтизм даври” ва аввало немис романтизми деб номланди.

Бу ижтимоий –сиёсий кайфиятнинг асосини машҳур немис файласуфи Фихте “Немис миллатига нутқлар”и да (1807-1808) тўппа-тўғри билдирган эди. Хусусан, Наполеон томонидан оккупация қилинган Пруссияга учун қийин бўлган бу йилларда Фихтенинг ватанпарварлик чақириқлари немис зиёлилари орасида кенг акс –садо беради. Фихтенинг фикрича барча барча немис миллати мансуб халқлар ижтимоий келиб

⁶² Токарев С.А.. Истоки этнографической науки. –Москва: 1978.-С.135.

чикишидан қатъий назар бирлашиши ва битта немис давлатига мансуб эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Фихте немис халқининг барча табақаларини, ҳаммадан аввал немис зиёлиларини ёшларнинг тарбиясига эътибор беришга чақиради. Хусусан, ёшларнинг сўзсиз давлатга ва миллат кизиқишларига бўйсуниларини таъкидлайди. Бу борада “ фақат немис ўз миллатини ҳақиқий ва оқилона севиш қобилиятига эга”деб айтади.

Бу йилларда худди шундай миллатчилик чақириқлари билан теолог ва файласуф Шлейермахер ҳам халққа мурожаат қилади, у шундай дейди: “Германия ҳали мавжуд: у ўзининг миссиясини бажариши учун маънавий кучи камаймаган”.

1810 йилда немис ёзувчиси ва жамоат арбоби Фридрих Людвиг Яннинг “ Немис халқи” деган китоби чиқади. Бу асарда муаллиф ўзининг немис ватанига завққа тўла романтик муҳаббатини изҳор этади ва ишонадики, қачон Германия ўзининг қудратли, ҳали фойдаланмаган кучларини ишга солса, Европада абадий, мангу тинчлик яратувчиси, инсониятнинг бало-қазолардан сақловчи фариштасига айланади. Бу ватанпарварлик чақириқлари ўша даврда ижобий сиёсий оқибатларга олиб келмаган (чунки Германиянинг бирлашишига ҳали узоқ вақт бор эди), бироқ немис миллати ўзининг она ватанига, халқ анъаналарига, удумларига, халқ ижодиётига ватанпарварлик ғоялари, шаклланиши учун асос бўлган эди. Балки, шунинг учун бўлса керак, ўша йилларда халқи оғзаки ва ёзишмаларининг илк тўпламлари пайдо бўла бошлайди.

1806-1808 йилларда немис зиёлилари орасида кенг ўрин олган қадимги немис халқи қўшиқлари тўплами босмадан чиқди. Бу тўплам уч жилддан иборат бўлиб, “Болакайнинг сеҳрли шоҳи” деб номланди. Тўпламнинг тўпловчи ва нашрга тайёрловчилари шоирлар Людвиг Ахим фон Арним ва Клеменс Брентано эдилар. Улар халқ қўшиқларининг айнан ўзини эмас, балки қўшиқларга эркин бадиий ишлов берган эдилар. Кўпчилик қўшиқлар манбаи ҳам кўрсатилган эди. Манба сифатида муаллифлар XVI-XVIII асрлардаги эски кўлёмалардан фойдаланганлар. Улар немис миллатига

йўқолиб бораётган шахсий кўшиқларини ҳадя этиб, ўтмиш поэтикасидан янги тирик поэзияни яратмоқчи эдилар. Тўпламнинг иловасида Арним биринчи мартаба “Халқшунослик” сўзини ишлатган эди⁶³.

1812 ва 1814 йилларда машҳур икки томлик ака-ука Якоб ва Вильгельм Гриммларнинг “Болалар ва хонадонлар эртаклари” китоби чиқади. Ака-ука Гриммлар бу эртакларни Гессен, Кассел, Ханау ва бошқа немис ўлкаларида яшовчи кекса кишилар тилидан ёзиб олишган. Гриммлар томонидан 200 дан ортиқ эртак матнлари чоп этилган. Китоб сўз бошида тўпловчилар халқ эртагини ёзиб олиш қоидаларига ўз қарашларини билдирганла ва эртакка қадимги халқ поэзияси қолдиғи деб қарайдилар. Шунинг учун улар биринчи галда турли халқлар эртак мотивларининг келиб чиқиш ва ўхшашлик томонларини ўрганишади. Бундан ташқари ака-ука Гриммлар Африка, Америка, Тибет ва Фин эртаклари билан немис эртакларини солиштириб кўришади. Ҳайвонлар тўғрисидаги эртакларни улар ўзига хос маҳсус немис халқ эртаги деб ҳисоблашади, немис эртакларида ҳайвонларнинг кўшинлари, подшоҳлари бўлганини, худди одамлардек яшашларини айтадилар. Бошқа халқлар эртакларида эса ҳайвонлар одамлар билан фақат у ёки бу хилдаги алоқада бўладилар, холис деб фикр юритадилар. Ака-ука Гриммлар бу ўзига хосликни шундай изоҳлашади: немислар чўпонлар ва овчиларнинг тинчликсевар халқи бўлган ва фақат худди шундай ҳалигача ҳайвонлар ҳаётини тинч ва узоқ давр кузатишга ва уларда инсонга хос тартибларни кўриш мумкинлигини тушунтирдилар. Ака-ука Гриммлар 1815 йилда қадимги исланд эпоси “Эдду”ни немис тилига таржима қилиб, изоҳларини ҳам берадилар.

Бошқа муаллифлар сингари немис шоири ва драматурги Людвиг Уланд (1787-1862) ҳам қадимги халқ эпосига катта қизиқишини билдиради. У 1830-1836 йилларда қадимги герман мифологияси, герман “саглари”, ўрта асрлар

⁶³ Токарев С.А. Истоки этнографической науки. –Москва: 1978.-С.137.

адабиёти ҳақидаги бир неча тадқиқотларини университет талабалари учун чоп эттиради.

Бу даврда ўз халқининг келиб чиқиш тарихига, унинг маданиятига қизиқишнинг уйғониши славян мамлакатларини ҳам қамраб олди. Ҳар бир халқнинг миллий маданий ҳиссиётининг уйғонишига Гердернинг ғоялари катта таъсир ўтказган эди. Ҳаммадан илгари бу ғоялар чехларга юққан эди. Чехлар орасида “славяншунослик патриархи”, аббат Йосиф Добровский (1753-1829) биринчилардан бўлиб чех тили ва бошқа славян тилларини мукамал ўрганди ва бу тилларнинг классификациясига ҳам биринчи бўлиб асос солган эди. Аббат Йосиф Добровский “Славин” 1806, “Слованка” (1814) журнал алманахларни чоп эттирди, унда халқ оғзаки ижодиётига кенг ўрин ажратилди.

Добровскийнинг ўқувчилари ва ишини давом эттирувчилари Юнгман, Челаковский, Ганка, Шафарик ва бошқалар устозлари ишини давом эттиришди. Улар чех миллатининг ватанпарварлик туйғуларини уйғотишга қаратилган ишларни амалга оширишди, яъни, она тилининг шаклланиш тарихини, халқ қўшиқларини, мақолларини, маталларини тўплашди ва чоп эттиришди. 1837 йилда профессор Павел Шафарикнинг томонидан “Славянларнинг қадимий ўтмиши” мақоласи нашрдан чиқади. Бунда Шафарик биринчилардан бўлиб Европадаги славянларнинг автохтонлигини исботлашга ҳаракат қилди. 1842 йилда эса у “Славян халқшунослиги” китобини чоп эттиради.

Словаклар ҳам бу миллий-маданий ҳаракатда фаол қатнашишди. Словак ғоявий доҳийларидан бири Ян Коллар чехлар билан яқинлашиб борди, бошқалари эса (Штур, Гурбан) эса словакларнинг тил ва маданий жиҳатдан мустақиллигига урғу беришди. Серб-лужичанлари орасидан эса ўзларининг ватанпарварлари шаклланди. Булардан Ян Арнош, Смоляр, немис Хуастон билан биргаликда 1841-1843 йилларида серб Лужиц миллий қўшиқлардан иборат тўпламни чоп эттирди.

Полякларда эса бу миллий уйғониш ҳаракати демократик шакллари камроқ ва кучсизроқ эди. Варшавада 1800 йилда тузилган “Илм-фан дўстлари жамияти” томонидан христианлик маданиятини ўрганиш учун кўпгина ишлар амалга оширилди. Поляк халқининг осори-атиқаларига оид халқ ижодиётини йиғиш билан шуғулланган Окар Кольберг (1814-1890) энг йирик олим эди. Бироқ, у ўзининг бутун меҳнатини, “Луд” (“халқ”) деб аталган асарини 1857 йилда чоп эттиришга сарфлайди. Бу асар 39 томдан иборат бўлиб, унда Польшанинг барча туман ва вилоятлари қамраб олинган эди.

Словенларда миллий осори-атиқаларга қизиқиш асосан бадий филологик шаклдаги йўналишдан иборат эди. Албатта, бу ҳолат этнография учун кам маълумотлар берар эди. Серб миллатининг маданий ва миллий уйғониши турк султонлигига қарши олиб борилган миллий озодлик курашлари билан юзага келди ва шаклланди (биринчи қўзғолон 1804, иккинчиси эса 1815 йил бўлиб ўтган). Бу йилларда серб халқининг таракқийпарвари ва серб адабиёти намоёндаси Вук Караджич “Серб фольклорлар тўплами” “Песнарица”ни (1814-1815 йй.) чоп эттирди.

Славян халқларининг маданий уйғонишига “Матица” деб аталган нашр-маориф жамоат ташкилоти ўз ҳиссасини қўшди. Шунақа жамоат ташкилотларидан биринчиси “Серб матицаси” 1826 йилда Пешт шаҳрида (ҳозирги Будапешт) ташкил топди. 1832 йилда эса Прагада “Чехлар матица”си, 1842 йилда Загребда “Иллийлар матицаси” (иллирийлар деб ўша даврда жанубий славянларни атаганлар), 1845 йилда Бауцен шаҳрида “Лужиц Серб матица”си, 1848 йилда Львовда “Галиц рус матица”си, 1852 йилда Брно шаҳрида “Моравийлар матица”си, 1862 йилда Задрада “Далматин матица”си, 1867 йил Прагада “Лиду матица”си ташкил қилинди. Барча “матица”лар халқ орасида маърифий ва илмий адабиётларни, шунингдек, этнографик ва фольклор нашрларининг ёйилишига бениҳоя катта ҳиссасини қўшган эди.

Турли славян мамлакатлари ватанпарварлари маърифий ва илмий фаолияти характерли жиҳати шундаки, улар ўзаро ғоялар ва тажрибалари билан алмашар ва доимий ҳамроҳликда ишлашар эдилар. Улар ғоялари ва

тажрибалари билан ўзаро ўртоқлашар эдилар. Маданий кучларнинг ўзаро мулоқоти славян мамлакатларида ўша даврда “славян ўзаро бирлиги” деб аталган эди.

Европанинг бошқа мамлакатлари ҳам ўзларининг халқ ижодиётига кизиқишларини асло сўндирганлари йўқ. 1804 йилда Францияда “Кельт академия”сига асос солинди, кейинчалик “кельт академияси” “Франциянинг қадимий жамияти” номи билан ўзгартиради. 1807 йилда академия Франциянинг ҳар хил районларига маҳаллий аҳолининг қадимий матн ва кўлёмаларини ёзиб бориш учун ўз ходимларини жўнатди. Ҳар бир академия тингловчисига шундай топшириқ берилди: “Вилоятингизда сақланиб қолинган халқ ўйинларини, ҳамда кўшиқлари ва куйларини ёзиб олинг. Бу кўшиқларнинг характерли жиҳатини ҳам яъни, қувноқ ва мунгли кўшиқчилигини ҳам ёзинг. Рақслар ва мусиқа асбоблари ҳақида ёзинг. Энг қадимий кўшиқлар сақланиб қолинганми? Шунини аниқланг⁶⁴.

1837 йилда ўрта аср поэмаси “Роланд ҳақида кўшиқ” биринчи марта тўлиқ матни босиб чиқарилди. 1839 йилда эса Бретон халқлари кўшиқлари (Бретон ва француз тилларида изоҳлари ва иловалари билан) тўплами чоп этилади. Бу кўшиқлар тарихий сюжетлар қироллар ва герцоглар тилга олинади ва замонавий воқеалар акс эттирилади. Бундан ташқари бу тўпламларда лирик кўшиқлар, муҳаббат ҳақида, кулгили, ҳазил кўшиқларга ҳам жой ажратилган. Юқорида тилга олинган поэмалардаги тарихий аниқликни ва ҳар хил давр руҳиятини Филипп Август давридан бошлаб муаллиф кенг омма ҳукмига ҳавола этади.

Франциянинг жанубидаги Прованс ўлкасида илк ўрта асрлар даврининг маданий анъаналари уйғониши кўриниши пайдо бўлади. Чунки Прованс бутун Ғарбий Европада йирик маданият ўчоғи эди. Хусусан, бошқа давлатларнинг шоирлари ва кўшиқчилари учун провансал мусиқачилари поэзияси намуна эди. XIII асрдан бошлаб француз тили давлат тилига айлана

⁶⁴ Коккьяра Дж. История фольклористики в Европе. –М.: 1960.-С.264.

бориб провансал тилини сиқиб чиқаради ва бу тил маҳаллий бир қишлоқ тилига айланади. XIX асрга келиб эса Прованс цивилизациясининг уйғониш белгилари кўзга ташланади: маҳаллий интеллигенция ўз она тилининг ривожланишига ва ўрганилишига, провансалларнинг анъанавий маданиятини ўрганишга қизиқиш билдирадilar. 1823 йилда Марселда “Провансал букети ёки Труба чалувчиларнинг Якшанбаси” номли асар чоп этилади. 1841 йил яна ўша Марселда Провансал маданиятига оид бир неча китоблар босмахонадан чиқаради⁶⁵.

1850 йиллардан маҳаллий адабиётшунослар ва ўлкашуносларнинг тўғараклари ташкил қилинади. 1854 йилга келиб эса бу тўғараклар Руманилл ва Мистрал бошчилигида “Фелибров” жамиятига бирлашади. Бу жамиятнинг қарашлари консерватив, диний руҳда бўлиб, бир қисми социалистик ҳаракатларга қарши эди. Ҳатто, кейинроқ эса бу жамиятдан демократик, чап қанот ажралади. Фелибров жамияти ҳозирги давргача мавжуддир. Бу жамият ўзининг ўлкаси ва маҳаллий тилни ўрганиш ва маданий жиҳатдан ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

1824 йилда Францияда биринчи марта янги грек халқ кўшиқлари тўплами чоп этилган. Бу тўпламнинг муаллифи адабиётшунос, тарихчи ва танқидчи Клод Шарль Фориель эди, унга халқ кўшиқларини греклар Элладанинг турли вилоятларидан юборишади. Мутахассис буларни тартибга солади, изоҳлар билан тўлдиради, йирик кириш сўзи тайёрлайди ва параллел ҳолда грек ва француз матнларини чоп эттиради.

1798 йилда Англияда аноним тўплам ҳисобланмиш “Лирик баллада” чоп этирилган эди. Тўпламни тузувчилар икки дўст, ёш шоирлар Уильям Уордсворт ва Самюэль Тейлер Кольдрижлар эдилар. Бу тўплам шеърлари халқ поэзияси эмас эди. Бироқ, муаллифлар ҳаммага тушунарли, оддий тилда, XVIII аср тантанали поэзияси тилидан қочган ҳолда уни тайёрлашга ҳаракат қилишади.

⁶⁵ Токарев С.А. . Истоки этнографической науки. –Москва: 1978.-С.137.

Бу даврда Шотландияда ватан ўтмиши романтик қизиқиш Вольтер Скотт (1771-1832) адабий фаолиятини руҳлантирган эди. Вольтер Скотт маҳаллий тарихий ҳикояларни йиғади ва шулар асосида биринчи балладаларини 1814-1832 йилларда ёзади. Унинг асарларини Европанинг барча китобхонлари ўқир эдилар. Романтик халқчиллик алоҳида ёзувчиларнинг ўзига хослиги эмас, балки даврнинг руҳи эди.

Скандинав мамлакатларида энг кўзга кўринган нашрлар 1811 йилда “Қадимги Дат қаҳрамонлик кўшиқлари” ва 1844 йилда чоп этилган “Шведларнинг халқ кўшиқлари” эди. 1853 йилда “Даниянинг қадимий кўшиқлари” нашр юзини кўради. Ганс Христиан Андерсеннинг машҳур эртаклари халқ асарлари бўлмасада, бироқ улар халқ эртаклари фантазияси руҳи билан суғорилган эди. Халқ ўтмишга қизиқиш Финляндияни ҳам чулғаб олган эди. 1831 йилда “фин адабиёти жамияти” ташкил қилинади. Бу даврга келиб Финляндиянинг Карель районида яшовчи қадимги халқларнинг кўшиқлари “Рунлар” тўплами шоир Топели томонидан нашр қилинади. Бу кўшиқларни халқ оғзидан истеъдодли шоир, асли касби врач бўлган Элиас Лёнрот тўплайди. Бу рунлар тўплами асосида шоирнинг 1835 йилда биринчи марта “Калевалу” деб номланган машҳур поэмаси яратилади ва қарийб барча Европа мамлакатларини қамраб олган халқ ижодиёти ва ўтмиши билан романтик қизиқиш, илоҳийлаштириш ҳолатларини келтирган эди. Масалан: Шотланд шоири Мак-ферсон қадимги кўшиқчи Оссианни тўқиб чиқарди ва унга атаб поэмалар ёзди ва уни илоҳ даражасига кўтарди. 1817 йилда Вацлав Ганка номи чех аҳолиси ўртасида жуда машҳур эди. Вацлав Ганка томонидан эски қалъа қолдиқлари остидан қадимги чех тилида ёзилган иккита қўл ёзма топилади. Бу қўл ёзмалар “Краледворск” ва “Зеленогорск” номлари билан чоп этилади. Булар ёзмалар қадимги чех тилида ёзилган поэма ҳисобланар эди. Бу поэмалар славян ўлкаларида катта олқиш билан кутиб олинди ва бошқа тилларга таржима қилинди. Бироқ, кўп ўтмасдан бу сунъий сохта қўлёзмалар Ганка томонидан тўқилганлиги аниқланади. Эмишдир, Вацлав

Ганканинг ўзи катта билим эгаси қадимги чех тилида поэма ёзиб, кўрғон харобалари остида уни ўзи кўмиб экан.

Европадан ташқаридаги мамлакатларда XIX асрнинг биринчи ярми этнографик билимлар йиғилиш жараёнида турғунлик ҳолати ҳукм суради. Денгиз йўлларининг очилиши, денгиз ва океан ортидаги материкларнинг тадқиқ қилиниши ниҳоясига етган эди. Европаликлар томонидан бу континентларнинг ичкари қисмига жойлашишлари жуда секин тарзда кечар эди. Илмий саёҳатлар ўз олдиларига эндиликда анча махсус мақсадларни, хусусан, географик ва табиий-илмий излашларни қўяди. Океан орти халқлари турмушига қизиқиш ҳамма саёҳатчиларни ҳам қизиқтирмас эди.

Жанубий Америка тарих сахнаси бу даврда илмий саёҳатлар майдонига айланган эди. Немис географи Александр Гумбольд француз натуралисти Эме Бомплан билан биргаликда 1799-1803 йиллар давомида Ориноко дарёси ҳавзасидан Магдален, тоғли Анд ўлкаси, ҳозирги Венесуэла, Колумбия, Эквадор ва Перу ерларини кезиб чиқадилар. Бу саёҳатлар вазифасига этнографик кузатишлар кирмаган эди. Физик-географик тадқиқотларга бағишланган саёҳат жараёнида Гумбольднинг илмий фикрлари кенглиги натижасида шу ҳудудларда яшовчи маҳаллий аҳоли ҳам ўрганилган. У ўзининг кундалигида Кумана вилоятида (ҳозирги Венесуэла) яшовчи ҳиндулар турмуш тарзи ҳақидаги ҳикоялари учун алоҳида боб ажратади. Бунда туб аҳолининг этнолингвистик таркиби, қабилалар номлари, табиий таркиби, хўжалик уклади, кундалик турмуш хусусиятлари ҳақида асосан Чайма қабиласи ҳақида баён этилган. Муаллиф бу аҳолини дунёнинг бошқа қисмларидаги халқлари билан таққослашдан кенг фойдаланади.

Гумбольдт изидан Жанубий Америка бўйлаб унинг ватандоши, кўзга кўринган табиатшунос шаҳзода Максимилиан Вид саёҳатни давом эттиради. Унинг капитал асари “1815-1817 йилларда Бразилияга саёҳат”да табиий-илмий тафсилотлар билан бир қаторда этнографик маълумотлар ҳам берилган. Ушбу асар ўша даврда инглиз ва француз тилига таржима қилингандан сўнг жуда машҳур бўлиб кетади.

Француз олими Альсида д'Орбиньи (1826-1834йй) саккиз йиллик саёҳати Жанубий Америка қатор мамлакатларини қамраб олади. Орбини бошқа саёҳатчиларга қараганда фақат маҳаллий аҳолига ўзининг диққатини жалб қилади. У икки томдан иборат ҳиндулар тавсифига бағишланган антропологик-этногрфик асарини ёзади. Муаллиф бу китобида ўзининг шахсий кузатишларидан ташқари ўз замондошлари ва мутахассис-антропологлар тадқиқотларига ҳам таянади. Бу ҳақиқий илмий асар эди. Орбини инсониятнинг тур сифатида ягоналигига мустаҳкам ишониб, Жанубий Америка барча ҳиндуларини уч ирқда бўлади. Булар: “Андо-Перуан”, ”Пампак” ва “Бразилия-гуараниан”, улар ўз навбатида ҳар бири тармоқларга бўлиниб кетади. Китобда жуда аниқ антропологик ва демографик маълумотлар халқларнинг алоҳида ирқ ва турмуши, урф-одатлари, тиллари ҳақида кўп маълумотлар келтирилган.

Немис адабиётшуноси Эдуард Пёппи ҳам 1827-1832 йилларда Анд тоғлари (Чили ва Перу) ва Амазонка ҳавзаси бўйлаб саёҳат қилади. Унинг саёҳатлари тафсилотларида ҳам этнографик кузатишлар мавжуд. 1832-1836 йилларда капитан Фицрой раҳбарлигида “Бигл” кемаси машҳур дунё бўйлаб саёҳатни амалга оширади. Бу саёҳатда ёш Чарлз Дарвин ҳам қатнашади. Ушбу саёҳат Дарвинга кейинчалик машҳур ўсимликлар ва ҳайвонлар турлари эволюция назариясини яратишга асосланган илмий материалларни беради. Этнографик изланишлар Дарвин учун иккинчи ўринда эди. Бироқ, аниқ ва виждонан олиб борилган изланишлар катта аҳамиятга эга эди. Дарвин “Бигль” кемаси тўхтаб ўтган Жанубий Америка қирғоқларида (Патагония, Оловли ер, Чили, Перу) яшовчи ҳиндулар билан учрашади. У ҳиндулар турмуш тарзи хусусиятлари ва улар бошига кўрқинчли шафқатсизликларни солган колонизаторлар муносабатларини ҳаққоний тасвирлайди⁶⁶.

Шимолий Американинг ички ўлкаларига 1804-1806 йилларда М.Льюис ва У.Кларклар экспедиция уюштиришади. Улар биринчилардан бўлиб музли тоғлардан ўтиб, ҳиндуларнинг “Плато” вилоятига боришади. У

⁶⁶ Дарвин Чарльз. Путешествие натуралиста вокруг света на корабле «Бигль». М.-Л., М.1977.

ердан Колумбия дарёси бўйлаб, Тинч океан қирғоқларигача бўлган ерларни тадқиқ қилишади. Этнография учун энг унумли материаллар Генри Роу Скулкрафт (1793-1864) илмий сафари эди. У 1817 йилдан бошлаб Миссисипи дарёси ҳавзаси ва Буюк кўллар райони кўп жойларида экспедициялар уюштиради. У бу сафарида дастлаб ҳукумат геологи сифатида боради, бироқ, маҳаллий аҳоли хиндуларга кўпроқ диққатини қаратади. Унинг сафар материаллари ўша даврда чоп этирилган. 1822 йилдан Скулкрафт хиндулар орасида ҳукумат томонидан тайинланган “Ҳинду агенти”дек яшайди. У хиндуларнинг (алгонкин ва ирокезлар) миф ва афсоналарни ёзиб борарди. Ҳиндулар афсоналарига бағишланган тўпламидан таъсирланган шоир Лонгфелло ўзининг машҳур поэмаси “Гайават ҳақида кўшиқ”ни ёзади. Бу поэманинг мотиви Скулкрафт тафсилотларидан олинган. Кейинроқ эса Скулкрафтни ўзи бу тафсилотларини анча оммабоп тарзда қайта ишлайди ва “Гайават ҳақида афсона” деб аталган китобини 1865 йилда нашр этади.

1847 йилда Скулкрафтга АҚШ ҳукумати топшириғи билан хиндулар ҳақида статистик маълумотларини йиғиш топширилган эди. Унинг йиғган материаллари 1851-1857 йилларда олти томдан иборат ҳажмдаги китоб шаклида чоп этирилди. Генри Скулкрафт томонидан йиғилган йирик этнографик ва фольклор маълумотларининг илмий муомалага киритилиши унга берилган “Америка этнологияси ва фольклористикаси отаси” номини оқлаган эди. Гарчанд унинг меҳнати ва хизматлари узоқ давр унутилиб қолган бўлса ҳам⁶⁷.

Рассом Жорж Кетлиннинг узоқ саёҳатлари ҳам этнография фанига қимматбаҳо материалларни берган эди. У 1832 йилдан бошлаб 8 йил ичида 50 та қабилалар билан танишиб, улар билан дўстона муносабатда бўлиб, 300 дан ортиқ этнографик расмлар олиб келади ва ўзининг хиндулар ҳақида жуда мазмунли китобини чоп этади. Бунда муаллиф Ҳиндуларнинг турмуш тарзи ва унинг бизга қоронғу бўлган томонлари ҳақида ёзади. Кейинроқ эса Ж.Кетлин Жанубий Америкага саёҳат уюштиради.

⁶⁷ Токарев С.А. . Истоки этнографической науки. –Москва: 1978.-С.144.

Ҳиндулар ҳақида қимматли маълумотларни бизга Жон Теннернинг кўпчилик диққатини жалб этган романтик-биографик асари беради. Жон Теннер ёшлигида ҳиндулар томонидан ўғирланиб кетилади ва у ҳиндулар орасида 30 йил (1789-1820) яшайди, улар турмуш тарзини қабул қилади, ҳатто уйланади. Кейинчалик “цивилизациялашган” дунёга қайтадан қайтгандан сўнг ўз ҳаёти тарихини сўзлаб беради. 1830 йилда Жон Теннер ҳикоялари босмахонадан чиқади. Ушбу китобида Ж.Теннер ҳинду (шауни, оттава, оджибу) қабилаларининг ҳаёти, урф-одати, турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилади. Шимолий Америка ҳиндуларини этнографик ўрганишда Теннер китоби қимматли ҳужжатдир⁶⁸.

Океяниянинг ороллардан иборат дунёсини этнографик жиҳатдан ўрганиш XIX асрнинг биринчи ярмида (1766-1788 йй.) шов-шувларга сабаб бўлиб, ундан кейинги даврда эса бу ҳудудларда анча тинч ва чуқур тадқиқотлар бошланган. Ўша йилларда Океания ва Австралиядаги янги кашфиётларга кўпроқ рус денгизчилари ўз хиссаларини кўшадилар. Русларнинг дунё бўйлаб денгизда сузишида Крузенштерн, Лисянский, Головнина, Коцебу, Беллинсгаузен, Лазарев, Литкеларни алоҳида қайд этиш лозим⁶⁹. Булар билан бирга ғарбий Европа олимларидан Лангсдорф, Шамиссо ва бошқалар ҳам қатнашдилар. Улар ўзларининг кузатишларини мустақил тарзда чоп эттиришарди. Шамиссо, хусусан, Океания аҳолиси она тилларига биринчи бўлиб эътибор қаратган эди. Бунда у бу тиллар Индонезия халқлари (Малайя-Полинезия тил оиласи) тиллари билан қариндошлигини аниқлаган эди.

Энг сўнгги дунё бўйлаб сузиш машҳур денгизчи, капитан, контр-адмирал Жюля Дюмон-Дюрвил томонидан амалга оширилади. Унинг биринчи экспедицияси (1826-1829) бундан 40 йил олдин ҳалок бўлган капитан Лаперуз экипажи изини қидириб топиш мақсадида амалга оширилган. Дюрвил Ваникоро ороллари яқинида Лаперуз ва унинг

⁶⁸ Теннер Д. Тридцать лет среди индейцев.-М.: 1963.

⁶⁹ Токарев С.А. . Истоки этнографической науки. –Москва: 1978.-С.145.

йўлдошлари фожиасига гувоҳларини топишга муваффақ бўлади. Унинг иккинчи экспедицияси (1838-1839) Антарктида қирғоқларини тадқиқ этишга қаратилган эди. Иккала экспедиция, айниқса, биринчиси этнографик кузатишларга бой бўлган.

XIX асрнинг биринчи йилларидан бошлаб Океанияни ўрганишга денгизчилар эмас балки маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб, улар билан бирга яшаган кишилар киришишади. Бу кишилар балким миссионерлар 1797 йил Океанияга “Дуф” кемаси билан биринчи марта махсус миссионерлар юборилган эди, ёки қочоқ, ёки асирга тушган денгизчилар эди.

Хусусан, Тонго оролидаги қабилаларига асир тушган ва улар билан тўрт йил яшаган кема эшкакчиси Уильям Маринернинг хотиралари маҳаллий аҳоли турмуши хусусиятларини очиб берган эди. Уильям Маринернинг Тонго оролидаги кўрган-кечирганлари асосидаги ҳикояларини Жон Мартин китоб қилиб чиқаради. Мартин бу асарни Тонголик маҳаллий аҳолининг қадимий турмуш тарзи ҳақидаги билимларнинг энг қимматли ва ишончли манбаи деб таърифлаган эди.

Миссионерларнинг қайси бири маҳаллий аҳоли билан узоқ вақт бирга яшаб, уларнинг урф-одатларидан яқиндан хабардор бўлсагина бу тафсилотлар қимматли маълумотлар ҳисобланар эди. Миссионерлардан Ормонд Таити оролида қарийб 40 йил (1817-1856) яшаган, бироқ унинг асари анча кейинроқ ва тўла нашр этилмай қолган эди. Уильям Эллис 8 йил Таити ва Гавайя оролларида яшаган. Стэра Самоа оролида 1838-1846 йилларда яшаган.

Бу этнографик маълумотлар Полинезия, Меланезия архипелагининг бир қисмини, Янги Гвинея, Микронезиянинг анча қисмини қамраб олган эди. Бу ҳудуддаги бошқа мамлакатлар номаълумлигича қолган эди, буларни мустамлакага айлантириш ҳали олдинда эди.

Австралия, айниқса унинг ичкари ўлкалари билан танишиш жуда секинлик билан амалга оширилган эди. Қўркув ва камбағаллашган Англия мустамлакачилари (бошида сургун қилинганлар, кейинроқ эса эркин

колонистлар) анча вақтгача материк ичкарасига кириб боришни ҳал қила олмаган эдилар. Колонизаторлар маҳаллий аҳоли аборигенлар билан тўқнашишдан сақланишган. Чунки бу тўқнашувлар доимо тинч, дўстона руҳда тугамаган. Мустамлакачилар аборигенларга қарши шафқатсиз сиёсат юргиза бошлашган.

Аборигенлар ҳақида қизиқарли маълумотларни Австралиянинг жанубий-ғарбидаги ўрмонларда 30 йилдан ортиқ улар билан бирга яшаган Уильям Бёкли беради. У хатто ўз она тили инглиз тилини ҳам унутади. Кейинчалик оқ танлилар орасига қайтгандан сўнг ўзининг таниши ва хомийси Джон Морганга бошидан кечирганларини ва йўл-йўлакай аборигенлар турмуши ҳақида ҳам сўзлаб беради. Джон Морган бу ҳикояларни нашрдан чиқаради.

Мустамлакачиларнинг Муррей-Дарлинг ҳавзасига кириб келиши XIX асрнинг иккинчи ўн йиллигида бошланган эди. Марказий Австралиянинг саҳроларини тадқиқ қилиш эса фақат 1840 йилдан бошланган. Бу тадқиқотлар натижасида баъзи саёҳатчилар (Бёрк, Лейхард) ҳалокатли ўлим топишади. Марказий Австралиянинг жуда қолоқ қабилалари саёҳатчилар ва тадқиқотчиларига қаршилик кўрсатишарди. Саёҳатчиларнинг тафсилотлари узук-юлук, тизимли бўлмасида этнографияга оид қимматли маълумотларга тўла эди. Ушбу илк тафсилотлар аборигенлар турмуши ташқи жиҳатларинигина ўзида мужассам этган. Буларда аборигенларнинг қариндошлик муносабатлари, диний эътиқодлари фольклори ҳақида маълумотлар деярли мавжуд эмас эди.

Африка материгини тадқиқ этиш XIX асрнинг биринчи ярмида анча секин давом этган. Европаликлар бу катта материкнинг ички қисмига боришга ботинишмас эди. Улар фақат қирғоқ бўйи ўлкаларида ўзларининг таянч базаларида маҳкам туришарди. Шунинг учун Африка халқлари тўғрисидаги этнографик маълумотлар секинлик билан тарқалди. Айрим саёҳатчиларнинг материк ичкарасига қилган саёҳатлари фақатгина географик тадқиқотларни мақсад қилиб белгилаган эди. Улар, хусусан, уч буюк дарё-

Нил, Нигер ва Конго дарёларнинг сирини очишни асосий мақсад қилиб олишган эди. Бироқ, уларнинг қўлга киритган ютуқлари катта эмас эди. Шотландиялик саёҳатчи Мунго Паркнинг (1795-1806) Нигер дарёси бўйлаб саёҳати омадсиз бўлди ва Мунго Парк ҳалок бўлди. Нигер дарёсининг сирини 1822-1825 йилда саёҳатчи Клаппертон томонидан очилди. Конго ҳавзаси ва Нил дарёсининг юқори оқими тадқиқ қилинмасдан қолди. Фақат Жанубий Африкада Европанинг кўп сонли аҳолиси (Голланд мустамлакачилари бурлар) жойлашиб бўлган эди. Шунинг учун ҳам мамлакат билан танишиш тез ва осон кечди. Бу ерларда миссионерлар ҳаракатда эдилар, уларнинг баъзилари тадқиқотчилар эдилар. Бечуан қабиласи орасида яшаган Миссионер Роберт Моффатнинг миълумотлари анча қимматли эди.

Кейинроқ эса унинг кўмагида Давид Ливингстон ўзининг ажойиб саёҳатини бошлайди. Д.Ливингстон Р.Моффатнинг қизига уйланган ва маҳаллий тил - бечуан тилини ўрганган эди. Барибир, XIX аср ўрталаригача ва ҳатто кейинроқ ҳам Африканинг ички ўлкалари ва у ерда яшовчи халқлар европаликларга қарийиб номаълумлигича қолаверди.

ХУЛОСА

Этнографик билимлар тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳатто қадим замонларда тоза эмперик, тизимсиз йиғилиб борган этнографик билимлар, яъни халқлар ва уларнинг маданияти ҳақидаги маълумотлар муайян қонуниятларга бўйсунган ва бу қонуниятлар доимо кўзга ташланиб турган. Ҳатто қўшни ва узоқда яшаган номаълум халқларга оддий қизиқиш турли даврларда ҳар хил намоён бўлган. Масалан, илк ўрта асрларда одамларнинг асрлар давомида этнографик дунёқараши кенгаймаган. Бироқ, шундай даврлар бўлганки, бу ҳолнинг тескариси одамларнинг этнографик билимлари кунлар эмас, ҳатто соатлар сайин ўсиб борган. Натижада қисқа даврда ҳам географик ҳам этнографик горизонтлар неча марта кенгайиб борган.

Маълумки, варварлар томонидан V асрда Рим империясининг истило қилиниши натижасида антик маданият анча инқирозга учради. Варварлар шаҳарларни вайрон қилдилар, антик маданият ёдгорликларини буздилар. Ўрта асрлар даврида феодал тузумнинг қарор топиши натурал хўжалик ҳукмронлиги оқибатида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқаларнинг сусайганлигида ўз аксини топди. Буларнинг ҳаммаси христиан динининг кучайишига сабаб бўлди. Диний аскетик дунёқарашни майдонга чиқарди. Антик маданият инқирозга учради.

Узоқ вақт ҳукм сурган Рим империясининг шарқий қисми ғарбий қисмидан анча мустаҳкамлиги ва тараққий этганлиги билан фарқ қилар эди. Эллинизм маданиятининг Шарқий Рим империяси ҳудудида ёйилиши грек

халқининг Яқин Шарқдаги турли халқлар билан кўп асрлар давомида қилган алоқасининг натижаси бўлиб, Византиянинг мустақамлигини маълум даражада сақланиб туришига имкон яратган эди.

Ўрта асрлар даврида этнографик билимларни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида Европа худудида истиқомат қилган халқлар, уларнинг ўзаро иқтисодий, савдо, маданий ва ҳатто сиёсий алоқаларидан хабардор қилади.

Ғарбий Рим империяси сингари Византия ҳам “варварлаштиришдан” қочиб қутулмаганлиги маълум бўлди. Ушбу сиёсат оқибатида славянлар қисман Болқон ярим оролидаги бир қанча худудларни босиб олиб, бу ерда Болгария, Сербия, Хорватия сингари давлатларнинг барпо этилганлиги маълум бўлди.

Ўрта аср Европасида юз берган ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий жараёнлар этнографик билимлар ривожига ҳамма вақт ҳам ижобий таъсир кўрсатавермаган. Бундан ташқари, турли халқларни ўрганган тарихнавислар, сайёҳлар, элчилар ўзлари яшаган давр сиёсатидан келиб чиқиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб асарларини ёзиб қолдирганлар. Албатта, ушбу муаллифлар асарларини фақат танқидий нуқтаи - назардан ўрганиш орқалигина ҳолисона хулосалар чиқариш лозим.

XV аср ўрталаридан бошланган “Буюк географик кашфиётлар” этнографик ахборотларнинг кенг миқёсда ва тез суръатлар билан тўпланишига сабаб бўлди. Бу давр шаҳарларнинг ўсиши, савдо муносабатларининг кенгайиши, мануфактура хўжалигининг вужудга келиши ва бошқа катта ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан боғлиқ эди. Янги-янги

ерларни босиб олиш мақсадида ўтказилган юришлар, жасур денгизчилар ва савдогарларнинг, қароқчи ва мустамлакачиларнинг бепоён океанларда сузишлари натижаси ўлароқ, Америка қитъасини, Африка соҳилларини, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ўлкаларини, Океания архипелаги ва ороллариининг кашф этилиши европаликларни илгари номаълум бўлган ирк ва тилдаги халқлар билан таништирди. Дастлаб португал ва испан сайёҳлари, кейин голланд, инглиз ва французлар дунёнинг барча қитъаларида бўлиб, янги ерларни кашф қилибгина қолмай, жуда кўп ўлка ва элатларни ўз измларига бўйсундириб, мустамлакачиликка йўл очиб берганлар. Кашф этилган мамлакатлар ва уларнинг аҳолиси тўғрисидаги биринчи маълумотлар кема кундаликларида ва саёҳатлар ҳақидаги ҳисоботларда, кейинчалик анча батафсил тузилган баённома ва саёҳатномаларда акс эттирилган.

Гарбий Европадаги кичкина тиғиз дунёда ўзининг ҳудуди, ҳажми, табиий шароитлари ва турмуш тарзи билан фарқ қиладиган халқларни кўриш, уларни ўрганиш каби катта дунё кенгликлари денгиз сузувчилари ва конкистадорлар кўзи олдида намоён бўлган эди. Европаликлар чексиз дунёнинг у бошидан бу бошигача ёйилган ўзларига маълум бўлмаган ўрмонлар, текисликлар, саҳроларни ўргандилар.

Энг муҳими, янги очилган денгиз орти мамлакатлари аҳоли билан лиқ тўлалиги аниқланди. Бу ҳудудларда яшаган халқлар бир-биридан ҳар жихатдан фарқ қилишини европаликлар билмаганлар. Ўзларининг ҳисоботлари, хатлари, эсдаликларида янги ерни очганлар. Туб аҳоли билан бўлган муносабатларини батафсил ёзиб қолдирганлар. Хусусан, бу фикр-

мулоҳазалар Колумб, Пигафетта, Берналь Диас дел Кастильо ҳисобот ва хотираларида жуда қизиқарли баён қилинган.

XVI асрдан бошлаб илк географик - этнографик ахборот муаллифлари эндиликда тўғри келган кузатувчилар эмас, олимлар эдилар. Масалан, Италиян гуманист - ёзувчиси Педро Мартирнинг “Янги дунё” деб номланган тарихий асари ва ҳоказолар.

XVIII аср маърифатпарварлари Европанинг ҳамма мамлакатларида ижтимоий онгда чуқур бурилиш ясадилар. Бу бурилиш ҳар қайси мамлакатда ўзига хос хусусият касб этган эди. Албатта, XVIII асрдаги илғор ғоялар намояндалари позицияси бир хил эмас эди.

XVIII ва XIX асрнинг биринчи ярмида этнографик билимлар ва ғоялар ривожини ўрганиш жараёнида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

-Европанинг илғор зиёлилари илмий, фалсафий ва ижтимоий карашлари жуда катта куч-ғайрат билан аҳолининг ўқимишли қатламлари орасида кенг ёйилган;

-Эски феодак абсолюк, криликал дунёқарашни бузиб ташлаш жараёнида этнографик билимлар ва ғоялар муҳим аҳамият касб этган эди;

-XVIII аср охиригача гарчи Европа Австралия туб аҳолиси ҳақида этнографик маълумотларга эга бўлмаса-да, Океания оролларини этнографик кашф этиш ва ерли аҳолини ўрганиш авж олган эди;

-Бу даврда Африка этнографиясига оид катта тадқиқотлар олиб борилмаган бўлсада, Виллем Босман ва Петер Кольбеларнинг этнографик асарларининг аҳамияти муҳим эди;

-Осиёни этнографик ўрганиш, хусусан, Хитой, Ҳиндистон, Олд Осиё халқлари турмуш тарзини тадқиқ этиш масаласида анча илгарилаб кетилган эди;

-Этнографик билимлар ривожиди ўз хиссаларини қўшган Европа маърифатпарварларининг илмий тадқиқотлари диққатга сазовор эди;

- XVIII асрда этнографик билимларга доир илмий, фалсафий ва публицистик адабиётлар таҳлили уч асосий йўналишда ривожланганлиги маълум бўлди;

- XIX аср биринчи ярмида Европада рўй берган тарихий воқеалар янги йўналишдаги ижтимоий фикрлар шаклланишига сабаб бўлган эди ва бу фикрлар этнографик билимлар ва ғояларда ўз аксини топди;

-Марказий Европадаги герман давлатлари маънавий ҳаётида этнографик ғояларнинг кенг тарқалиши аниқ намоён бўлди;

-Бу даврда илк мартаба фольклор тўпламлари яратилди ва халқшунослик атамаси кенг ишлатила бошланди;

- XIX аср ўрталаригача мустақил фан сифатида этнография мавжуд эмас эди. Бироқ, бу фаннинг шаклланиши учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилган эди.

Ушбу тадқиқот бўйича қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

-IX асргача Европада тўпланган этнографик маълумотларни алоҳида мавзу сифатида тадқиқ қилиш;

-Юртимиз ҳудудида бўлган Плано Карпини, Рубрук, Марко Поло каби сайёҳ ва элчиларнинг хотира ва эсдаликларини ўзбек тилига ўгириб ўша

давр ўлкамиз этнографияси хусусидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш;

-Буюк географик кашфиётлар даврида Европада йиғилган этнографик билимлар тараққиётига бағишланган ҳужжатли фильмлар, илмий-оммабоп нашрлар, этнографик ашёларининг музей экспонатларидан жой олиши орқали баркамол авлодни тарбиялашда этнография фанининг муносиб ўрин эгаллашига имконият яратиш;

-Европада саноат тараққиёти ва мустамлакачилик системасининг вужудга келиши натижасида ер юзидан йўқолиб кетган қабилалар, шунингдек, ибтидоий элатларнинг замонавий цивилизацияга яқин периферияларига айланиш жараёнларини таҳлил этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини келажакда йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Европада IX-XIX аср ўрталарида этнографик билимларнинг фанга айланиши жараёнида ўзининг залворли ҳиссасини қўшган асар муаллифлари жаҳон этнография фанини бойитишда бевосита сабабчи бўлган инсонлар эдилар. Бугунги кунда уларнинг асарларини ўрганиб, тегишли тарихий хулосалар чиқариш ва ундан фанимиз соҳасида унумли фойдаланиш биз мутахассисларнинг вазифамиздир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари

- I.1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: “Шарқ”, 1998. -32 б.
- I.2. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.-17 б.
- I.3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
- I.4. Каримов И. А. XXI-аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-687 б.
- I.5. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.
- I.6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: “Ўзбекистон”, 1994, -21 б.

II. Адабиётлар

- II.1. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. / Клавиго Руи Гонсалес де . Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406); Тарж., У.Жўраев. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар. Тарж. ; Б.Эрматов. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. -Т.: “ F.Ғулом” номидаги нашриёт. –Матбаа ижодий уйи, 2007.
- II.2. Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология.(ўқув қўлланма).- Т.: 2007.;
- II.3. Аширов А. Жаҳон этнологияси асослари. Дарслик. -Т.2014;
- II.4. Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи.-Т. “ Янги нашр”, 2011.;
- II.5. Жабборов И. Жаҳон этнологияси асослари.-Т.: Ўқитувчи, 2008.;
- II.6. Жабборов И. Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти).-Т.: Шарқ 2008.
- II.7. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: Маънавият, 2008;
- II.8. Файзуллаев О. Ўзбекистон: Қадимги фанимиз ва ҳозирги замон.//Мулоқот.-Т.: 2002. май-июнь.-Б.4.
- II.9. Қурбонова М.Б. Баркамол авлод ва этнология фани.// Баркамол авлод – озод ва обод юрт таянчи мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II-китоб. Бухоро-2010.-Б.26-29.
- II.10. Агафий. О царствовании Юстиниана. Перевод М.Левченко. -М.Л.: 1953.
- II.11. Бартольд В. История изучения Востока в Европе и России. – Л.:1925.
- II.12. Брук С. И. Население мира. - М.:1981.
- II.13. Бейкер Дж. История географических открытий и исследований. -М.: 1950.
- II.14. Геродот. История в девяти книгах. Кн. IV, 17.

- П.15.Геродот. Геродоту Скифия, Киев: 1876: Геродот. Восточные народы. - М.: 1987.
- П.16.Геродот и исторические рассказы восточных народов. -М.:1887.
- П.17.Геродот. История в девяти книгах. Книга четвёртая. В 2-х томах, том I. - М.:1985.
- П.18.Гельмольд Славянская хроника. - М.: 1963.
- П.19.Дитмар А.Б. От скифии до Элефантины. Гос. Изд-во географической литературы. - М.: 1961.
- П.20. Добродомов И.Г. Из древнерусской этнонимии.// Советская этнография. 1966.№3.
- П.21. Иордан.О происхождении и деяниях гетов . -М.:1960.
- П.22. История стран Азии и Африки в новейшее время. -М.: 1976.
- П.23. Карпини Джиованни дель Плано. История монгалов. Рубрук Гильом де.Путешествие в Восточные страны. Редакция, статья и прим. Н. П. Шастиной. -М.: 1957.
- П.24. Комнина Анна. Алексиада. -М.: 1965.
- П 25. Книга Марко Поло. Перевод И. П. Минаева. - М.: 1955.
- П.26. Книга Марко Поло. Серия: Путешествия.Открытия.Приключения.- Алма-Ата: Наука.1990.
- П.27. Кнорозов Ю. В. Письменность индейцев майя. -М- Л.: 1963.
- П.28. Коккьяра Дж. Истрия фольклористики в Европе. -М.: 1960.
- П.29. Кнозоров Ю. В. Иероглифические рукописи майя. -Л.: 1975.
- П 30. Кнозарев Ю. В.Иероглифические рукописи Майя. -Л.:1975.
- П 31. Ланда Диэго де. Сообщения о делах в Юкатене 1566. Перевод статья и прим. Ю.В. Кнорозова. – М. - Л.: 1955.
- П.32. Лурье С. Геродот. - М.-Л.: Изд. АН. 1947.
- П.33. Морелли . Кодекс природы. -М-Л.:1947.
- П.34. Магидович И.П. Очерки по истории географических открытий. -М.:1957.
- П.35. Нидерле Л. Славянские древности. - М.: 1956.
- П.36. Народы мира. Этнографические очерки. Народы Южной Азии. 1960 .
- П.37. Народы мира. Этрографические очерки. Народы Австралии и Океании. -М.:1956.
- П.38. Пифагетта А. Путешествие в Восточные страны. Введение, перевод прим. Н. П. Шастиной. - М.: 1957.
- П.39. Путешествия Христофора Колумба. Дневники, письма, документы. -М.:1950.
- П. 40. Прокопий из Кессарии. Война с гетами. - М.: 1950.
- П. 41. Симокатта Фиофилакт. История. -М.: 1957.
- П. 42. Семенов В. Ф. Ёрта асрлар тарихи. - Т.: 1973.
- П. 43. Токарев С. А. История зарубежной этнографии. -М.: 1979.
- П. 44. Токарев С. А.Истоки этнографической науки (До середины XIXв.). -М.:1978.

III. Чет элда чоп этилган адабиётлар

- III.1. Enterline J.R. Viking America. The Norse crossing and their legacy. London, 1972 (1973). –p.75.
- III.2. B.Schmeidler. Hannover – Leipzig, 1917, S.6 (далее цитю это надание); Adam of Bremen. History of the Archibishops of hamburg – Bremen. Y.Y,1959,p.7.
- III.3.История Западного Казахстана («Батыс Қазақстан тарихи) В двух томах. Том 1.-Актобе: «Принт «А».- 2006.

V. Луғатлар ва маълумотномалар

- V.1.Русча-ўзбекча луғат. 1 том. Т.; Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. 1983.
- V.2.Словарь античности. –М.: Прогресс, 1989.
- V.3.Новейший энциклопедический справочник. Страны мира. - М.: ОЛМА Медиа Групп. 2007.
- V.4.Новейший справочник необходимых знаний. 2-е Изд., перераб. и доп. /Сост.Кондрашов А.П., Стреналюк Ю.В. -М. РИПОЛ классик. 2006
- V.5.Исмоилов М., шаропов А. Тарих атамалари лу-ати. -Т.: Академнашр, 2013.
- V.6.Большой иллюстрированный справочник. Страны и Континенты. -М.: Махаон. 2005.